



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



*“Бир бўлсак –
ягона халқмиз,
бирлашсак –
Ватанмиз!”*

БЎЛАЖАК СУДЬЯЛАРГА МАГИСТР ДИПЛОМИ ТОПШИРИЛДИ

2024 йилнинг 16 июль кун Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курси 2023-2024 ўқув йили битирувчиларига магистр дипломи тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди, Судьялар ассоциацияси раҳбарияти, суд фахрийлари иштирок этишди.

Убайдулла МИНГБОЕВ

Ўзбекистон судьялари ассоциацияси раиси:

— Оғир, лекин шарафли йўлга қадам қўйган тингловчиларга кейинги фаолиятларида ҳам покиза ва ҳалол ишлашлари учун куч-қувват, сабр тоқат тилайман. Умид қиламанки, судьялик қасамёдини қабул қилиш ҳамма битирган тингловчиларга насиб қилади. Ва шу қасамёдига содиқ қолиб, қонунчиликда кўрсатилган ваколатлардан тўғри фойдаланиб, қонун устуворлигини таъминлаб, қатъиятли бўлиб, адолатли қарор чиқарсалар ана шу шарафли касбга муносиб бўлишади. Барчамиз биламизки, бизнинг урф-одатимизга кўра кишининг қасамини бузиши қаттиқ қораланади. Ва бу ишга қўл урган инсон ҳеч қачон ҳаётдан, касбидан барака топмайди. Битирувчилар бунга англашади, тушунишади ва келажакда судьялик қасамига амал қиладилар.

Маълумот ўрнида айтиб ўтадиган бўлсак, Судьялар олий мактабида ўқув жараёни билан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ўқув курси “70 фоиз амалиёт – 30 фоиз назария” тизими асосида ташкил этилган.

Мирзо Улуабек Абдусаломов

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси:

— Аввало, битирувчиларга омад тилайман. Эртанги судьялик лавозимлари учун бўладиган имтиҳонларни ҳам аъло баҳоларга топшириш насиб қилсин. Судьялик жуда оғир касблардан бири. Доимий меҳнат, интилиш, ҳалоллик, поклик, кўп нарсалардан ўзини чегаралаш, нафс балосини жиловлаш талаб этилади. Шундай экан битирувчиларга инсоф, адолат, поклик доим ёр бўлишини тилаб қоламан. Бугунги кунда давлатимизда суд ҳокимиятининг ўрни кундан-кунга юксалиб бораётти. Бу табиий ҳол албатта. Судьялик касби ҳар замонда, ҳар жамиятда доимо эътиборда ва эзозда бўлган. Халқ уларга қараб ўрناق олган, ишониб яшаган. Шундай экан ушбу шарафли касбларига доимо садоқат билан хизмат қилиш ва бу йўлда тинмай ўқиб-изланиш, ўз устида ишлашда шижоати асло сўнмасин, деб қоламан.

Дилбар ЧОРИЕВА:

— Мен Судьялар олий мактабида таҳсил давомида касбим нуқтаи назаридан кўплаб билимларни ўзлаштирдим. Хусусан, дарс мавзуларининг шакллантирилишида касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, иш ва бошқарувини ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган ёндашувлар эътиборга олингани аҳамиятлидир. Масалан, бизнинг психологик ҳолатни назорат қилиш кўникмамизни шакллантириш учун “Стресс ва стрессни келтириб чиқарувчи ҳолатларни бошқариш”, “Конфликтология, низоларнинг келиб чиқиши, иш жараёнида низоларни ҳал қилишнинг самарали усуллари”, “Тайм-менеджмент: иш жараёнини тўғри ва самарали ташкил этиш” каби дарс машғулотлари олиб борилди.





Сардор ЭГАМНАЗАРОВ:

— Мен судья бўлишни анча йиллардан бери орзу қиламан. Шунинг учун ҳам мактабда таҳсил давомида дарсларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Айниқса, таълим жараёни “судьяни судья ўқитади” тамойили асосида олиб борилгани, ўқув машғулотларига тажрибали судьялар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилингани биз учун жуда фойдали бўлди. Ўқув курсимиз давомида “Суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши курашиш” ҳамда “Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар” каби янги ўқув машғулотлари бизнинг кейинги фаолиятимизда яхши асқотади, деб ўйлайман. Ўз ўрнида бу билан тўхтаб қолмаймиз, ҳали олдинда судьялик лавозими учун имтиҳонлар бўлади. Энди бор эътиборимизни ана шу жараёнга тайёргарликка қаратамиз. Албатта, ушбу синовдан ҳам муваффақиятли ўтиб устозларимизнинг юзини ёрув қилишга бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз.

Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчиларининг аксарияти, яъни 11 нафари (85 фоизи) юридик фанлар бўйича илмий даражага эга, 9 нафари (70 фоизи) узоқ йиллар давомида судьялик лавозимларида фаолият юритган. Бундан ташқари, дарс машғулотларига доимий равишда амалдаги судьялар ва амалиётчи мутахассисларни жалб қилиш ҳам йўлга қўйилган. Биргина 2023-2024 ўқув йилида судьяликка номзодларни тайёрлаш курсига 60 нафардан ортиқ судьялар соатбай ҳақ тўлаш асосида ўқув машғулотларини ўтказишга жалб қилинди.

Судьяликка номзодларни тайёрлашнинг жаҳон стандартларига асосланган бутунлай янги тизимнинг жорий қилингани ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Хусусан, Судьялар олий мактаби

ташкил этилганига эндигина беш йил бўлган бўлсада, шу давр мобайнида Олий мактабда жами 345 нафар судьяликка номзодлар тайёрланган бўлиб, улардан 324 нафари (93,6%) судьялик лавозимига тайинланган.

Эслатиб ўтамиз, 2023-2024 ўқув йилида – 153 нафар шундан, жиноят ҳуқуқи ихтисослиги бўйича 48 нафар, фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги бўйича 47 нафар, иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича 30 нафар, маъмурий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича 28 нафар тингловчи таҳсил олди. Шунингдек, 153 нафар битирувчилардан 41 нафари аёллар, 20 нафари магистр даражасига эга ҳамда 4 нафари юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ҳисобланади.



Шаҳбоз САИДОВ тайёрлади.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожиги-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Бехзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 24.07.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8, 8 босма табок.

Буюртма № 3. Адади 1480.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

6

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ АФЗАЛ
ЖИҲАТЛАРИ

8

МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТНИНГ ВАКИЛЛИК
ФУНКЦИЯСИ: МОҲИЯТИ, АМАЛИЁТИ ВА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

МУҲИМ МАВЗУ

11

ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ-
НИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА МОҲИЯТИ

13

МУШОҲАДА

ҚАМОҚҚА ОЛИШ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ
Қўллашнинг алоҳида жиҳатлари

МЕНИНГ ФИКРИМ

14

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ КОЛЛИЗИЯЛАР ВА УЛАРНИ
ҲАЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ БИЛАН БОҒЛИҚ
МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

15

ТАҲЛИЛ

ЎН САККИЗ ЁШГАЧА БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН
ТУЗИЛАДИГАН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

17

ЎҚОТАР ҚУРОЛЛАР, ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР,
ПОРТЛАТИШ ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ҚУРИЛМА-
ЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИДАН
ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШ

20

КУН МАВЗУСИ

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ЖАБРЛАНУВЧИ
ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

РАҚАМЛИ ДУНЁ

22

РАҚАМЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА
ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

23

НУҚТАИ НАЗАР

КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ
МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ГЕНЕЗИСИ

26

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ЎТАШНИНГ ЎЗИГА
ХОСЛИКЛАРИ**

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

27

**ТИББИЁТ ХОДИМИНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБ-
ГАРЛИГИНИ СУФУРТА ҚИЛИШДА СУФУРТА
МУКОФОТИ, ТОВОНИ ВА СУФУРТА ПУЛИ**

29

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРОКУРАТУРА
ОРГАНЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

32

**РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДА БОЛА
ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ
МАСАЛАСИ**

35

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ-
ЧИЛАРИ ВА ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР
ТАЖРИБАСИ**

СУДЬЯ МИНБАРИ

37

**НИКОҲДАН АЖРАТИЛГАНДА БОЛА
КИМДА ҚОЛАДИ?!**

38

**СУД ИНСТАНЦИЯЛАРИ:
МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

39

**КРИПТОВАЛЮТА ҲАМЁНЛАРИ ВА
ТРАНЗАКЦИЯЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ
МУНОСАБАТЛАРДА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ
МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ**

41

**КРЕДИТЛАШ СОҲАСИДАГИ
МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-
ҲУҚУҚИЙ ВА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
ЖАВОБГАРЛИК МЕЗОНЛАРИ**

44

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

45

ТАДҚИҚОТ

**ТОВАР БЕЛГИСИГА НИСБАТАН
ҲУҚУҚЛАРНИНГ ТУГАШИ ТАМОЙИЛИ:
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА АМАЛИЁТ**

47

**ВАСИЯТНОМАНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ
ВА БЕКОР ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

49

**КОРРУПЦИЯВИЙ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ
ПСИХОЛОГИК ИЛМИЙ МУАММО
СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ**

51

ПРОЦЕСС

**РАЗВИТИЕ ПРАВОВЫХ МЕХАНИЗМОВ
ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ**

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

52

**ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ
БЛОКЧЕЙН-ТЕХНОЛОГИЙ:
ИЗУЧЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА**

54

ТЕМА ДНЯ

**ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ БЕЗЪЯДЕРНОГО
СТАТУСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕГО
ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПОСЛЕДСТВИЯ**

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

56

**ЯПОНСКАЯ СИСТЕМА РЕГУЛИРОВАНИЯ
ВЕНЧУРНЫМИ ИНВЕСТИЦИЯМИ**

58

НОВЫЙ ЭТАП

**ЗАЩИТА ПРАВ И ИНТЕРЕСОВ
ЧАСТНЫХ ИНВЕТОРОВ В РАМКАХ
ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО
ПАРТНЁРСТВА**

60

**ИНСТРУМЕНТЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ
ВНЕШНЕТОРГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

62

ANALYSIS

**SCIENTIFIC APPROACHES TO
DEFININGSCIENTIFIC DEFINING THE
CONCEPT OF ONGOING CRIMESTHE
CRIMES**

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА УНИНГ АФЗАЛ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва сайлов тизимида амалга оширилган ислохотлар баён қилинган бўлиб, аралаш сайлов тизимининг афзалликлари ва ўзига хос жиҳатлари ҳамда сайлов жараёни билан боғлиқ тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: қонун, сайлов, референдум, сайлов кодекси, аралаш сайлов тизими, мажоритар сайлов тизими, пропорционал сайлов тизими, сиёсий партиялар, депутатлар, сайлов округлари.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач ўз олдида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни асосий мақсад сифатида белгилади. Шунинг замирида кўплаб қонунчилик ҳужжатлари янгиланиб, давлат ҳокимияти органлари, сайлов тизими, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид қонунчилик нормалари такомиллаштирилди. Мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларидаги иштироки, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларига кенг жалб этиш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги фаоллигини кучайтириш билан боғлиқ тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи уларнинг юртимизда ўтказилаётган сайловлар ва референдумларда қатнашишлари ва ўз овозларини беришларида намоён бўлади. Сайловлар жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар ҳуқуқларини амалга оширишнинг муҳим демократик институти ҳисобланади.

Сайлов халқ ҳокимияти органларини шакллантириш бўйича муносабатларнинг мураккаб тизимини ўз ичига олади. Сайлов фундаментал демократик институт сифатида, сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга ошириш соҳаси билан узвий боғлиқ. Бундан ташқари, сайловлар сиёсий тизим фаолиятига тузатиш киритишга имконият берувчи, уни инқироздан асровчи, айрим сайловчилар хоҳиш-иродасини сиёсатчилар ҳукмига айлантириш учун имконият яратувчи механизм ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳозирга қадар сайлов қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор ислохотлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг ичида Сайлов кодекси қабул қилинганлиги муҳим янгилıklардан биридир.

Ўзбекистонда сайлов тизимини янгилаш ва ислох қилиш давлат ҳокимияти тизимидаги ва қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар билан ҳаммоҳанг равишда босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Асосий конституциявий нормаларга мувофиқ ва улар доирасида мамлакатда бутунлай янги сайлов ва референдумга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар изчил ривожланди. Хусусан, сайлов ва референдумга оид қонунчилик нормаларида амалга оширилган сўнгги

ўзгаришлар сифатида, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунини таъкидлашимиз мумкин. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими, яъни ҳам мажоритар ҳам пропорционал асосда ўтказиш, шунингдек сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ҳамда сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан қирқ фоизга ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар сиёсий партиялар ва депутатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустақамланишига, сиёсий партияларнинг мавқеи ҳамда сайлов органларининг профессионаллик даражаси янада ошишига хизмат қилади.

Сайловлар қайси тизим асосида амалга оширилишидан қатъий назар сайлов принципларига амал қилиш, фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлигини таъминлаш, ўз номзодларини илгари суриш имкониятини яратиш сайловнинг энг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Аралаш сайлов тизими бу пропорционал ва мажоритар сайлов тизими уйғунлигини ўзида акс эттирган сайлов тизимининг бир кўринишидир. Унинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, депутатлик мандатларининг бир қисми ҳукуматнинг барқарор шаклланишига хизмат қилувчи мажоритар тизим таъминлари бўйича, иккинчи қисми эса пропорционал тизим принципларига мувофиқ тақсимланади. Ушбу тизим сайлов жараёнида сайловчилар томонидан берилган овозларни тўлиқроқ ҳисобга олишга ҳисса қўшади ва мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг ҳақиқий манзарасини аниқроқ акс эттиради.

Бугунги кунда аралаш сайлов тизими асосида Япония, Германия, Венгрия, Австралия, Грузия, Янги Зеландия ва Россия сингари давлатларда сайловлар ўтказиб келинади.

Тарихий жиҳатдан биринчи сайлов тизими кўпчилик овоз тамойилига асосланган мажоритар тизим бўлган. Мажоритар тизим қоидаларига кўра, энг кўп овоз олган номзодлар сайланган ҳисобланади.

Пропорционал сайлов тизими эса депутатлик мандатларини ҳар бир номзод олган овозлар сонига мутаносиб равишда тақсимлаш принципига асосланади. Ва мажоритар ҳамда пропорционал тизимларнинг афзалликларини бирлаштириш, шунингдек, иккала тизимни бирлаштирганда уларнинг ҳар бирига хос камчиликларни бартараф этиш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, аралаш сайлов тизими пайдо бўлди.

Аралаш сайлов тизими жамиятдаги сиёсий кучлар мувозанатини акс эттирувчи профессионал парламентни шакллантириш имконини беради, шунингдек, сиёсий партияларнинг фаолиятини мустаҳкамлайди, чунки айрим депутатлар пропорционал асосда сайланади.

Эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар аралаш сайлов тизими асосида ўтказилади. Бунда Қонунчилик палатаси депутатларининг етмиш беш нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича (мажоритар) сайланади. Қолган етмиш беш нафари ягона сайлов округи бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда партия рўйхати асосида (пропорционал) сайланади. Сайловда иштирок этаётган ҳар бир сиёсий партия бир мандатли сайлов округлари бўйича депутатликка етмиш беш нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳамда партия рўйхати бўйича етмиш беш нафардан кам бўлмаган, юз нафардан кўп бўлмаган депутатликка номзод кўрсатишга ваколатли ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан белгиланиб, партия рўйхатига киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партиясиз бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилиши мумкин эмас. Бир мандатли сайлов округларида айна бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши ва айна бир номзод фақат битта партия рўйхатига киритилиши мумкин бўлади. Аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида қирқ фоизини ташкил этиши керак бўлади. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим. Фикримизча, сайловлар жараёнида ҳам мажоритар ҳам пропорционал тизимнинг ижобий хусусиятларини ўзида мужассам этган аралаш сайлов тизимидан фойдаланиш кўппартиявийлик тизимини барпо этиш жараёнини сезиларли даражада оширади, шу билан бирга партияларнинг дастурий мақсадлари ва уларнинг вакили бўлган ижтимоий гуруҳлар манфаатларини парламент орқали амалга ошириш

имконини беради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) органларига бўлиб ўтадиган сайловларда аралаш сайлов тизимидан фойдаланиш орқали ҳар иккала тизим элементларини бирлаштирган ҳолда мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг камчиликларини бартараф этиш ва уларнинг афзалликларидан максимал даражада фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Аралаш сайлов тизимига ўтиш орқали сайловлар жараёнида қуйидаги жиҳатларга, яъни фуқаролар томонидан берилган овозларни адолатли ҳисоблаш, белгиланган мандатларни ҳар бир партия олган овозлар сонига мутаносиб равишда тақсимлашга эътибор қаратиш, партиялар рўйхатини шакллантиришда муносиб номзодларни танлаш, бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши ва битта партия рўйхатига киритилишини таъминлаш, сайловчиларнинг электорал маданиятини сифат жиҳатидан юксалтиришга қаратилган ишларни олиб бориш, ҳудудларда сифатли янги ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, сайлов жараёни ташкилотчиларининг ахборот технологиялари борасидаги касбий маҳоратини оширишга жиддий аҳамият бериш талаб этилади.

Аралаш сайлов тизими мамлакатимиз аҳолисининг ўз сиёсий ҳуқуқлари ва фаолликларини эркин, қулай, адолатли ҳамда ҳолисона амалга оширишга имконият яратади ва сиёсий партияларнинг парламентни шакллантиришда бевосита иштироки ҳамда фаоллигини, жамият ва давлат аҳамиятига молик муҳим қонунлар қабул қилиш ҳамда сайлов тамойилларининг амалда қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Ахтам ТУРСУНОВ,

юрidik фанлар доктори, профессор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зайцева С.П. Смешанная избирательная система: достоинства и недостатки / Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/smeshannaya-izbiratel'naya-sistema-dostoinstva-i-nedostatki> (муружаат вақти: 12.01.2024).
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 111 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир / Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/3119> (муружаат вақти: 01.04.2024).
4. Янгибаев А.К. Сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиши / Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 43 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси / <https://lex.uz/docs/6445145>
6. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кодекси / <https://lex.uz/docs/4386848>
7. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.12.2023 й., 03/23/883/0949-сон.

МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТНИНГ ВАКИЛЛИК ФУНКЦИЯСИ: МОҲИЯТИ, АМАЛИЁТИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг вакиллик функцияси моҳияти ва аҳамияти, халқ ҳокимиятчилиги, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда уни янада такомиллаштириш масалалари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Олий Мажлис, парламент, қонунчилик палатаси, сенат, конституция, халқ ҳокимиятчилиги, вакиллик институти, қонунийлик, демократия, сайловлар.

Парламент аввало халқнинг вакиллик органидир. Айнан шунинг учун ҳам давлат-ҳуқуқий тизимимизни модернизация қилиш шароитида олий вакиллик органи бевосита мамлакат аҳолиси томонидан шакллантириладиган ва унинг номидан иш юритувчи давлат ҳокимиятининг асосий қонуний органи сифатида намоён бўлади.

Маълумки, парламент фаолиятини тавсифловчи ва унинг хусусиятларини белгилувчи асосий функциялар қуйидагилардир: вакиллик, қонунчилик, назорат, молия-бюджет ҳамда таъсис функциялари. Қоида тариқасида, улар дунёнинг аксарият парламентлари фаолиятига хосдир. Шу билан бирга, парламентнинг вакиллик функцияси уларнинг бирлаштирувчи функциясидир.

Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда парламентнинг вакиллик функцияси моҳияти ва мазмунини акс эттирувчи белги ва хусусиятларнинг батафсил тавсифини беришни лозим деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, вакиллик Олий Мажлисининг яна бир функцияси - қонунчилик фаолиятига нисбатан бирламчи ва асосий ҳисобланади. Мазкур функциянинг асосий хусусияти ҳатто Сенатнинг мақомида ҳам ўз аксини топган. Конституциянинг 91-моддаси матнида вакиллик биринчи (аввал) келтирилган. Бунинг сабаби шундаки, парламентнинг вакиллик роли ҳам қонунчилик соҳаси орқали, ҳам парламент фаолиятининг бошқа жиҳатлари орқали амалга оширилади. Яъни парламентнинг вакиллик миссияси бўлмаса, унинг қонунчилик ва назорат каби функцияларини амалга ошириш ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас.

Иккинчидан, Олий Мажлисининг вакиллик хусусияти унинг ҳуқуқий табиати ва шаклланиш тартибидан келиб чиқади. Сайловчиларнинг тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан тузиладиган Қонунчилик палатаси, икки босқичли овоз бериш йўли билан тузиладиган Сенат эса демократик тарзда сайланган депутатлар ва сенаторлардан иборат. Умуман олганда, парламент аъзолари халқ вакиллари бўлиб, улар депутатлик фаолиятида унинг манфаатларини ифодалашга, уларни акс эттиришга ва ҳимоя қилишга сафарбар этилгандир.

Конституциявий ҳуқуқ бўйича дарслик муаллифлари парламентнинг бош вазифаси сифатида халқ манфаатларини ифода этишини алоҳида таъкидлайдилар. Америкалик олим Н.Ж.Орнштейн ҳам парламент функциялари орасида унинг вакиллик функциясини биринчи ўринга қўяди.

Олий Мажлис халқ вакилларида ташкил топганлиги учун давлатнинг вакиллик органи мақомига эга бўлади. Моҳиятан унинг вакиллик функцияси парламентга сайланганларнинг ўз сайловчилари манфаатларини ифода этишини билдиради. Парламентнинг вакиллик функцияси

фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини таъминлаш шаклларида бирини амалга ошириб, умумий (жамоат) манфаатларни, халқ манфаатларини ифодалашдан иборат.

Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи сифатида қонун чиқарувчи ҳокимият ва қонунларни ижод этиш функциясини ҳам амалга оширади. Бу икки функция бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, парламентнинг реал фаолиятида улар ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдирди. У мамлакатнинг ягона вакиллик ва қонун чиқарувчи органидир. Олий Мажлис ҳам вакиллик органи сифатида демократияни амалга оширади, ҳам қонун чиқарувчи орган сифатида - қонунлар қабул қилади, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, амалдаги қонунларни бекор қилади.

Шу билан бирга, вакиллик жуда муҳим ва кўп қиррали функциядир. Шу боис бизнингча, вакилликни фақат парламентнинг Конституцияда белгиланган вазифаларини бажариши деб талқин қилиш мутлақо етарли эмас.

Олий Мажлис Сенати шаклланиш тартибига кўра вакиллик хусусиятига эга. У республиканинг ҳар бир вилоятдан сайланган сенаторлардан ташкил топганлиги сабабли, у ҳудудлар манфаатларини ифодаловчи палата ҳисобланади. Шунинг учун юқори палатанинг вакиллик функцияси аниқ характерга эга. Конституцияда таъкидланганидек, вакиллик органи бутун Олий Мажлис бўлганлиги сабабли Қонунчилик палатаси ҳам вакиллик хусусиятига эга. Дарҳақиқат, муайян ҳудудда сайловчилар томонидан сайланган ҳар бир депутат нафақат ўз партияси, балки ўз сайлов округи ҳудудида яшовчи ўз электорати ва барча сайловчилар манфаатларини ҳам ҳимоя қилади.

Маълумки, сайлов жараёнига пропорционал сайлов тизимини жорий этиш масаласи жамоатчилик томонидан ва ҳуқуқий адабиётлар саҳифаларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Ушбу тизимнинг барча ижобий фазилатларига қарамай, парламент қуйи палатасини шакллантиришнинг ушбу усулида камчиликлар борлигини ҳам инobatга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Масалан, сайловчилар доирасининг торайиши натижасида парламент вакиллик кўрсаткичининг пасайиши каби камчиликни ҳисобга олиш лозим.

Қолаверса, мазкур сайлов тизими доирасида депутатликка номзодлар кўрсатишнинг партиявий хусусияти туфайли ҳудудларда депутатларнинг ўз сайловчилари билан алоқаси сезиларли даражада заифлашиши мумкин. Шу боис, пропорционал сайлов тизимининг элементларини жорий этиш билан бир қаторда, мажоритар тизим элементларини ҳам сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундай аралаш сайлов тизими сайлов жараёнига ҳар икки партиянинг ўзини ҳам, сайловчилар касбий

ва бошқа шахсий фазилатларидан келиб чиқиб сайлаши мумкин бўлган номзодларни ҳам киритиш имконини беради. Боз устига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида депутатлар корпусини шакллантиришда мажоритар-пропорционал сайлов шаклига ўтиш таклифи илгари сурилди.

Парламентларни шакллантириш ва сайлов жараёнини ташкил этишнинг хорижий тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аралаш тизим (пропорционал ва мажоритар тизим элементлари билан) кўпинча самаралироқ, демократик бўлиб, сиёсий партиялар фаолиятини шакллантиришни рағбатлантиради.

Олий Мажлиснинг вакиллик функцияси халқ вакиллигини амалга ошириш институти, яъни демократияни амалга оширишнинг бир шакли бўлиб, унинг моҳияти сайловчилар томонидан ўз вакилларига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатга давлат ҳокимиятининг коллегиял органида (парламентда) давлат ишларини бошқариш ваколатини беришдан иборат. Мазкур институт демократик давлат конституциявий тузумининг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, парламентнинг вакиллик функциясини унинг халқ манфаатлари йўлида самарали фаолият юритишининг зарур шарти сифатида таъкидлашимиз мумкин.

Тадқиқотимиз мобайнида экспертлар, мутахассислар ва бошқа респондентлар (жами 258 та иштирокчи) ўртасида ўтказилган сўровда “Олий Мажлис фаолиятида халқ вакиллигини ифодалаш функцияси (кучлими) асосийми ёки қонун чиқариш функцияси устуворми?” - деган саволга жами респондентларнинг 48,7 фоизи парламентнинг вакиллик функциясини, 49,4 фоизи қонун чиқариш функциясини ёқлаб фикр билдирдилар; атиги 1,91 фоиз сўров иштирокчилари бетараф позицияда қолдилар ёки жавоб беришга қийналаман, дея мулоҳаза билдирдилар.

Бироқ, сўровда қатнашган депутатлар ҳамда ҳуқуқшунос бўлган (145 нафар) мутахассисларнинг 53,9 фоизи ёки 78 нафари парламентнинг вакиллик хусусиятини асосий деб кўрсатганлар.

Профессор И.В.Гранкиннинг фикрича парламент, бир томондан, халқ иродасини жамлаш ва унинг манфаатларини ҳам мамлакат ичида, ҳам унинг ташқарисида ифодалаш, иккинчи томондан, қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан иборат..

Профессор К.Шмитт таъкидлаганидек, парламент давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги мувозанатни таъминлаш механизмнинг асосий элементи ҳисобланади. Дарҳақиқат, парламентнинг мақсади демократик воситалар ва қонунлар қабул қилиш орқали давлат ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш имкониятини яратишдир.

Профессор Р.Ҳакимов бу борада куйидаги фикр-мулоҳазаларини билдиради: “Бизнингча, парламентнинг у ёки бу функциясини бошқасига нисбатан устун дейиш унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки, ҳар бир алоҳида олинган функция ўзининг мазмуни ва аҳамиятига эгадир. Қолаверса, парламент тўлақонли ва том маънодаги давлат ҳокимиятининг

мустақил тармоғи бўлиб ҳисобланиши учун унда вакиллик, қонунчилик ва назорат функциялари, албатта, бўлиши даркор”.

Парламентнинг вакиллик функциясини амалга оширишнинг пойдевори демократик рақобат ва кўппартиявийлик тамойиллари асосига қурилган сайлов тизимидир. Вакиллик натижаси - сайловчилар томонидан парламентга ҳокимиятнинг берилишидир.

Россиялик олим Г.В.Голосов парламентни “сайловчилар хизматкори”, “халқ ҳомийси”, “партиялар иродасининг дирижёри”, “жамият кўзгуси” сифатида қабул қилинган вакиллик функциясини амалга оширишнинг тўртта ёндашуви билгилайди.

Хорижий тажрибага кўра, парламентларнинг икки палаталилиги (бикамиализм) юқори палаталарни шакллантиришнинг турли усулларига асосланади: тўғридан-тўғри (Бразилия, Польша, Руминия, АҚШ, Чехия, Швейцария, Япония); билвосита (маҳаллий вакиллик органлари ёки ҳудудий бирликлар - Бельгия, Голландия, Испания, Франция) сайловлар; куйи палатани сайлаш; юқори палатани тайинлаш принципи (Канада). Бу вакилликнинг характери ва табиати ҳар хил бўлиши мумкинлигини англатади.

Олий Мажлиснинг вакиллик функцияси ишончлилик асосида амалга оширилади. Вакиллик асосида фаолият юритувчи парламент куйи палатаси бевосита сайловчилар томонидан умумий даврий сайловлар йўли билан, юқори палатаси эса маҳаллий вакиллик органлари сайлови орқали шакллантирилади. Улар фуқароларнинг фаол сайлов ҳуқуқини амалга оширишга асосланади, бунинг натижасида куйи палата аъзолари - тўғридан-тўғри, юқори палата эса - билвосита парламентда халқ манфаатларини ифодалаш учун мандат олади.

Парламент куйи палатаси фаолиятининг сифати кўп жиҳатдан сайловларда қўлланиладиган сайлов тизимининг моделига ва уларнинг натижаларини аниқлашга боғлиқ. Юқорида таъкидлаганимиздек, пропорционал сайлов модели Қонунчилик палатасини шакллантиришни демократлаштириш тенденциясига ва демократик мамлакатлар амалиётига тўлиқ мос келади. Бироқ, бизнинг фикримизча, бу тизимдан фойдаланиш депутатлар ва уларнинг сайловчилари ўртасидаги алоқаларнинг заифлашишига олиб келиши мумкинлигини ёдда тутиш керак.

Шу боис, мажоритар сайлов тизими элементларини (ҳеч бўлмаганда ўтиш даври учун) сақлаб қолган ҳолда пропорционал сайлов тизимидан фойдаланишга пухта ўйланган тарзда ўтиш зарур. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, куйидагиларни таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

- депутатликка номзодларнинг партия рўйхатларининг депутатлик корпусини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий таркибини фуқаролар иштирокида дастлабки тарзда кенг муҳокама қилиш. Бу эса номзодлар доирасининг соф ички белгиланиши натижасида тасодифий шахсларнинг депутат бўлишига тўсиқ кўяди;

- партия рўйхатлари бўйича депутатлар сайловида сайловчиларга номзодларнинг партия рўйхатидан битта номзодни ёқлаб овоз бериш имконияти берилганда имтиёзли овоз бериш тартибини мустақамлаш.

Демак, парламентнинг вакиллик функцияси бевосита аҳоли томонидан сайланадиган давлат ҳокимиятининг махсус ваколатли олий органи манфаатларини акс эттириш ва таъминлашга хизмат қилади. Ушбу орган маълум бир ваколат муддати давомида профессионал асосда ишлайди ва унинг моҳиятида халқнинг ўз ҳокимиятини муайян муддатга ўзи сайлаган вакилларига бериши ётади.

Хорижий давлатлар вакиллик органларини ташкил этиш шакллари хилма-хил. Олиб борилган таҳлиллар асосида парламентнинг вакиллик функциясига қуйидаги таърифни бериш мумкин: бу вакиллик демократияси институти, демократияни амалга ошириш шакли бўлиб, унинг моҳияти парламентга қонунда белгиланган муддатга давлат ишларини бошқариш ваколатини беришдан иборат. Ушбу тақдим фуқароларнинг умумий, эркин, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқига асосланган даврий эркин сайловлар орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, Олий Мажлиснинг вакиллик функцияси Ўзбекистонда ушбу институтнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни белгилаб беради.

Шуни таъкидлаш керакки, адабиётларда парламентнинг вакиллик функциясининг асосий вазифалари кўриб чиқилган. Парламентнинг асосий конституциявий-ҳуқуқий мақсади халқ манфаатларини ифода этиш эканлигини ҳисобга олсак, бу функцияни ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра асосий деб эътироф этиш мумкин. Бизнинг фикримизча, қонун чиқарувчи ва назорат функциялари ҳам муҳим функциялар бўлиб, уларнинг самарадорлиги вакиллик функциясини амалга ошириш самарадорлигига боғлиқ.

Шу билан бирга, вакиллик функцияси:

- демократия ва давлат ҳокимиятининг вакиллик шаклини ўрнатиш билан боғлиқ бўлган таъсис вазифасини;
- парламент фаолиятида халқ манфаатларини акс эттириш ва таъминлашдан иборат хавфсизлик;
- тартибга солиш, яъни жамият ва давлат манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш;
- фуқаролар ва парламентнинг фикр-мулоҳазаларини шакллантиришдан иборат алоқани йўлга қўйиш вазифаси каби бир қатор муаммоларни ҳал қилади, бизнинг фикримизча, улар қуйидагилардан иборат:

Таъсис вазифаси деганда, парламент шаклидаги ҳокимият вакиллик тизимини тасдиқлаш тушунилиши керак, бунда Олий Мажлис аъзолари сайловда халқнинг ўз хоҳишига кўра ҳокимият ваколатларига эга бўладилар. Вакиллик органини ташкил этиш барча вояга етган фуқароларнинг иштирокини талаб қиладиган жараёндир. Парламент фуқароларнинг ишончини талаб қилади, чунки улар унга давлат ҳокимиятининг энг муҳим ва салмоқли ваколатларини топширадилар - шундагина у ҳокимият обрўсига ва қонунийликка эга бўлади.

Парламент вакиллик функциясининг ёрдамчи вазифаси сифатида парламент фаолиятида халқ эҳтиёжларини максимал даражада ифода этиш, унинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ва таъминлаш, сайловчиларнинг топширилари тўлиқ бажаришни тушуниш зарур.

Вакиллик функцияси томонидан амалга ошириладиган тартибга солиш вазифаси жамият ва давлатнинг турли масалалари бўйича турли ижтимоий гуруҳларнинг, шу жумладан,

муҳолифатнинг фикрларини аниқлаб (инобатга олиб) жамиятдаги ички сиёсий мувозанатни таъминлашдан иборат. Бу вазифа парламентда мафкуравий-сиёсий плюрализм принципини таъминлаш, давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокини рағбатлантиришни назарда тутати.

Алоқа боғлаш (коммуникация) вазифаси сайловчилар ва ҳокимият олий вакиллик органи аъзолари ўртасида доимий икки томонлама алоқани таъминлашдан иборат. Фуқаролар ва уларнинг вакиллари ўртасидаги алоқани таъминлаш икки шаклда амалга оширилади: тўғридан-тўғри - Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш орқали ва билвосита - депутатлар (сенаторлар) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали.

Таҳлилларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, Олий Мажлис палаталарининг вакиллик функцияси ҳокимиятни халқ томонидан парламентга топширишда намоён бўладиган демократияни амалга оширишнинг чора-тадбирлари, усуллари ва шакллари мажмуидир. Бу функция, фикримизча, парламентаризмнинг фундаментал асоси, замонавий парламентни ташкил этиш тизими, шунингдек, Ўзбекистоннинг муваффақиятли конституциявий-ҳуқуқий ривожланишининг зарур шarti бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, Олий Мажлис фаолиятининг самарадорлиги, унинг вакиллик функциясини тўлиқ амалга ошириши бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида сайлов тизимининг модели, ривожланган кўппартиявийлик тизими, шунингдек, парламентнинг ўз ваколатларини бажариши, яъни вакилликни амалга ошириш ва халқ манфаатларини акс эттиришида муҳим аҳамиятга эга. Олий Мажлис давлат ҳокимиятининг бошқа олий органларидан, энг аввало, ўзининг кўп функцияли мақсади ва ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни, ташкил этилишининг икки палатали тузилиши, шунингдек, Ўзбекистон халқи манфаатларини сиёсий вакиллик қилиш функцияси орқали таъминлаши билан ажралиб туради.

Абдуманноб РАХИМОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил
изланувчиси, юридик фанлар номзоди.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Конституционное право Республики Узбекистан. Учебник. // Под ред. И.Т. Тультеева – Т.: ТГЮУ, 2017. - С. 377 – 378.
2. N.J. Omstein, The role of the Legislature in Western Democracies // [Электронный ресурс] Режим доступа свободный: <http://usinfo.state.gov/products/pubs/archive/freedom/freedomi3.htm>, кўриш санаси: 2023 йил 21 декабрь.
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2023 й., 06/23/67/0269-сон.
4. Гранкин И. В. Парламент России. - М.: Издательство АО «Консалтбанк», 1999. - С. 82.
5. Шмитт К. Политическая теология - М.: Канон-пресс, 2000. - С.193-196.
6. Рахимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. - Масьул муҳаррир: ю.ф.н. Ф.Э. Мухамедов. - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти - Тошкент. 2012. - Б. 27.
7. Голосов Г. В. Сравнительная политология. - СПб., 2001. - 368 с.
8. Бикаммерализм в европейских парламентах: учет интересов и согласование позиций. Материалы международного семинара // Аналитический вестник Света Федерации ФС РФ. - 2003. - № 22 - URL: http://www.budgetrf.ru/Publications/Magazines/VestnikSF/vestniksf_index.htm.
9. Вильданов Р. Р. Парламент и его функции // Вестник Башкирского института социальных технологий. - 2011. № 2. - С. 51 – 56.
10. Хусанов О.Т. Конституционный хуқуқ. Дарслик. Т.: Адолат, 2013. - Б.584.

ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА МОҲИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада терроризмни молиялаштириш тушунчаси ва моҳиятини очиб беришга оид маълумотлар ва таҳлиллар мавжуд. Мазкур жиноятнинг этимологияси, терминологияси ва бошқа хусусиятлари очиб берилган. Жиноят қонунчилигида терроризмни молиялаштириш тушунчаси ёритилган.

Калит сўзлар: терроризм, молиялаштириш, молиявий воситалар, жиноят, молия, террористик ташкилотлар, конвенция, террористик ҳаракатлар, уюшган жиноий гуруҳ, криминализация.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155¹-моддасида терроризмни молиялаштириш бевосита террорчилик хусусиятига эга жиноят эканлиги кўрсатиб ўтилган. Терроризмни молиялаштириш терроризм билан чамбарчас боғлиқ ва уни терроризм тушунчасини аниқлаштирадиган туриб таҳлил қилиш мантиқан нотўғри бўлади. Шу сабабли, аввало, терроризм тушунчасига қисқача тўхталиб ўтишимиз жоиз бўлади.

Терроризм сўзи французча “террорисме” ва латинча “террере” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “қўрқинч, даҳшат” маъноларини англатади. Ҳуқуқий адабиётларда терроризм ва террорчилик хусусиятига эга жиноятларга турлича таърифлар келтириб ўтилган. Жумладан, М.А.Ражабова терроризмнинг асосий хусусияти сифатида “ҳалқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш” кибиларни келтириб ўтган. М.Х.Рустамбаевнинг фикрича терроризм жиноий ҳаракатнинг энг оғир кўринишларидан бири бўлиб, атрофдагиларда қўрқув, галаён уйғотишга, уларнинг меъёрий одати ва ижтимоий фойдали фаолиятини тўхтатиб қўйишга, ҳокимият ва бошқарув органларига қаршилик қилиш орқали ноқонуний мақсадларни кўзловчи ҳаракатдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасига мувофиқ терроризм – бу халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, суверен давлатнинг нормал фаолият юритишини издан чиқариш ва аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органлари ва мансабдор шахсларни бирор бир ҳаракатни амалга ошириш ёки оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси лойиҳасида терроризмга нафақат тинч аҳолини ўлдириш ёки унга оғир тан жароҳати етказиш, балки хусусий ва оммавий мулкка зарар етказиш ёки жиддий иқтисодий йўқотишга олиб келадиган ёки олиб келиш хавфи бор ҳаракатлар кириши кўрсатилган.

Юқоридагиларга асослансак, терроризм бу аҳолини ўлдириш, уларга тан жароҳати етказиш ва

уларни гаровга олиш, орқали аҳоли ўртасида қўрқув уйғотиш, давлат ва халқаро ташкилотларнинг нормал фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи сиёсий мақсадларни кўзловчи ноқонуний, қасддан содир этиладиган ҳаракат(лар) деган хулосага келишимиз мумкин. Терроризмни молиялаштириш эса бевосита терроризмни содир этиш билан боғлиқ бўлмасдан, балки терроризм жиноятини содир этишни қўллаб-қувватлаш, енгиллаштириш ёки шароит яратишдан иборат.

Терроризмни молиялаштириш жинояти миллий қонунчилигимизда нисбатан янги жиноят тури бўлганлиги боис мазкур жиноят тушунчаси юридик адабиётларда батафсил таҳлил этилмаган. Аммо, халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатларида мазкур қилмишга таърифлар бериб ўтилган. Жумладан, БМТнинг Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги 1999-йилги Нью-Йорк Конвенциясининг 2-моддасига кўра терроризмни молиялаштириш ҳаракати сифатида икки тоифадаги террористик актларни молиялаштириш назарда тутилган:

Биринчиси, мазкур Конвенция иловасида келтирилган 9 та халқаро Конвенцияларда назарда тутилган 30 дан ортиқ террористик ҳаракатлар;

Иккинчиси, қуролли тўқнашув шароитида аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш ва (ёки) давлат органлари ва халқаро ташкилотларни бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш ёки бундан тийилишга мажбур қилиш мақсадини кўзлаган ҳолда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаётган шахслар ва тинч фуқароларни ўлдиришга ёки уларга оғир тан жароҳатига қаратилган ҳар қандай ҳаракат.

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролли тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” ги қонуни 3-моддасида “терроризмни молиялаштириш — террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок

этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш эканлиги” назарда тутилган. Юқоридаги таърифга кўра, терроризмни молиялаштириш террорчилик ҳаракатларини молиялаштириш, яъни молиявий ресурслар билан таъминлашдан кўра кенгроқ тушунча. Ушбу жиноят тўғридан-тўғри терроризмни содир этиш ҳаракати ҳисобланмайдиган, уни содир этишга кўмаклашадиган ҳаракатларни (террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни) молиялаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Терроризмни молиялаштиришнинг бир кўриниши террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши ва фаолият юритишини молиялаштириш ҳисобланади. Баъзи ҳолатларда молиялаштирилган ташкилот ҳақиқатда террорчилик ташкилоти эканлигини аниқлаш мазкур молиялаштиришни терроризмни молиялаштириш билан малакалашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ўринда савол туғилади: Қандай ташкилотларни террорчилик ташкилоти деб ҳисоблаймиз?

Одатда суверен давлатлар барча мавжуд террорчилик ташкилотларининг рўйхатини юритишади ва бу террористик ташкилотларни фарқлашни анча осонлаштиради. Аммо, янги террорчилик ташкилотлари тузилиши мумкинлиги сабабли мазкур рўйхатда уларнинг барчаси акс этмай қолиши ҳам мумкин. Натижада уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшмани террорчилик ташкилоти деб ҳисоблашимиз учун универсал критерия зарур бўлади. Одатда террористик ташкилотлар оммавий ахборот воситаларининг эътиборини тортиш ва беқарорлик вазиятини юзага келтириш орқали каттароқ сиёсий натижага эришишни мақсад қилади. Юқоридагиларга асослансак, террорчилик ташкилотининг асосий белгиси бу унинг террористик фаолият билан шуғулланиши, янада аниқроқ айтганда террористик ҳаракатларни амалга оширишидир.

Аксарият давлатлар бирор-бир ҳаракатни террористик ҳаракат деб топишда ўз ҳуқуқий ва сиёсий тизимининг табиатига, анъаналарига асосланади. Аммо, халқаро ҳамжамият томонидан давлатларнинг мазкур эркинлигига маълум чекловлар ўрнатилган. Жумладан, Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенцияси 6-моддасига кўра давлатлар ушбу Конвенцияга мувофиқ террористик ҳаракат деб топилган ҳаракатларни ўзларининг сиёсий, фалсафий, мафкуравий, ирқий, этник, диний ва бошқа ўхшаш қарашларини асос қилиб криминализация қилишни рад этишлари мумкин эмас.

Хўш, аслида қандай ҳаракатлар террористик ҳаракатлар ҳисобланади? Бунга дастлаб умумэтироф этилган халқаро ҳужжатлар ва принциплар асосида жавоб қидириб кўрамиз.

БМТнинг 2004 йил 8 октябрдаги 1566-сонли Резолюциясида террористик ҳаракатларга қуйидаги ҳаракатлар кириши келтириб ўтилган:

“...давлат органларини ёки халқаро ташкилотни бирор бир ҳаракатни содир этишга ёки уни содир этишдан тийилишга мажбур қилиш ва/ёки аҳоли, маълум бир кишилар гуруҳи ўртасида қўрқув ва ваҳима уйғотиш мақсадида тинч аҳолини ўлдириш ёки уларга тан жароҳати етказиш, уларни гаровга олиш” каби ҳаракатлар.

Аммо, БМТ томонидан тақдим этилган террористик ҳаракатлар батафсил бўлмасдан бир қанча камчиликларни ўз ичига олади. Жумладан, Конвенцияда террористик ҳаракатлар таърифида террористик ҳаракатларнинг кўзланган мақсадига эмас, келтириб чиқарадиган оқибатига урғу берилган. Бунинг натижасида, қонунга хилоф сиёсий мақсадлар билан йўғрилмаган, шахсий мақсадлар йўлида содир этилган ҳаракатлар (масалан, уюшган жиноий гуруҳ томонидан банкни ўмариш мақсадида аҳолини қўрқитиш ёки тан жароҳати етказиш) ҳам террористик ҳаракатлар тоифасига тушиб қолади. Бир қатор олимларнинг фикрича “терроризм сиёсий жараёнларга зарар етказишни мақсад қилади ва уни шахсий мақсадлар йўлида содир этиладиган жиноятлардан фарқлаш учун ҳаракатлар ортида сиёсий, мафкуравий, диний, этник ёки фалсафий мотивлар борлигига эътибор қаратиш лозим”. Ҳуқуқшунос олим Ж.А.Иброҳимовнинг фикрича терроризмда оммавий қўрқитиш, ваҳима уйғотиш каби махсус мақсадлар бўлиши талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, террористик ҳаракатлар тушунчасига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин:

Террористик ҳаракатлар – сиёсий, мафкуравий, диний, этник ёки фалсафий мотивлар билан йўғрилган, қонунга хилоф равишда сиёсий мақсадларга эришиш учун тинч аҳолини ўлдириш ёки унга тан жароҳати етказиш, мол-мулкка зарар етказиш ва нобуд қилиш, омма ўртасида қўрқув ва ваҳима уйғотиш ёки жиддий иқтисодий зарар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлардир.

Бобур ОТАБОЕВ,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Draft Comprehensive Convention against International Terrorism, Art. 2, U.N. Doc. A/59/894 (Aug. 12, 2005).
2. Иброҳимов Ж.А. Террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари: Юрид. фан. д-ри....дис. – Тошкент, 2023. – 20 б.
4. Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ... дисс.авторф. – Тошкент, 2002. – 49 б.
3. М.Х.Рустамбаев, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар, Махсус қисм., “Юридик адабиётлар публш”- Тошкент, 2021. – 3026.
5. The Financial Action Task force (FATF). Guidance on criminalising terrorist financing (Recommendation 5). – 2016. Paragraph 15.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадлари легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” ги ЎРҚ-660-ИИ сон Қонун 3-моддаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 16.03.2024-й., 03/24/921/0219-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” ги Қонуни.

ҚАМОҚҚА ОЛИШ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЛОҲИДА ЖИҲАТЛАРИ

Процессуал мажбурият чоралари тизимида шахсни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш институти ўзига хос мураккабликларга эга бўлиб, бунда айбланувчи, судланувчи ёки гумонланувчининг Конституция ва қонунларда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига тўғридан тўғри дахл қилинмаслиги лозим. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун қонуний ва тўғри асосларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилиши талаб қилинади.

Зеро, Асосий Қомусимизнинг 13-моддасига мувофиқ: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”.

Миллий қонунчилигимизга асосан, қамоққа олиш “эҳтиёт чоралари”нинг турларидан бири деб белгиланган бўлиб, “Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланади.”

Мазкур институтдан амалиётда айбланувчи ёки гумон қилинувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товланишининг олдини олиш, унинг жиноий фаолиятига барҳам бериш, содир этилган муайян иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишга қаратилган уринишларига йўл қўймаслик каби эзгу мақсадларда фойдаланилади.

Тадқиқотчи К.Мавлоновнинг мулоҳазаларига кўра, “суриштирувчи, терговчи ва прокурорда шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи қўлланилган вақтдан бошлаб, айб эълон қилиш учун 10 кунлик муддат мавжуд. Бироқ, бундай ҳолларда айблов сифати шубҳа остида қолади. Бунинг сабаблари сифатида жиноят иши доирасида йиғилган далилларнинг етарли эмаслиги ва жиноят иши ҳолатларининг тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатиш мумкин. Шунинг учун мазкур муддат ичида айб эълон қилиш масаласи процессуалист олимлар ўртасида баҳсга сабаб бўлмоқда.”

Баҳсни келтириб чиқараётган асосий масала – шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи қўлланилган вақтдан бошлаб, айб эълон қилиш учун белгиланган 10 кунлик муддатга бориб тақала-япти. Яъни, шу муддат ичида шошма-шошарлик ёки пала-партишлик қилмасдан, жиноят ишига боғлиқ етарлича далилларни қўлга киритиш ёхуд айбловга тааллуқли зарур материалларни йиғиб улгуриш мумкинми?, – деган ўринли савол пайдо бўлади. Ишончли

ва мақбул далилларсиз айблов эълон қилинган шахс тергов жараёнида унинг айбсиз эканлиги маълум бўлиши мумкин.

Ушбу ўрнатилган муддат ниҳоятда қисқалиги амалиётда бир нечта жиддий муаммоларни келтириб чиқаради:

биринчидан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишида айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз эканлиги, яъни айбсизлик презумпциясига амал қилиниши сўроқ остида қолади;

иккинчидан, судьянинг қамоққа олиш учун берадиган санкцияси қай даражада қонуний эканлиги билан боғлиқ баҳс-мунозаралар вужудга келади;

учинчидан, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишига жалб қилинган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси амарали таъминланмаслигига олиб келади.

Суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари томонидан шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғри қўлланилишини янада такомиллаштириш, бу борадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларида мустаҳкамланган қоидаларга мослаштириш нуқтаи назаридан айб эълон қилиш учун белгиланган 10 кунлик муддатни узайтириб, 20 кун деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахснинг озодликка бўлган энг муҳим ва ниҳоятда зарур ҳуқуқини чеклаши сабабли уни қўллаш учун етарлича асослар, ишончли далиллар тўпланиши шарт.

Файёза ҚАМБАРОВА,

Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. К.Мавлонов., “Жиноят ишлари юритувида гумон қилинувчи-га нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш”. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 01 (2022). 266-267-бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. “Yuridik adabiyotlar publish” 2023. 8-бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ КОЛЛИЗИЯЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Маълумки, давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари жамиятдаги бошқа воқеликлар билан биргаликда доимо ривожланишда бўлади. Жамият ҳаётига таъсир қилувчи омиллар натижасида ижтимоий муносабатлар ҳам мураккаблашиб боради. Ҳуқуқ нормалари мавжуд ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатларни қанчалик эътиборга олган ҳолда яратилмасин, бунда жамиятдаги ўзгаришларнинг барча жиҳатларини қамраб олиш мумкин эмас.

Мамлакатимиз тараққий этгани сари унинг ҳуқуқий асосларини шунга монанд тарзда мунтазам такомиллаштириб бориш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда мустақамлаш заруратининг вужудга келиши табиий жараён. Бугунги кунда миллий қонунчилигимизда ва уни халқаро андозалар ва нормаларга уйғунлаштиришда ҳамда ижтимоий ҳаёт билан қабул қилинаётган норматив ҳужжатлар ўртасида мутаносибликни таъминлашда коллизия ҳолатлар юзага келаётганлигини қайд этиш жоиз.

Мамлакатимиз юридик фанида қонунчиликдаги коллизиялар билан боғлиқ муаммолар етарли даражада ўрганилмаганлиги, қолаверса, ҳуқуқ соҳалари бўйича унинг устувор йўналишлари илмий-амалий тадқиқ этилмаганлиги мазкур ҳолатни бартараф этиш механизмлари ва назарий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, юридик фандаги мазкур “бўшлиқ”ни тўлдириш мақсадида асослантилган ҳулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни қонунчилик жараёнига татбиқ этиш бугунги кунда ҳуқуқшунослик фанлари олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Зеро, қонунчиликдаги коллизияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш механизмни мунтазам такомиллаштириб бориш, уларни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда тизимли таҳлил қилиш давр талабидир. Айтиш жоизки, бугунги кунда жамиятни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири, бу мавжуд қонунчилик тизимининг ижтимоий воқеликда кечаётган жараёнларга ҳамоҳанг бўлишини таъминлашдир. Бинобарин, мукамал қонунчилик тизимини шакллантириш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг негизини ташкил қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан қонунчиликдаги коллизиялар билан боғлиқ муаммолар қонун ижодкорлиги, қонунчилик техникаси, қонунчиликни тизимлаштириш, ҳуқуқий экспертиза, ҳуқуқдаги бўшлиқларни бартараф этиш каби масалаларни ўрганиш доирасида муайян даражада тадқиқ этилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим Ҳ.Т.Одилқориевнинг илмий изланишлари қонун ижодкорлиги жараёнининг илмий-назарий муаммоларини ўрганишга қаратилган. Уларда, қонун ижодкорлигининг бир қатор назарий ва амалий масалалари, қонун ижодкорлиги жараёнининг моҳияти, мазмуни, принциплари, асосий босқичлари, уларни демократик тарзда ислоҳ қилишнинг долзарб жиҳатлари, шунингдек, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг шаклланиш йўллари баён этилган. Л.М.Бойко жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шароитида қонунчилик техникасини такомиллаштиришнинг илмий-назарий масалаларини тадқиқ этган. А.Х.Саидов, Ш.Н.Кўчимовлар томонидан чоп этилган асарларда мукамал қонунлар тайёрлашнинг асосий илмий-назарий қоидалари, қонунчилик техникаси муаммолари ҳозирги замон юридик фанининг энг сўнгги ҳулосалари асосида тадқиқ этилган. Муаллифлар бунда асосий эътиборни қонунларнинг тили, ифода этиш усули, қонунчилик услубиёти, ҳуқуқий атамашунослик масалаларига қаратганлар.

Мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилгандан сўнг қонунчилик жараёнини такомиллаштириш ҳамда мукамал ҳуқуқ тизимини яратишда юридик техниканинг усул ва воситаларини қўллаш билан боғлиқ масалалар юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, Ў.Х.Мухамедов Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни тизимлаштиришнинг назарий ва амалий

муаммоларини, И.Т.Тулътеев ҳуқуқ ижодкорлигида башоратлаш (прогноз)нинг назарий, методологик ва амалий жиҳатларини, Ш.Н.Бердияров икки палатали парламент шароитида қонунчилик техникасини тадқиқ этишнинг назарий, методологик ва амалий масалаларини, О.З.Шодиқулов қонунлар сифатини оширишда юридик техниканинг ўрни ва аҳамиятини, Б.Ж.Абдуллаев Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизасини такомиллаштириш муаммоларини, Х.Х.Одилқориев Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизимини такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий асосларини, Ш.А.Сайдуллаев ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш механизмларини, Х.С.Хайитов қонун ижодкорлигида юридик лингвистиканинг ўрни ва аҳамияти каби ўта муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни тадқиқ этганлар.

Қонунчиликдаги коллизиялар билан боғлиқ муаммолар турли ҳуқуқ соҳалари бўйича амалга оширилган деярли ҳар бир тадқиқотда муайян даражада таҳлил этилган бўлсада, бугунги кунгача унинг назарий – ҳуқуқий жиҳатлари юзасидан монографик даражадаги комплекс тадқиқот амалга оширилмаган.

Шу жиҳатдан олганда, қонунчиликдаги коллизиялар тушунчасининг юридик табиати, юзага келиш сабаблари, уларни аниқлаш, олдини олиш ва ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмлари билан боғлиқ муаммоларни “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фани нуқтаи назаридан илмий-амалий таҳлил этиш мамлакатимизда мукамал ҳуқуқ тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, қонунчиликдаги коллизияларнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида куйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: қонунчиликдаги коллизия тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва турлари; келиб чиқиш сабаблари ва уни аниқлаш усуллари; уларни ҳал этишнинг механизми тушунчаси ва таркибий қисмлари; ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уйғунлаштириш орқали қонунчиликдаги коллизияларни ҳал этишнинг аҳамияти; қонунчиликни тизимлаштириш жараёнида ҳуқуқдаги коллизияларни ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятлари; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлашнинг қонунчиликдаги коллизияларни ҳал этишнинг воситаси сифатидаги ўрни; суд ва музокара тартиблари; хориж тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларини миллий амалиётга тадбиқ этиш масалалари ва бошқалар.

Бинобарин, бу борадаги муаммоларни ҳал этишда юридик фан ҳулосалари, қоидаларига таяниш ва шу асосда қонунчиликдаги коллизиялар келиб чиқишининг олдини олиш ва ҳал этиш миллий ҳуқуқ тизимининг мукамал бўлиши ҳамда уни ижтимоий ҳаётда кечаётган ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда ривожланиб боришини таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Маъруфжон ЭРГАШЕВ,

ТДҲУ “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://www.norma.uz/ru/muhim_voqealar/uzbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi
2. <https://lex.uz/docs/3107036#3109146> “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури.
3. <https://lex.uz/docs/3730228> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли қарори.
4. <https://lex.uz/uz/docs/6600404?otherlang=4>

ЎН САККИЗ ЁШГАЧА БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ТУЗИЛАДИГАН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар билан тузиладиган меҳнат шартномасининг ўзига хос хусусиятларига доир масалалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: вояга етмаган, ўн саккиз ёш, мажбурий меҳнат, ёшлар, меҳнат қилиш, ҳуқуқлар, ҳимоя қилиш, меҳнатнинг энг ёмон кўринишлари.

Вояга етмаган болалар фуқаролик ҳуқуқида асосан уч категорияга бўлинади ва уларнинг ҳуқуқий мақоми ҳам ана шу уч босқичдан келиб чиқади:

биринчи босқичда олти ёшгача бўлган вояга етмаган болалар;

иккинчи босқичда олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган болалар;

учинчи босқичда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар.

Г.Аннақиличеванинг фикрича, болалар ва ўсмирлар томонидан уларнинг соғлиги ва ривожланиши учун таъсир қилмайдиган, шунингдек, таълим олишга тўсқинлик қилмайдиган ишларни бажариш ижобий ҳол деб баҳоланади. Бундай ишлар болаларнинг ўз ота-оналарига уйда, оилада ёрдам беришлари, дарслардан сўнг ҳамда таътил кунларида ўзларининг зарур харажатлари учун пул ишлаб топишлари каби меҳнат турлари билан характерланади.

Бундай меҳнат болалар тарбиясига, оила фаровонлигига ёрдам бериш билан бирга, боланинг келажакда жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун зарур тажриба ва кўникмаларни олишида ҳам катта аҳамият касб этади.

Ҳуқуқшунос олим А.Саидовнинг фикрича, мамлакатимизда бола ҳуқуқларини амалга оширишнинг халқаро-ҳуқуқий ва миллий стандартларга риоя қилиш масалалари бўйича мониторинг тадқиқотларни ўтказиш таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида болаларнинг аҳволини яхшилаш давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллар фаолиятида бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларининг самарадорлигини оширишга замин яратади.

Болалар ва ўсмирларни ҳимоялаш тўғрисидаги миллий қонунларда ва Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенцияларида одатда қуйидаги 6 та банд ажратиб кўрсатилади: 1) белгиланган ёшдан кичик шахсларни ишга қабул қилишнинг тақиқланиши; 2) болалар ва ўсмирлардан хавфли ва зарарли ишларда ёки айрим турдаги хавфли ускуналарга хизмат кўрсатишда фойдаланишнинг тақиқланиши ёки чекланиши; 3) ҳаддан ташқари оғир юкларни кўтаришда ёки бошқа жойга олиб ўтишда болалар меҳнатидан фойдаланишнинг тақиқланиши; 4) ёшлар иш куни муддатларининг чекланиши; 5) тиббий назоратининг белгиланиши;

б) зарур касб таълимининг таъминланиши. Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилотининг 13 та Конвенцияси, шу жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 8 та асос солувчи Конвенцияларининг 7 таси, шунингдек мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишларига йўл қўймаслик соҳасидаги Конвенцияларини ратификация қилган бўлиб, ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган барча қоидалар миллий қонун ҳужжатларимизга имплементация қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий-ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни бажариши учун, улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга рухсат берилади. Иш берувчи вояга етмаганларнинг бошқа ходимлар билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқлилигини, вояга етмаганлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат шартномага ва кафолатларини таъминлашга мажбурдир.

Ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар билан тузиладиган меҳнат шартномасининг ўзига хос хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Меҳнат муносабатларига ўзларининг индивидуаллиги билан бир-биридан фарқланувчи миллионлаб инсонлар киришини (эркаклар ва аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар), меҳнат шартномага (меҳнат шартномага қулай ва ноқулай бўлган шартномага ишлаш), табиий-иқлим шартномага (нормал табиий иқлим шартномага ёки тоғлик районларда, ёки чўл шартномага ишлаш), ходимлар ўз меҳнат вазифаларини бажараётганларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Юқорида, санаб ўтилган ва бир қатор бошқа ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб бориш мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни дифференциациялаш орқалигина амалга оширилиши мумкин бўлиб, бу ўз навбатида меҳнат шартномасини тузиш билан боғлиқдир.

Ҳуқуқшунос олим М.Гасановга кўра, “Меҳнат шартномаси институти ривожланишининг замонавий тенденциялари умуман меҳнат ҳуқуқи ривожланишининг умумий тенденциялари билан мосдир. Ҳозирги

замонавий шароитда мавжуд турли меҳнат муносабатларини умумий характердаги қоидалар билан тартибга солиб бўлмайди. Вояга етмаганлар, аёллар, ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш махсус ёндашувни талаб қилади” деган фикрни илгари сурса, рус олими Н.Л. Лютов “Меҳнат ҳуқуқи нормаларини қўллашни дифференциациялашда, унинг омилларига, яъни меҳнат соҳасида қонунчилик билан белгиланган у ёки бу махсус ҳуқуқ нормаларнинг қўлланиши шартларига эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблайди. Бу омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: меҳнат шароитларини, табиий-иқлим шароитларини, алоҳида тоифадаги ходимларнинг физиологик ўзига хослигини, ходимларнинг ижтимоий ҳолатларини, ўзига хос меҳнат муносабатларини, меҳнат фаолиятининг характери, ёки тармоқларига кўра дифференциациялаш” мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтади. Ҳуқуқшунос олимлар Ю.П. Орловский ва А.Ф. Нуртдиноваларнинг фикрича дифференциациялаш учун қуйидагилар:

меҳнат шароитлари (нормал, зарарли, хавфли);

иқлим шароитлари (сувсиз чўл минтақалари, тоғли ҳудудлар);

ходимларнинг физиологик хусусиятлари (аёллар, ногиронлар, вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар);

ходимларнинг ижтимоий ҳолати (вояга етмаган фарзандлари ёки ногирон фарзандлари мавжудлиги, ўқишни иш билан биргалликда қўшиб олиб бориш);

меҳнат алоқасининг хусусияти (ишнинг мавсумийлиги ёки вақтинчалиги, ўриндошлик асосида ишлаш, жисмоний шахс бўлган иш берувчида ишлаш);

меҳнат фаолиятининг характери (корхонага раҳбарлик қилиш, давлат хизмати, ижодий фаолият ва бошқалар) кабилар асос бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат қонунчилиги нормалари амал қилиш доираси истисноларсиз барча ходимларга ва иш берувчиларга маълум бир фарқлар бўлишидан қатъий назар қўлланиладиган умумий нормалар мавжудлигида намоён бўлиб, барча ходимлар ва иш берувчилар учун меҳнат шартларининг бирлигини амалга ошириш билан бирга меҳнат шартларини белгилашда дифференциал ёндашувни ҳам қўллайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, меҳнат шартномаси ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар билан тузилганда, меҳнатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаб берувчи объектив омилларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Мазкур объектив омилларга: уларнинг меҳнатини меҳнат шароити зарарли ва (ёки) хавфли бўлган ишларда, ер ости ишларида, шунингдек бажарилиши уларнинг ҳаётига ва соғлиғига, хавфсизлигига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда (тунги кафе ва клубларда, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни, токсик препаратларни ишлаб чиқариш, ташиш ҳамда сотиш ва бошқалар) қўллаш тақиқланиши назарда тутилади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг улар учун белгиланган йўл қўйиладиган энг кўп нормалардан

ортиқ бўлган оғирликдаги юкларни кўтариши ва ташиши тақиқланади.

Бироқ, дифференциаллашнинг асоси сифатида ходимнинг шахси билан боғлиқ субъектив омиллар ҳам иштирок этиши мумкин.

Меҳнат қонунчилиги 18 ёшга тўлмаган ходимлар, ишни ўқиш билан қўшиб ёки ўқишни иш билан қўшиб олиб бораётган шахсларга, ногиронларга қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар берилишини назарда тутди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг соғлигини асраш мақсадида улар фақатгина дастлабки мажбурий тиббий кўриқдан ўтганидан кейин ишга қабул қилинади ва кейинчалик улар ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар ҳар йили мажбурий тиббий кўриқдан ўтиши лозим.

Иш вақтининг давомийлиги ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Меҳнат қонунчилигида ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларни хизмат сафарига юбориш, тунги ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилиш тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Иш берувчининг ташаббуси билан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ота-онадан бири (ота-она ўрнини босувчи шахс), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, агар ишни давом эттириш ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳаётига ва соғлиғига, хавфсизлигига ҳамда маънавий жиҳатдан камол топишига таҳдид солаётган бўлса ёки уларга бошқача тарзда зиён етказиши мумкин бўлса, бундай шахслар билан меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли ҳисобланадиган.

Ситора ШОИСЛОМОВА,

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анна Қиличева Г. Меҳнат муносабатларидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг бола ҳуқуқларида кафолатланиши. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2008. № 2. –Б. 26.
2. А.Саидов. Меҳнат соҳасидаги энг муҳим ҳуқуқлар ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида татбиқ қилиниши. 30.04.2015 йил. Электрон манба: Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги элчихонасининг расмий веб-сайти.
3. Гасанов М.Ю. Трудовое право Республики Узбекистан. Общая часть. – Т.: Изд. «LESSONPRESS», 2016. – 21-бет.
4. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. 151-бет.
5. Саидов А.Х. Бола ҳуқуқлари мониторинги. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2011. 134-бет.
6. Трудовое право. Практикум. Учебное пособие для академического бакалавриата. Под редакцией Ю. П. Орловского, А. Я. Петрова. – Москва. Юрайт. 2016, 13-бет.
7. Трудовое право России. Отв. ред. Ю.П.Орловский, А.Ф.Нуртдинова. – М.: Контракт, 2008. – С.37.

ЎҚОТАР ҚУРОЛЛАР, ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР, ПОРТЛАТИШ ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШ

АННОТАЦИЯ:

мақолада муаллиф томонидан суриштирув-тергов ва суд органлари томонидан Жиноят кодексининг 247- 248- 249-моддаларида назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий нормаларни амалда қўллаш чоғида юзага келаётган муаммолар баён этилиб, ушбу муаммоларнинг ечими сифатида иштирокчиларнинг фикрлари, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги тажрибаси, илмий қарашлардаги илғор ғоялар, суд-тергов амалиёти материалларининг таҳлиллари асосида қуролларнинг ғайриқонуний муомаласидан иборат жиноятлар учун жавобгарликни тўғри белгилаш учун ушбу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш қоидалари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноят, қурол, жавобгарлик, квалификация қилиш, талон-тарож, жиноят содир этиш усули, жиноят предмети, жиноят таркиби, жиноят-ҳуқуқий норма.

Жиноят ҳуқуқи фани ва суд-тергов амалиётида жиноят тўғрисидаги қонунчилик нормаларини амалда қўллашнинг икки усули мавжуддир. Биринчиси – бу жиноятларни квалификация қилиш бўлса, иккинчиси жиноий жазо тури ва миқдорини тайинлашдир. Ҳуқуқшунос С.С. Алексев таъкидлаганидек, Жиноят тўғрисидаги қонунчилик нормаларини амалда қўллаш қилмишни жиноят сифатида квалификация қилишсиз англаб бўлмайдиган ҳолатдир.

Жиноятларни малакалаш – бу содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш белгилари билан жиноят-ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган жиноят таркиби белгиларининг бир-бирига тўлиқ мос келишини аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлашдир.

Жиноят ҳуқуқий адабиётлар ва қуролларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг таҳлили ҳуқуқни қўллаш субъектлари ўртасида келишмовчиликларга сабаб бўладиган бир қатор муаммолар мавжудлигидан дарак бермоқда. Улардан бири бу – қуролларни ўтказишнинг объектив томон хусусиятини турлича талқин қилиш билан боғлиқ муаммо, яъни қуролларни растрата қилиш йўли билан эгаллаш (ЖК 247-м., 2-қ, “в”), қуролларни ўтказиш (ЖК 248-м., 3-қ.) жиноятларида қуролларни ғайриқонуний равишда бир шахснинг ихтиёридан иккинчи шахснинг тасарруфига ўтказиш ҳолатидир. Чунки, қуролларни растрата қилишда шахс ўз ихтиёрида бўлган қуролларни учинчи шахслар тасарруфига бериш билан гўёки қуролларни ўтказиш жинояти содир этади. Ушбу жиноятлар ўртасида объектив томон белгиларига кўра ўхшашлик бўлса-да, аммо бошқа бир белгиларига кўра фарқ қилинишини англаш тақозо этади.

Қуролларни растрата қилиш жиноятини содир этаётган шахснинг мақсади қуролларни ўтказиш жинояти мақсадидан тубдан фарқ қилинишини англаб олиш зарур. Чунки, биринчи жиноятда шахс ўзгалининг қуролларини эгаллаш мақсадида уларни бошқа

шахслар тасарруфига ўтказса, иккинчи жиноятда эса ўз эгалигида бўлган қуролларни иккинчи шахсга сотиш, совға қилиш, қарз эвазига бериш ва бошқа ҳолатлар орқали ҳаракат қилади. Иккинчидан, ўтказилаётган қуроллар кимнинг эгалигида эканлигини ҳам фарқ қилиш лозим. Яъни, растрата қилишда ўзгалининг қуроллари муайян вазифаларни бажариш мақсадида қонуний талаблар асосида шахснинг ихтиёрига топшириладиган бўлса ва у ушбу қуролларни қонуний тарзда ўз эгалигида бўлишини таъминлайдиган бўлса, қуролларни ўтказиш (ЖК 248-м., 3-қисм) жиноятида эса қуроллар шахснинг ихтиёрида ноқонуний ҳолда бўлади.

Шундай қилиб, қуролларни ғайриқонуний равишда сотиш, қарз эвазига бериш ёки бошқача усулларда ўтказиш ҳаракатларини малакалашда қуролларни растрата қилиш ва қуролларни ўтказиш жиноятлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган қайси нормаларни қўллаш бўйича юзага келган муаммоларни ҳал этишда, биринчи галда жиноятларнинг субъектив томон мақсади, иккинчидан қуролларнинг эгалиқда бўлган ҳолатининг хусусиятларидан келиб чиқиб энг асосийси, нормалар ўртасидаги рақобат қоидалари асосида квалификация қилиш талаб этилади.

Нормалар рақобати дейилганда умумий ва махсус меъёрлар ўртасидаги рақобат бўйича қилмишларни малакалаш тушунилади.

Жиноят ҳуқуқи таълимотида қуролларни ноқонуний сақлаш деганда, нафақат қуролларни яшириш, балки омонатга олиб қўйиш ҳам тушунилади. Шу боисдан, биринчи шахс қуролни қисқа вақт ичида омонатга топшириши ҳам қуролни сақлашдан далолат беради. Социологик сўровномада иштирок этган иштирокчиларнинг аксарият қисми, яъни 86 фоизи мазкур квалификация қилиш қоидасини тўғри деб билишган.

Қуролларни ноқонуний сақлаш билан боғлиқ муаммолардан яна бири бу ҳуқуқни қўллаш

субъектлари учун қуролни сақлаш ва олиб юришдан фарқлашда муайян қийинчиликларга дуч келаётганликларидир. Яъни, шахс узоқ муддат давомида (бир кундан ортиқ вақт мобайнида) қуролни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш учун ўзида, кийимида ёки сумкасида олиб юриш ҳолатларининг сақлашдан фарқлана олмаётганликларидир. Ушбу масала бўйича Е.В.Зайцева мазкур икки ҳаракатни бир-биридан ажратишда қуролни олиб юриш вақтининг миқдори билан фарқ қилишни таклиф қилади, яъни олимнинг таъкидлашича, агарда шахс 24 соатдан ортиқ вақт давомида қуролни ўзида олиб юрган бўлса, бундай ҳаракатларни сақлаш деб квалификация қилишни илгари суради. Бизнингча, бундай ҳолатларда олиб юришнинг вақтига қараб эмас, балки шахснинг ушбу қуролни олиб юриш манзилининг бошланғич ва якуний нуқтасини аниқлаган ҳолда ягона қасд билан ҳаракатланишини инобатга олиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Чунончи, фуқаро А.А. 2018-йил ноябрь ойида марҳум бобоси А.Д. вақтида қурилган омборхонани бузаётганида бир ўқотар ов қуроли ва 5 дона патронлар қопга солинган ҳолатда турганини кўриб, уларни келгусида уй ҳайвонларини ёввойи ҳайвонлардан кўриқлаш учун ўзига тегишли бўлган дала шийпонига олиб бориб, 2019 йилнинг 21 январь кунига қадар сақлаб келганлиги тегишли давлат органлари ходимлари томонидан аниқланган. Мазкур ҳолат бўйича ЖКнинг 248-моддаси 1-қисми бўйича жиноят иши кўзгатирилган.

Бинобарин, ЖКнинг 32-моддаси 3-ва 4-қисмларида шахс умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи ҳаракатни узоқ вақт давомида бажариши ягона жиноят сифатида тушунилиши назарда тутилган. Бироқ, олиб юриш давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими томонидан шахсини аниқлаш юзасидан мурожаат қилинишини англаб туриб, уни жуда қисқа вақт ичида бирор бир жойда ёки ўз қўл юкининг хуфёна жойига яшириб, олиб ўтиш ҳолатларида ноқонуний сақлаш вазиятлари юзага келишидан далолат бериши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ЖКнинг 248-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечтасини амалга оширилишидан иборат қилмишлар ЖКнинг 248-моддаси бўйича ягона жиноят сифатида баҳоланиши лозим.

Суд-тергов амалиётида қуролларнинг ғайриқонуний муомаласидан иборат қилмишларни квалификация қилишда кам аҳамиятли қилмишларга ҳуқуқий баҳо бериш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунончи, Жиноят кодексига мувофиқ суд-тергов амалиётида ўқотар қуролнинг бир дона патрони учун ҳам жиноий жавобгарлик ўрнатилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам агарда биз расман эътибор қаратадиган бўлсак, бир дона патронни қонунга хилоф равишда эгаллаш, сақлаш, олиб юриш, ташиш ва бошқа ҳолатлар учун ЖКнинг 247 ва 248-моддаларида

жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу масала бўйича юридик адабиётларда турли фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин.

Ҳуқуқшунос олим Д.М. Кокин 2-3 дона патронни ноқонуний сақлаш ёки уларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан олиб қўйишидаги ҳолатларни кам аҳамиятли қилмиш каби баҳолаб, жиноят ишини рад этиш масаласини кўриш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, патроннинг ўқотар қуролсиз сақланиши ўз-ўзидан жамият учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Фақат, ўқотар қуролнинг мавжудлиги битта патроннинг ижтимоий хавфлилиги юқорилигидан далолат бериши мумкин.

Бизнингча, патроннинг миқдоридан келиб чиқиб жавобгарлик масаласини ҳал этишда, ЖКнинг 247 ва 248-моддаларининг диспозициясида ўқотар қуролнинг ўқ-дорилари деб баён этилаётганлиги, уларнинг камида икки ва ундан ортиқ бўлишлигига асосланилмоқда. Шу боисдан, айрим ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари битта патрон учун жиноий жавобгарлик ўрнатилмаслиги ва уни кам аҳамиятли қилмиш сифатида баҳолаб, шахсни жиноий жавобгарликка тортмаслик масаласини ҳал этиш заруратини таъкидлашади. Бу фикр, ҳуқуқни қўллаш субъектлари ўртасида ўтказилган суровнома натижасига кўра иштирокчиларнинг кўпчилиги томонидан маъқулланган, яъни 89 фоизи битта патронни ноқонуний сақлаганлик учун жиноий жавобгарлик ўрнатилмаслигини билдиришган.

Қуролларнинг ғайриқонуний муомаласидан иборат жиноятларни квалификация қилишда уларни ўхшаш бўлган жиноятлардан фарқлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, қуролларнинг ғайриқонуний муомаласидан иборат жиноятларни (ЖК 247, 248, 249-мм.), учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш (ЖК 248¹-м.) ва бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш (ЖК 255¹-м.) жиноятларидан фарқлаш билан боғлиқ масалага эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ушбу жиноятлар турдош объекти – жамоат хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, объектив томоннинг ижтимоий хавфли ҳаракатлари ва усуллари билан ўхшашлик жиҳатларига эгадир. Бироқ, қонун чиқарувчи орган уларни бир-биридан жиноят предмети ва ушбу предмет хусусиятидан келиб чиқиб, бевосита асосий объект-шахснинг қасди қайси предметларга қаратилганлиги билан фарқ қилиниши лозимлигини назарда тутаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, қуролларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни ўзгалар мол-мулкни талон-тарож қилиш жиноятларидан (ЖК 164–169 мм.) фарқлашни тақозо этади. Гарчи, қуролларни қонунга хилоф равишда эгаллаш усуллари талон-

тарож қилиш усуллари билан бир хил бўлсада, аммо улар жиноят предмети, яъни қуроллар мулккий ашёлар орасида юқори хавф туғдириши сабаб уларга нисбатан қонун ҳужжатлари билан муайян чегараланиш ва чекловлар ўрнатилганлигини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, ушбу турдаги жиноятлар субъектив томоннинг мақсади билан ҳам фарқ қилади, чунки талон-тарож қилиш жиноятларининг асосий ва зарурий белгиси уларни ғаразғўйлик мақсадида содир этиш билан бирга моддий наф кўришдан иборатдир. Яна бир фарқли жиҳати қуролларни қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятининг ҳар қандай усулидан қатъи назар жиноий жавобгарликка тортиш ёши 14 ёш этиб белгиланган. Талон-тарож қилишнинг фирибгарлик (ЖК 168-м.), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (ЖК 167-м.) каби жиноятлар учун жавобгарлик ёши 16 ёш этиб белгиланганлигидадир.

Қуролларнинг ғайриқонуний муомаласидан иборат жиноятларни қурол қўллаб содир этиладиган жиноятлардан фарқлаш лозим. Чунки, улар бир қатор хусусиятларга кўра бир-бирига ўхшаш, яъни қуролнинг мавжудлиги, айбнинг тўғри қасд шаклида содир этилиши (ЖК 247 ва 248-мм.)дир.

Жиноят қонунчилигида қуролни қўллаб ёки ишлатиш билан содир этиладиган жиноятлар алоҳида, яъни мустақил жиноятларнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида, ЖКнинг 104 моддаси 2-қисми “л” (қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса), 105 моддаси 2-қисми “м” (қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса), 164-моддаси 2-қисми “а” (қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб), 202-модда 2-қисм “г” (тақиқланган қуролларни ёки воситаларни қўллаган ҳолда), 244-модда 3-қисми (қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан кўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш), 277-модданинг 2-қисми “в” ва 3-қисми, “б” (совуқ қурол ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб; ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан кўрқитиб ёки қўллаб), 281-моддаси 2-қисми “б” (қурол ишлатиб содир этилган бўлса), 283-модданинг 2-қисми, “б” (қурол ишлатиб содир этилган бўлса) ва 285-моддаси 2-қисми “б” (қурол ишлатиб содир этилган бўлса) бандларида белгиланганлигини англаб олиш зарур.

Демак, ушбу оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилаётган жиноятлар биз тадқиқ қилаётган жиноятлардан, гарчи улар ҳам қурол билан боғлиқ ҳолда содир этилишига қарамасдан жиноят таркибининг ўзига хос белгилари билан фарқ қилади.

Биринчидан, қуролларнинг ғайриқонуний муомаласидан иборат жиноятларда қурол жиноятнинг предмети сифатида намоён бўлаётган бўлса, юқо-

рида таъкидланган оғирлаштирувчи ҳолларда қурол жиноятнинг содир этиш қуроли ёки воситаси сифатида қўлланилади;

иккинчидан, қуролларнинг ғайриқонуний муомаласидан иборат жиноятларнинг объекти бевожуб қуролларнинг муомаласини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар бўлса, қуролни қўллаб ёки ишлатиб содир этилаётган жиноятларнинг объекти ўзга шахсларнинг соғлиги, мол-мулки, атроф-табiiий муҳит, жамоат тартиби ва ҳарбий хизматни ўташ тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар бўлиб ҳисобланади;

учинчидан, жиноятни содир этиш усуллари ва ҳаракатларининг қонунда ифодаланиши билан фарқ қилади. Мисол учун, ЖКнинг 248-моддасида кўзда тутилган тегишли лицензия ва рухсатномасиз қуролларни ишлаб чиқариш, ташиш, таъмирлаш жиноятлари қуроллардан зўравонлик қилиш усулида қўлланилишидан фарқ қилади;

тўртинчидан, жиноят субъекти белгилари билан фарқ қилади. Масалан қуролларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларда (ЖК 247-, 248-мм.) асосан жиноят субъекти умумий белгиларга эга бўлган бўлса, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларда эса махсус ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий мансабдор шахслар ҳисобланади.

Шундай қилиб қуролларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишда ушбу турдаги жиноятлар таркибий белгиларининг ўзига хос хусусиятга эгалигини, мазкур жиноят таркибларида белгиланган жиноят предмети ва ҳаракатлар тушунчасининг моҳиятини чуқур англаш, уларни бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлаш қоидалари муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса келгусида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимларини ЖКнинг 247, 248 ва 249-моддаларини амалда тўғри қўллашлари учун замин яратади.

Максуд КАЛАНДАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексеев С.С. Общая теория права: в 2-т. — М., 1982. Т 2. — С. 340.
2. Д. М. Некорыстный оборот оружия: уголовно-правовая и криминологическая характеристика// Дисс... канд. юрид. наук. — С-Пб, 2015 — С. 106.
3. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / R. Kabulov, A.A. Otajonov, D.YU. Payziyev va boshq. — T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2016. — B. 7; Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. — М., 2004., 304 с.; Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. — М., 2013. — С. 15 va boshq.
4. Жиноят ишлар бўйича Учкўприк туман судининг 1-1518-1901/35-рақамли ҳукми.
5. Зайцева Е.В. Уголовно-правовые средства противодействия незаконному обороту оружия и его применения в совершении преступления. Дисс. ... канд. юрид. наук. — Омск, 2014. — С. 67.
6. Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. — М., 2013. — С. 309–310; O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga ilmiy-amaliy sharhlar. — Toshkent. “Adolat”. 1997. — B. 61.
7. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi // — URL:https://lex.uz/docs/-111460 (murojaat vaqti: 20.10.2022).

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ЖАБРЛАНУВЧИ ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада дастлабки тергов босқичида жабрланувчи ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган ва унда жабрланувчининг ҳуқуқларини прокурор назорати орқали ҳимоя қилиш назарда тутилган шунингдек, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш масаласига урғу бериб ўтилган. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: конституция, жиноят процесси, жиноят иши, дастлабки тергов, прокурор назорати, жабрланувчи, хорижий тажриба, ҳуқуқ ва эркинликлар.

Дастлабки тергов - судгача бўлган иш юритишнинг бир қисми бўлиб, жиноят ишини қўзғатиш, жиноятчини фош этиш тартиби, ҳақиқатни аниқлаш, процесс иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кафолатларни таъминлайдиган босқич ҳисобланади.

Р.М. Джураевнинг таъкидлашича, дастлабки тергов жиноятни тез ва тўлиқ очиш, уни содир этган шахсларни фош этиш ва айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш, жиноятни бартараф этиш чораларини кўриш, жиноят сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек жиноят туфайли етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш чораларини кўриш мақсадларида дастлабки тергов органларининг иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга асос бўладиган далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасидаги фаолиятидир.

Айнан шу босқичда жиноят процессининг вазифалари ҳал этилиб, жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бошланади. Жиноят процессининг бундай иштирокчисида фақат дастлабки тергов (суриштирув) босқичидан бошлаб жабрланувчи сифатида иштирок этиш имконияти намоён бўлади.

Жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни биринчи навбатда давлат ўз ғамхўрлигига олади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат жиноятдан жабр кўрган шахсларни муҳофаза қилиш ва одил судловни рўёбга чиқариш ҳамда уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Шунингдек, ЖПК 54-моддасида жиноят натижасида шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда у ваколатли шахс томонидан жабрланувчи деб эътироф этилиб, қонунга мувофиқ унинг ҳуқуқлари ҳимоя этилиши таъминланиши кафолатланган.

ЖПК 54-моддаси мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш учун унга мулкый, маънавий ёки жисмоний зарар етказганлиги тўғрисида етарли далиллар бўлган тақдир-

да суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд қарор ёки ажрим чиқариши мумкин. Айрим ҳолатларда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс бунга етарли асослар бўлса ҳам шахсга жабрланувчи мақомини беришини атайлаб ёки ўз хизмат вазифасига нисбатан лоқайд муносабатда ёндашганлиги учун кечиктириши мумкин. Бу ўз навбатида жиноятдан жабр кўрган шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилаолмасликка олиб келади ёки терговга таъсир ўтказмаслик мақсадида қилиниши ҳам мумкин.

Бизнинг фикримизча, жабрланувчи сифатида ўз вақтида тан олинмаслик ҳолатларини камайтиришнинг олдини олиш учун ушбу қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ҳаракатлари устидан прокурор назоратини кучайтириш лозим.

Бундан ташқари, агар иш юритиш жараёнида ёки ундан олдин ёхуд кейин жабрланувчининг ўлими билан боғлиқ ҳолатда марҳумнинг ҳуқуқларини ким ҳимоя қилади?,- деган савол ўринлидир. ЖПК 55-моддасида агар жабрланувчи вафот этса, унинг ҳуқуқларини қонуний вакили деб топилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга оширадиган, деб кўрсатилган.

Бизнингча, бу моддада мавхумлик мавжуд. Ҳуқуқшунос С.В. Бородиннинг фикрича, амалиётда кўпинча қотиллик ишлари бўйича марҳумнинг яқин қариндошларидан ҳеч бири жабрланувчининг қонуний вакили сифатида қатнашиш истагини билдирмайди.

А.Н. Халиковнинг таъкидлашича, узоқдаги қариндоши марҳумнинг вафот этганлиги ҳақида билмаслиги ҳам мумкин.

Чиндан ҳам, бунга бир қанча сабаблар бўлиши мумкин: биринчидан, яқин қариндошлари ўз ҳаётини хавф остига қолдирмаслик мақсадида ҳам бунга аралашмаслиги мумкин, айниқса уюшган жиноятчилик билан боғлиқ жиноятларда; иккинчидан, бу узоқ сафарга номуайян муддатга кетганлиги, чет элда ишлаши ёки жазони ўтаётганлик муносабати билан боғлиқ ҳам бўлиши мумкин; учинчидан, оилавий низолар туфайли ришталар узилганда; тўртинчидан, оғир касаллиги, ногиронлиги, ақли норасолиги ва бешинчидан, яқин қариндошларининг турар жойини аниқлаш имкони йўқлиги сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқадиган бўлсак, одатда амалиётда терговчи жабрланувчининг вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндошларидан бирини қонуний вакил сифатида жалб қилади. Шу ўринда яна бир савол туғилади, агарда вафот этган жабрланувчининг яқин қариндошлари бўлмаса терговчи ишда қимни жабрланувчининг қонуний вакили, деб эътироф этади?

В.И.Пустоваловнинг таъкидлашича, агар формал-мантиққа таянадиган бўлсак, қонунчиликдаги бу бўшлиқ прокурорга марҳум (жабрланувчининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилишга имкон бермайди.

Бу масала Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 45-моддаси 1-қисмига кўра, ишда жабрланувчининг вафоти туфайли марҳумнинг вакили сифатида юридик шахс иштирок этиши мумкин дейилган. Худди шунга ўхшаш қоида Беларуссия Жиноят процессуал кодексининг 51-моддасида мустаҳкамлаб кўйилган. Лекин қайси юридик (орган ёки ташкилот) шахс қонуний вакил сифатида иштирок этиши очиқланмаган.

Мисол учун, "Г" исми шахснинг ўлдирилганлиги бўйича № 90103-рақамли кўзғатилган жиноят ишида марҳумнинг қонуний вакили сифатида маҳаллий ҳокимият ходимини вакил сифатида терговчи жалб қилган. Бизнингча, маҳаллий ҳокимият органлари ходимларини марҳум жабрланувчининг вакили сифатида тан олиб, уни жиноят ишига жалб қилганлиги жиноят процессуал қонунчиликда бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатади.

А.Н.Холиковга кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимлари жабрланувчининг вакили сифатида жиноят ишига жалб қилиш ҳолларда ҳимоя қилиши мумкин. Негаки, жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган жиноят давлат ва жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларга, яъни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат манфаатларига зарар етказилган, деб ҳисоблайди. Давлат марҳумнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятига эга.

Дарҳақиқат, дастлабки тергов босқичида жабрланувчининг вафоти билан марҳумнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурати қонун билан тартибга солиш зарурати борлиги кўринадди. Бизнингча, марҳумнинг қариндошлари бўлмаган тақдирда, жабрланувчининг манфаатлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари орқали ҳимоя қилиш мақсадга мувофиқ. Негаки, "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш юклатилган, жумладан, миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар, анъаналар ва маросимларни ўтказиш вазифалари юклатилган".

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган масалалар мамлакатимиз раҳбари томонидан жиноят-процессуал қонунчилигини ривожлантириш концепциясида белгиланган. Бинобарин, "жабрланувчи ва жиноятдан жабр кўрган шахсларни ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан жиноят-процессуал ҳамда ташкилий чораларни жорий этиш, жиноий қилмишдан жабр кўрган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш механизмларининг самардорлигини ошириш лозимлиги қайд этилган".

Бундан ташқари, жиноят ишида жабрланувчи сифатида нафақат жисмоний шахслар балки юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Бундай қоида, мисол учун, Россия ЖПК 42-моддасида юридик шахснинг мол-мулкига ва ишчанлик обрўсига путур етказадиган жиноят содир этилган тақдирда жабрланувчи деб топиши мумкинлиги айtilган. Қозоғистон Республикасининг ЖПК 71-моддасига кўра, жиноий ҳуқуқбузарлик натижасида мулкый зарар кўрган юридик шахс жабрланувчи деб тан олинishi мумкин. Бунда жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юридик шахснинг вакили томонидан амалга оширилади. Худди шундай қоида, Қирғизистон Республикасининг ЖПК 41-моддасида ҳам белгиланган.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига зарур бўлган тегишли ўзгартиришлар ушбу муаммони ҳал қилишга ёрдам беради.

Бизнингча, ЖПК 54-моддаси 1-қисмини "Жиноий ҳуқуқбузарлик натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун етарли далиллар мавжуд бўлган тақдирда, жисмоний ва юридик шахслар жабрланувчи деб топилиши мумкин" мазмунидан янги таҳрирда ўзгартириш лозим.

Шуҳрат УЗАҚОВ,

*генерал майор, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
"Ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик"
кафедраси бошлиғи.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бородин С.В. Рассмотрение судом уголовных дел об убийствах. М., 1964. С. 142.
2. Jinoyat-protsessual huquqi [Matn]: darslik. - Toshkent: Complex Print, 2020. - 442 b.
3. Пустовалов В. И. Обеспечение прокурором прав потерпевших по делам частного и частно-публичного обвинения // Материалы международного семинара на тему: Роль прокуратуры в обеспечении прав и законных интересов жертв преступлений. Состоявшегося 6-7 октября 2003 года. М., 2004. С. 33.
4. Саратовского областного суда. Уголовное дело № 90103 по обвинению Алексеевой Н.А. и Акимова А.М. в совершении преступления, предусмотренных ст.ст. 105 ч.2 п.п.мв», «Д», «Ж», «И», 105 4.2 п.п.«В», «Д», «Н» УК РФ.
5. "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 29.05.2024) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.07.2024).
6. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 17.07.2024 г.).
7. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2021 г.).
8. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года № 295-3 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 17.07.2023 г.).
9. Халиков А.Н. Вопросы о представителе потерпевшего в уголовном процессе // Следо-ватель, 2003, № 5. С.39.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2023.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-350-сон "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

РАҚАМЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Бугунги кунда рақамлаштириш жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди ва хусусан, иқтисодиётнинг ажралмас элементи бўлиб қолмоқда. Жаҳонда рақамли мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни шартномавий тартибга солиш, рақамли актив ва виртуал мол-мулкни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, рақамли мулк эгаларини халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларини кенгайтириш, ушбу соҳада нодавлат ўзини ўзи бошқариш тизимларини кенгайтириш, уларга қўйилган талабларни унификация қилиш, рақамли муносабатларни бошқаришга “lex mercatoria”, “lex informatica”, “lex cryptographica” – блокчейн ҳамжамиятининг ўзини ўзи бошқариш қоидалари тўп-ламани татбиқ қилиш, криптографик шифрлаш фойдаланувчиларининг фаолиятини тартибга солиш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда рақамли маконда юзага келадиган форс-мажор ҳолатлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани ҳолда, бундай ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари алоҳида илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, рақамли маконда кўплаб жараёнлар ва операциялар электрон шаклда тарафларнинг жисмоний иштирокисиз амалга оширилиши сабабли, одатда форс-мажор ҳолатларини белгилаш учун асос бўладиган сув тошқинлари ёки zilзилалар каби ҳодисаларни форс-мажор ҳолатлари сифатида баҳолаб бўлмаслиги мумкин. Бирок, рақамли маконда юзага келадиган айрим техник носозликлар, жумладан сервердаги ёки электр таъминотидаги узилишлар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа техник муаммолар каби носозликлар, агар бундай муваффақиятсизликлар муқаррар бўлса ва тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаса, форс-мажор ҳолатлари сифатида қўлланиши мумкин. Шунингдек, рақамли маконда маълумотларни ҳимоя қилиш ва махфийликка катта эътибор берилиши лозимлиги нуқтаи назардан агар юзага келган носозликлар оқибатида маълумотлар хавфсизлигининг бузилишига ёки махфий маълумотларнинг сизиб чиқишига олиб келган бўлса, у форс-мажор ҳолати деб топилиши мумкин. Яъни, одатда рақамли маконда юз берган ҳодисани форс-мажор ҳолати деб тан олиш учун уни олдиндан кўришнинг имкони бўлмаганлиги ва бу шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир қилганлиги исботланиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда қабул қилган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони билан республикамизда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастури доирасида иқтисодиёт тармоқларида виртуал ва тўлдирилган реаллик, сунъий интеллект, криптография, машина ўрганиши, катта маълумотларни таҳлил қилиш ва “булутли” ҳисоблаш технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири сифатида белгиланди. 2030 йилгача рақамли технологияларни янада ривожлантириш асосида республикамизда барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш кўзда тутилгани боис, ҳозирда жамият ҳаётининг кўплаб соҳалари, хусусан давлат муассасалари рақамли трансформациядан ўтиб, рақамли муҳитда мулоқотларни амалга ошириб келмоқда. Бундай муҳит рақамли муносабатлар иштирокчилари учун нафақат кенг имкониятлар яратиб бермоқда, балки уларнинг ролини ҳам ўзгартирмоқда. Масалан, энди талаба-ўқувчилар ўқитувчининг аудиториясига эмас, балки талаба-ўқувчилар қаерда бўлишидан қатъий назар, ўқитувчининг ўзи уларнинг олдида келмоқда. Ёки аҳолига, улар доимий яшаш жойидан чиқмаган ҳолда, кўплаб давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Албатта, бундай шароитларда иштирокчилар ўзларининг хоҳишига кўра ва манфаатларини кўзлаб қарор қабул қиладилар. Шу сабабли ҳам, мавжуд рақамли муносабатлар унинг иштирокчилари учун яратилган яхши имконият сифатида баҳоланмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда рақамли муносабатларни ҳуқуқий тартиб-

га солишни такомиллаштириш зарурати мавжудлиги ва бу анъанавий ҳуқуқий механизмларни янги шароитларга мослаштиришга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда. Масалан, иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этаётган кўплаб виртуал объектлар пайдо бўлди, лекин улар билан боғлиқ рақамли муносабатларни назарий ва амалий жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солиш ноаниқлигича қолмоқда. Шунингдек, рақамли маконда моддий шаклга эга бўлмаган ҳамда интеллектуал мулкка ҳам мансуб бўлмаган, лекин ҳуқуқ субъектлари учун маълум бир иқтисодий қийматга эга бўлган объектлар юзага келдики, миллий қонунчиликка “рақамли мулк ҳуқуқлар”, “виртуал мол-мулк”, “рақамли актив”, “крипто-актив”, “рақамли валюта”, “виртуал валюта” каби бир қанча тушунчаларни киритишни талаб этмоқда. Албатта, янги рақамли дунёда рақамли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки, рақамли макон бутун дунёда бўлганидек, мамлакатимизда ҳам асосан иқтисодий ва технологик характерга эга бўлган йўналиш бўйича ривожланиб бораётганлиги ва рақамли ахборотлар ҳажмининг ошиши объектив равишда ҳуқуқий тизим олдида турган вазифаларнинг ҳам ошишига олиб келаётганлиги кузатилмоқда. Фикримизча, рақамли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш эҳтиёжи объектив зарурат бўлганлиги сабабли, ҳуқуқий нормаларда асосан рақамли муносабатлар иштирокчиларининг андозаси (моделли), улар хатти-ҳаракатларининг алгоритми, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи меъёрлар ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ.

Кўрсатиб ўтилганларга асосланиб, рақамли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалаларини ҳал қилиш учун қуйидаги йўналишлар таклиф этилади:

- биринчиси, мутлақо янги ҳуқуқий тушунча ва рақамли ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

- иккинчиси, мавжуд ҳуқуқий институтларни янги рақамли воқеликка мослаштириш ва уларни такомиллаштириб бориш.

Бундай ёндашув доирасида ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солиш, қайси соҳага мансублигидан қатъий назар, ахборот ва асосан рақамли хусусиятга эга, деб ҳисобланади. Бугунги кунда ҳуқуқий муносабатларни рақамли ўзаро таъсир кўрсатиш шаклига ўтказишнинг асосий имкониятлари ҳеч қандай шубҳа туғдирмаслиги сабабли электрон ўзаро ҳамкорлик тизими давлат хизматларини кўрсатишда, судларда, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун аризаларни топширишда ва бошқа соҳаларда муваффақиятли қўлланилмоқда.

Холмурод ИСАНОВ,

юридик фанлар доктори, доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исанов Х.Р. Форс-мажор – фуқаролик-ҳуқуқий категория сифатида: назария ва амалиёт”. Юрид.фан.док.дисс. -Т., 2024.
2. Якубов А.Н. Кибермаконда рақамли мулк ҳуқуқи ва уни ҳуқуқий тартибга солиш. Юрид.фан.док.дисс. -Т., 2023.

КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ГЕНЕЗИСИ

Мулк ижараси мулк ҳуқуқини амалга оширувчи шакллардан бўлиб, ҳозирда бу турдаги муносабатларни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш иқтисодий-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишнинг зарурий омилларидан бири ҳисобланади.

Ижара муносабатларининг тарихини ўрганиш ва билиш – унинг моҳиятини тўлиқ англаш, иқтисодий-тимизда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг назарий ва амалий аҳамиятини тушунишда, шунингдек унинг ҳуқуқий базасини шароитимизга жавоб берадиган даражага етказишда кўл келади.

Мулк ижараси ва ундан келиб чиқадиган муносабатлар Қадимги Рим давлатида қулдорлик тузуми емирилиб, феодализмга қадам қўйилаётган даврда вужудга келганлигига, уларнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини Император Конституциясида топганлигига амин бўламиз. Мазкур манбалар далолат беришича, рим ҳуқуқи асосан уч турдаги ижарани, яъни: ашёлар ижараси (*locato-conductio rerum*), хизматлар ижараси (*locatio-conductio opererum*) ҳамда ишлар ижарасини (*locatio-conductio operis*) назарда тутган ва тартибга солган. Айтиш мумкинки, замонавий (ҳозирда маълум бўлган) мулк ижараси ўз мазмун-моҳияти ва асосий жиҳатлари билан ўша даврдаги мавжуд бўлган ашёлар ижарасига айнан ўхшашдир.

Умуман, мулк ижараси муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан давр талаби, хусусан мулкнинг ҳуқуқий ҳолати ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда тартибга солинганлигига боғлиқ бўлганлиги кўзга ташланади. Чунончи, мулк ижараси ва унга тааллуқли бўлган масалалар қадимги Рим ҳуқуқи асосларида, Библияда, Авестода, мусулмон ҳуқуқининг манбаи бўлган Қуръони каримда, ҳадислар ва мусулмон фикшуносларининг асарларида батафсил баён этилган.

Марказий Осиёда мулк ижараси муносабатларининг вужудга келиши, уларнинг ҳуқуқий асосларини шаклланиши эса феодализмнинг қарор топиши даврига тўғри келган. Маълумки, ўша даврда мулк ижарасининг ҳуқуқий асослари ижтимоий-иқтисодий формациянинг ўзига хос хусусиятлари, урф-одатлари, айниқса мулкка, хусусан ерга бўлган муносабат ва шунга ўхшаш бошқа омиллар таъсирида шаклланган ва ривожланган. Ўша даврда Марказий Осиёда мулк ижараси муносабатларининг деярли кўпчилиги ер ижараси билан боғлиқ бўлган.

Мусулмон ҳуқуқида мулк ижараси объекти кўчар ва кўчмас мол-мулклар ҳисобланган. Мулкни (асосан кўчмас мулкни) ижарага бериш келишув (шартнома) асосида амалга оширилган. Ижара муносабатларини тартибга солишда мусулмон ҳуқуқи манбалари умум-мажбурий хусусиятга эга бўлиб, ижара шартномаси унинг қоидалари доирасида тузилган. Ушбу манбалар мулкдорлар, бойлар манфаатини ҳимоя қилишга қа-

ратилганлиги сабабли, ижара шартномасида назарда тутилган шартлар ижарачини оғир аҳволга соладиган даражада бўлар эди. Мусулмон ҳуқуқида мол-мулк ижараси билан бир қаторда шахс ижараси ҳам кўзда тутилган эди.

Мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири “Ҳидоя”нинг XXXI китоби ижара муносабатларини тартибга солишга бағишланган бўлиб унда ижаранинг моҳияти, мақсади, ижара ҳақи, ижарага берилиши мумкин бўлмаган мол-мулклар, ижара низолари, шартнома тарафларининг жавобгарлиги, шартномани бекор қилиш ва ҳақиқий саналмаслиги асослари каби шунга ўхшаш масалалар мустаҳкамлаб қўйилган.

XIX аср охири ва XX аср бошида ижара муносабатлари Марказий Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлган мусулмон ҳуқуқи қоидалари билан бир қаторда Россия қонунлари билан ҳам тартибга солина бошланди.

1917 йил октябрь инқилобидан кейин ижара муносабатларининг ривожланишида ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришлар юз берди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида корхоналар билан боғлиқ бўлган битимларга нисбатан чекловлар ўрнатилган. Хусусан, РСФСР Савдо ва Саноат Халқ Комиссариатининг 1918 йил 20 апрелдаги “Савдо ва савдо-саноат корхоналари учун ўрнатиладиган ҳуқуқий чекловлар тўғрисида”ги қарори билан ваколатли органнинг ҳар бир алоҳида ҳолат учун махсус рухсатномасиз савдо ва савдо-саноат корхоналарини қисман ёки тўлиқ сотиш ва сотиб олиш, ижарага бериш ёки гаровга қўйиш, ўтказиш, топшириш ва қайта топшириш тақиқланди.

Бироқ, янги иқтисодий сиёсат амалга оширилиши билан вазият ўзгариб кетади. Давлатнинг қўлида жуда кўп майда корхоналар тўпланиб уларнинг кўпчилиги хом-ашё ва ишчи кучи етишмаслиги оқибатида тўхтаб қолади. Оғир иқтисодий шароитда давлат бундай корхоналарга ёрдам бериш имкониятига эга бўлмайди. Бу эса тўхтаб қолган корхоналарни ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилинишига туртки бўлди.

Корхоналарни ижарага бериш танлов йўли билан, давлат учун манфаатли бўлган шартлар асосида амалга оширилган. Энг аввало, ижарага бериладиган корхоналар рўйхати тузилган. Қизиқиш билдирган шахслар ва ташкилотлар Халқ хўжалиги Советларига ариза топширган. Аризада корхона номи кўрсатилиб, унга тахминий ишлаб чиқариш дастури, тўланадиган ҳақ миқдори, таъмирлаш учун техник смета ва ҳоказолар илова қилинган. Ҳужжатлар тармоқ кичик

комиссиялар томонидан кўриб чиқилган ҳамда корхоналарга танлов эълон қилинган, минимал топшириқлар ва ижара учун тўланадиган ҳақ миқдорининг бир қисми белгилаб берилган. Агарда бир неча рақобатчилар мавжуд бўладиган бўлса, улар ўртасида кимошди савдоси ўтказилган. Ижарага олувчи танлаб олинганидан сўнг, шартнома имзоланишини таъминлаш мақсадида ундан уч кун муддат ичида аванс ундирилган ва кейинчалик қайтариб берилган. Шартномага кўра, ижарага олувчи ва ижарага берувчи ўз зиммасига тегишли мажбуриятларни олган. Давлат корхонанинг фаолияти учун жавоб бермаган. Ишлаб чиқариш учун ресурсларни ички бозордан ҳам, хорижий бозорлардан ҳам олиш мумкин бўлган. Ижара муддати 12 йилгача белгиланган. Ижаранинг энг кенг тарқалган муддати бир йилдан беш йилгача бўлган муддат ҳисобланган.

1922 йил 31 октябрда РСФСРнинг Гражданлик кодекси қабул қилинганидан сўнг бундай шартномаларнинг шаклига нисбатан қатъий талаблар ўрнатилди: давлат ёки коммунал корхоналарни ижарага олиш тўғрисидаги шартномалар ҳақиқий саналмаслиги хавфи остида нотариал тасдиқланиши, давлат ёки коммунал корхоналарни ижарага олиш тўғрисидаги шартномаларга топшириладиган мол-мулкнинг тўлиқ рўйхати тузиб чиқилиб, мажбурий илова қилиниши лозим бўлган (РСФСР ГК 153-моддаси 1-3-хатбоши).

Национализация ёки муниципализация қилинган корхона ижарага олувчи бир қанча мажбуриятларни зиммасига олишга мажбур бўлган. Биринчидан, ижарага олинган мол-мулкни капитал таъмирлаши, иккинчидан, шартномада кўрсатилган минимумдан паст бўлмаган миқдорда ишлаб чиқаришни амалга ошириши зарур саналган. Бунда ишлаб чиқариш минимуми ва муддатлари шартномани ҳақиқий эмас деб топиш хавфи остида унда ўз ифодасини топган бўлиши керак бўлган. Учунчидан, корхона ижарага олувчи корхона ўз ҳисобидан давлат ёки тегишлилиги бўйича маҳаллий советлар фойдасига тўлиқ суммада суғурта қилдириши лозим эди. Ижара муддати тугаганидан сўнг ижарага олувчи ижарага берувчи

нинг розилиги билан амалга оширилган яхшилашлар учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлиб, ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилган яхшилашлар, агарда мол-мулкдан унга зарар етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, ижарага олувчи томонидан ажратиб олиниши мумкин бўлган.

Дастлаб ижара муносабатларининг салмоқли равишда ривожланишига қарамасдан 1927 йилда уни тўхтатиб қўйишга қаратилган тенденция шаклланди. 1920 йилларнинг охирида вужудга келган маъмурий буйруқбозлик бошқарув тизими учун ижара мутлақо бегона нарсага айланди. 1928-1929 йилларда давлат корхоналарини ижарага беришни дастлаб чекловчи, кейинчалик эса тақиқловчи ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Шу билан хўжалик тизимининг муҳим элементи ҳисобланган ижара мутлақо тақиқланди.

1980 йилларнинг иккинчи ярмига келиб СССР Олий Совети Президиумининг “СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши билан корхоналар ижараси қайта жонланди.

Ижара муносабатлари ривожланишининг кейинги босқичи 1989 йил 23 ноябрда СССР ва Иттифоқдош Республикаларнинг ижара тўғрисидаги қонунчилик Асослари (кейинги ўринларда Асослар) қабул қилиниши билан бошланди. Корхоналар (бирлашмалар) ижараси мазкур ҳужжатнинг махсус бўлимида (16-25 моддаларда) ўз ифодасини топди. Шунингдек, турли даражадаги бўйсунувда бўлган корхоналар (бирлашмалар) ижарасининг ўзига хос жиҳатлари қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Ижара тўғрисидаги янги қонунчиликнинг ўзига хос асосий хусусияти шунда эдики, унга кўра корхоналарни ўзининг меҳнат жамоаси ижарага олиш имкониятига эга эдилар.

Ижарага олинган корхона (бирлашма) мулки асосида ташкил этилган ижара корхонаси хўжалик фаолиятининг тўлақонли субъекти ҳисобланган. Бирок, ижара корхоналари тўла мустақилликни кўлга кирита олмаган. Хусусан, тармоқ бошқаруви тизими томонидан унга нисбатан таъсир ўтказиш давом этган. Масалан, ижара шартномасида ижара корхонасига давлат буюртмаси ва бошқа топшириқларни бажариш, тармоқда ўтказиладиган ижтимоий-иқтисодий тадбирларда иштирок этиш мажбурияти юклатилган. Бундан ташқари, ижара корхоналарига ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг нархини белгилашда мустақиллик берилмаган.

Республикамаизда ижара муносабатларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган “Ижара тўғрисида”ги қонуни алоҳида ўрин тутди. Бу қонун мамлакатимиз халқ хўжалигида ижарани тадбиқ этиш асосларини, ижара муносабатларини жорий этиш мумкин бўлган соҳаларни, ижара муносабатлари субъектларини, ижара шартномасини тузиш шартлари ва тартибини, ижара ҳақини, ижара корхоналари ҳуқуқий мақомини, ички хўжалик ижарасини,



ижара шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалаларини тартибга солиш бўйича муҳим қоидаларни ўзида мужассамлаштирди.

Ушбу қонуннинг 1-моддасида ижара Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ман этилмаган фаолиятнинг ҳамма соҳасида мулкчиликнинг барча шакл ва туридаги мол-мулкка нисбатан қўлланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бу қоидадан кўриниб турибдики, ижара муносабатларини мулкчиликнинг шакли ва туридан қатъи назар иқтисодиётнинг барча соҳаларида жорий этиш имконияти яратиб берилди.

Бундан ташқари, ижара муносабатларининг айрим масалаларини тартибга солишга қаратилган қоидаларни назарда тутган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, жумладан “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларда мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларида деҳқон хўжалиklarининг ердан ижара асосида фойдаланиш тартиби, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ижара ҳақи миқдори, давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхоналарни ижара жамоаларига айлантириш тартиби, чет эл инвесторларининг табиий ресурслардан ва бошқа мол-мулклардан ижара асосида фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Умуман олганда, камчиликлардан ҳоли бўлмаган бу қонунлар мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган “биринчи авлод” қонунлари билан биргаликда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шарт-шароитларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда ижара муносабатларини амалиётга кенг жорий қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилди.

Корхона ижараси муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида гап кетар экан, бунда корхона ижарага бериш шартномасининг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаш лозим. Чунки, айнан мазкур шартнома тадбиркорлар фаолияти субъектлари ва бошқа шахсларнинг корхона ижараси билан боғлиқ муносабатларини ўрнатувчи ҳамда тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам корхона ижарага бериш шартномасига Фуқаролик кодексига алоҳида аҳамият берилган.

Хулоса қилиб айтганда, то шу кунгача бўлган давр мобайнида корхона ижараси муносабатлари тўғрисидаги қонунларни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, шунингдек бу йўналишдаги илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳозирда корхона ижараси муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликнинг ҳуқуқий асослари шаклланди ва ўзининг маълум даражадаги ривожланиш босқичини босиб ўтди. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши шарт-шароитларини

ҳисобга олган ҳолда корхона ижарасининг ҳуқуқий асосларининг ўзига хос тизими яратилди.

Аммо, бу билан корхона ижарасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш жараёни тўхтаб қолмайди. Чунки, ушбу жараён ўз мазмун-моҳияти билан юқорида зикр этилганидек, корхона ижарасининг ўзига хос хусусиятларини ва муайян соҳаларда қўлланиш тартибларини тўла акс эттирган меъёрий ҳужжатларни яратиш ҳамда амалдаги қонунларни такомиллаштириш орқали давом этиши, табиий. Шундай экан, ҳозирги кунда жамиятимизнинг бунга бўлган эҳтиёжи даражасини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш, бунда хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан фойдаланиш ҳамда бу борадаги илмий-назарий ва амалий хулосаларни таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, жамиятимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг объектив қонуниятлари асосида муттасил олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар ҳозирги ўзгаришлар ва янгилашни жараёнида корхона ижарасини тартибга солувчи қонунларни янада такомиллаштиришни, тегишли қонун ҳужжатларида учрайдиган камчиликларни бартараф қилиш ва бўшлиқларни тўлдиришни тақозо этади.

Аслиддин НУРИДУЛЛАЕВ,
юридик фанлар номзоди, доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аренда и арендные отношения в СССР: Учеб. пособие для экон. всеобуча трудящихся / Под ред. В.М. Рутгайзера, А.Д. Берлина, М.И. Семенушкипа. М.: Профиздат, 1990. - С. 24-25.
2. В.В. Витрянский. Договор аренды и его виды: прокат, фрахтование на время, аренда зданий; сооружений и предприятий, лизинг. (Изд. 2-е, испр.) - М.: “Статут”, 2000. - С. 207-208.
3. Ведомости СНД и ВС РСФСР. 1989. №25. Ст. 481.
4. Гончарова Н.В. Правовое положение арендных предприятий и порядок их приватизации. Дисс. канд. юрид. наук. - М., 1994. - С. 20-21.
5. Гайбатова К.Д. Предприятие - объект гражданских прав. Дис... канд. юрид. наук. - М., 2002. - С. 54.
6. Королев В. Аренда в промышленности: уроки 20-х годов и современность // Социалистический труд. 1990. №1. - С. 24.
7. Новицкий И. Б. Основы Римского гражданского права. -М.: Юрид. лит., 1972. -С. 70-72; Медведев С. Н. Основные черты римского частного права. -М.: Юрид. лит., 1978. -С. 18 ва бошқалар.
8. Постановление Совмина СССР от 20.03.1990 г. №280 “О порядке сдачи предприятий (объединений) союзного подчинения и их имущества в аренду” // СП СССР. 1990. №10. Ст. 53; Постановление Совмина РСФСР от 13.04.1990 г. №118 “О порядке сдачи предприятий (объединений) республиканского и местного подчинения и их имущества в аренду” // СП РСФСР. 1990. №14. Ст. 97.
9. Рахмонкулов Х.Р. ЎзР ФКнинг 1-қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1-жилд. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. -Б.30.
10. СУ РСФСР. 1918. №32. Ст. 425.
11. Усмонов М. Б. Теоретические проблемы правового регулирования арендных отношений в сельском хозяйстве. Автореф. докт. дисс., -Т. 1997. -Б. 21.
12. Указ Президиума ВС СССР от 07.04.1989 г. №10277-Х1 “Об аренде и арендных отношениях в СССР” // Ведомости ВС СССР. 1989. №15. Ст. 105.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992, №-1, 45-модда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ЎТАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Давлат хизмати ҳуқуқий институтида давлат хизматини ўташ асосий элемент бўлиб ҳисобланади. Бу давлат-хизмат муносабатларининг юзага келиши билан, яъни хизматчининг тегишли мансабни эгаллаши, мансаб бўйича ҳаракатланиши, хизматчиларнинг аттестацияси, улар фаолиятини рағбатлантириш ва уларнинг жавобгарлиги ҳамда давлат – хизмат муносабатларининг тугаши билан бекор бўлувчи жараёндир. Мазкур муносабатлар асосан давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, шунингдек хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом ва уставлар билан тартибга солинади.

Фикримизча, давлат хизматини ўташ қуйидагиларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборатдир:

- давлат мансабини эгаллаш;
- давлат органлари ходимларининг махсус профессионал тайёргарлиги;
- ўриндошлик;
- хизматчилар томонидан ўзларининг мансаб мажбуриятларини бажариш ва ҳуқуқларини амалга ошириш;
- малака даражалари ва махсус унвонларни бериш тартиби;
- хизматчиларни рағбатлантириш ва уларни жавобгарликка тортиш;
- давлат хизматчиларининг аттестацияси;
- хизмат бўйича ҳаракатланиш;
- хизмат шароитлари;
- давлат хизматчиларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш (кафолат, имтиёз компенсация);
- давлат хизматининг тугаши асослари ва усуллари.

Давлат хизматини ўташ давлат хизмати институтининг асосий элементи бўлиб, унда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳолати амалга оширилади. Давлат хизматини ўташ – сиёсий ва маъмурий давлат мансабларини тўлдирish фаолияти – давлат маъмуриятида мансабларнинг давлат хизматчилари томонидан кетма-кетликда алмашинувини, хизматчиларнинг давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатлари ўзгаришини ўз ичига олади. Ҳар бир давлат хизматчиси индивидуал мансаб хизмат йўналишига эгадир. Шунинг учун ҳам амалда давлат хизматини ўташ ҳам индивидуалдир.

Билдирилган фикрларни таҳлил қилган ҳолда давлат хизматини ўташни қуйидагича таърифлашимиз мумкин. **Давлат хизматини ўташ - бу давлат хизматининг асосий элементи бўлиб, ходимларни давлат хизматига қабул қилиш, давлат хизматчиларининг аттестацияси, уларнинг хизмат бўйича ҳаракатланиши, хизматчилар фаолиятини тартибга солиш ва уларнинг жавобгарлиги, шунингдек, давлат хизмати муносабатларининг бекор бўлиши асосларини ўз ичига олувчи жараёндир.** Яъни, давлат хизматини ўташ давлат – хизмат муносабатларининг юзага келишидан то бу муносабатларнинг тугашигача бўлган жараёни ўз ичига олади.

Юқоридагиларга асосланиб, давлат хизматини ўташнинг ташкил этилишига кўра қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- давлат хизматини ўташ профессионал, яъни давлат олдида турган вазифаларни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир;
- мазкур фаолиятни олиб бориш жараёнида давлат органларининг ваколатлари амалга оширилади;
- бу фаолият давлат органларининг функцияларини таъминлашга қаратилгандир;

- бундай фаолият мансаб мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлайди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мансаб мажбуриятлари давлат хизматига эмас, балки давлат хизматчисига тегишли бўлади.

Профессор Б.В.Литов давлат хизматини ўташнинг турли томонларини кўрсатиб ўтган: жамоавий, ташкилий, ҳуқуқий, шахсий ва технологик. Бу томонларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Жамоавий шакл кўпроқ ижтимоий жиҳатларни акс эттириб, ўзида давлат хизматчилари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат ва конституциявий меъёрларнинг бажарилиши таъминланишини ифодалайди.

Ташкилий шакли ўз ичига давлат хизматини ўташнинг бошланғич даври ва унинг ташкилий жиҳатларини қамраб олади.

Давлат бошқарув органи хизматчиларининг малакаси, унинг хизмат фаолияти давомидаги тўплаган тажрибаси, ўз олдида турган муаммоларни тўғри ҳал қилишдаги қобилиятига қараб давлат хизматини ўташ турли босқичларга ажратилади:

- адаптация (кўникиш) босқичи – бу босқичнинг мазмунини хизматга янги келган ходимнинг ишга кўникиш жараёни, раҳбар ходимлар ва тажрибали хизматчиларнинг уларга кўмаклашуви, янги хизматчи томонидан билдирилган таклиф ёки фикрларга эътиборсиз қарамаслик, уларни рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда янги иш жойига кўникма ҳосил қилишга ёрдамлашиши кабилар ташкил қилади;

- хизмат лавозимини юқори даражада бажариш босқичи учун хизматчига юклатилган лавозимнинг ўзига хос хусусиятлари, вазифалари, бажариш технологиялари, хизмат бурчини бажаришдаги юқори маҳорат борасида чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиши характерлидир. Ходимлар жамоасининг асосини ташкил қилувчи давлат хизматчиларининг бу гуруҳига алоҳида эътибор қаратиш керак. Яъни, уларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш, ўз вақтида вертикал ёки горизонтал жойлаштириш, уларнинг тайёргарлиги ва малакасини ошириш учун етарли шароитлар яратиб бериш, энг асосийси, айнан шу ходимлар ҳисобига кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг хизмат бўйича ўсишига ёрдамлашиши лозим. Бу эса ўз навбатида улар томонидан ўз хизмат вазифаларини виждонан ва ҳалол бажаришларига туртки бўлади;

- инновация босқичи ўз ичига давлат хизматчиларининг алоҳида гуруҳини қамраб олиб, бу гуруҳга мансуб шахслар юқори интеллектуал қобилиятлари, хизмат давомида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда ўзига хос ёндашиш ёки фикрга эга бўлишлари, бошқарув фаолиятига ўзгартириш киритиш йўлида изланишлари, янгиликка интилишлари, бошқарув соҳасида туб ўзгаришларни амалга оширувчи таклифлар беришлари билан ажралиб турадилар;

- давлат хизматини ўташнинг якунловчи босқичи. Бу босқич давлат хизматини тугаши асосларини ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.

Элеонора АВЕЗОВА,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

ТИББИЁТ ХОДИМИНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШДА СУҒУРТА МУКОФОТИ, ТОВОНИ ВА СУҒУРТА ПУЛИ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада тиббиёт ходимининг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш шартномасида суғурта мукофоти, суғурта товони ва суғурта пулини белгилашнинг ўзига хос жиҳатлари, тартиб-қоидалари, аҳамият қаратиш лозим бўлган асосий масалалар ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада суғурта мукофоти миқдорини аниқлаш учун суғурта таърифларининг аҳамияти, суғурта таърифларини белгилашда инobatга олиш лозим бўлган омиллар ҳақида фикр билдирилган.

Калит сўзлар: *тиббиёт ходимининг касбий жавобгарлиги, тиббиёт ходимининг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси, суғурта мукофоти, суғурта товони, суғурта пули, суғурта таърифлари.*

Тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш беморларга етказилган зарар учун суғурта тўловларини тез ва тўлиқ олиш имконини беради. Ушбу суғурта тури тиббиёт муассасаларининг жабрланувчилар билан низоларини мустақил ҳал қилиш жараёнида кўрган харажатларини камайтириш ва қоплашга қаратилган. Суғуртанинг ушбу тури билан низоларни судгача ҳал қилиш судларнинг иш юқини камайтиради. Бу тиббиёт ходимларида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бўлган ишончли таъминлайди, уларга ўзларининг касбий фаолияти доирасида муайян беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, замонавий тиббий технологиялар ютуқларидан фойдаланган ҳолда энг самарали қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Аммо, ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг етарли даражада қонуний тартибга солинмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш билан боғлиқ муносабатлар кенг авж олмаган. Шунинг учун ҳам ушбу суғурта шартномасида айнан қандай махсус қоидалар бўлиши кераклиги ва нималарга аҳамият бериш лозимлиги бўйича норматив-ҳуқуқий база мавжуд эмас. Суғурталанган шахсни ва шартнома шартларини белгилаш билан боғлиқ барча масалалар томонларнинг келишувига қолдирилганлиги сабабли бу ҳар доим ҳам ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари манфаатларига тўлиқ жавоб бермайди.

Қонунчилигимизга кўра, суғурта шартномасининг амалга ошиши учун аввало, суғурта мукофотининг тўланиши шарт. Суғурта шартномасининг кучга кириши бўйича қоидалар фуқаролик ҳуқуқидаги шартномалар имзоланган пайтдан бошлаб амал қилади, деган умумий қоида билан бир хил эмас. Фуқаролик кодексининг 947-моддасида суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти биринчи бадал тўланган пайтда кучга кириши, шунингдек агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, келишув суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 915-моддасига кўра, фуқаролик жавобгарлиги хавфининг суғурталаниши бўйича шартномалар мулкий суғурта шартномаси ҳисобланади. Мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси

шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкки манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Ушбу қоида тиббиёт ходимининг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасининг таърифига мослаштирадиган бўлсак, тиббиёт ходимининг касбий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси — суғурталовчи суғурта ҳодисаси вужудга келганда келишилган тўлов (суғурта мукофоти) юзасидан тиббиёт ходимига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига шартномада назарда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини суғурта суммаси доирасида қоплаш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси ҳисобланади.

Тиббиёт ходимининг касбий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шакли ҳақида гапирадиган бўлсак, замон талабидан келиб чиқиб, барча шартномаларни ёзма шаклдан ташқари электрон шаклда тузиш имкониятлари ҳам яратилмоқда.

Демак, вақт ўтиши билан суғурта жараёнида технологияларнинг ҳам роли ортиб бормоқда, бу эса кейинчалик электрон суғурта шартномаларининг ҳам аҳамияти ошишига сабаб бўлади. Шунга кўра, тиббиёт ходимининг касбий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси ёзма ва электрон шаклда тузилишини назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Суғурта шартномасининг яна бир муҳим қоида суғурта тарифидир. Мамлакатимизда мажбурий суғурта учун суғурта тарифлари давлат томонидан қонунчилик ҳужжатлари билан қатъий белгилаб қўйилади.

Айрим хорижий давлатларда суғурта тарифлари билан боғлиқ ёндашувлар бизникидан фарқланади. Хусусан, Россия Федерациясида тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлик суғуртасига нисбатан қўлланиладиган тарифлар давлат томонидан тартибга солинмайди. Суғурта ташкилотлари ушбу масалага мустақил равишда ёндашадилар, тегишли тариф йўриқномаларини ишлаб чиқадилар ва уларни ваколатли мансабдор шахс ёки бошқарув органи томонидан келгусида фойдаланиш учун тасдиқлайдилар.

Шунингдек, Россияда таъриф ставкаси келиб чиқадиган суғурта ҳодисасининг ҳолатига қараб ҳам фарқланади. Масалан беморга ташхис қўйиш, даволанишни ўтказишда хатолик туфайли зарар етказилганда асосий тариф миқдори қолганлардан сезиларли даражада фарқ қилади.



Хорижий давлатларда суғурта тарифларини белгилаш бўйича турли амалиёт мавжуд бўлсада, ammo суғурта тарифлари бўйича базавий ставкаларнинг суғурта ҳодисасига қараб фақланиши лозимлиги тўғрисидаги фикрлар ва амалиёт асослидир. Чунки, бизнингча ҳам тиббиёт ходимининг айби билан енгил зарар кўрган бемор билан оғир асоратларга дучор бўлган беморга тўланадиган суғурта товони миқдорига фарқ бўлиши лозим.

Халқаро тажрибадан келиб чиқиб таклиф қилишимиз мумкин-ки, бизнингча суғурта тарифларининг базавий ставкалари қуйидагиларни инобатга олиб белгиланиши лозим:

Тиббиёт ходимининг касбий тажрибаси ва малакаси; кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг турлари; тиббий ёрдам кўрсатилишида зарар етказиш эҳтимоли; етказилган зарарнинг ҳажмига таъсир этувчи бошқа омиллар.

Масалан, суғурта ҳодисаси келиб чиқиш эҳтимоли юқори бўлган тиббий ёрдам турлари, айтилик жарроҳлик амалиёти билан шуғулланувчи тиббиёт ходимлари учун суғурта ставкалари бошқаларига қараганда юқорида белгиланиши мумкин.

Бундан ташқари, тиббий фаолият учун жавобгарликни суғурта қилиш шартномасини тайёрлаш доирасида суғурта пули ва жавобгарлик чегаралари белгиланиши керак. Суғурта пулининг миқдори тиббиёт муассасасининг ихтисослигига, тиббиёт ходимларининг сонига ва зарар етказиши мумкин бўлган беморларнинг сонига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”-ги Қонунига кўра, суғурта товони (суғурта тўлови) — суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қилдирувчига, суғурталанган шахсга (наф олувчига) ҳар бир суғурталанган шахс учун суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси ҳисобланади.

Шунингдек ушбу Қонунда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаш бўйича қуйидагича қоидалар белгиланган:

“Суғурталовчи суғурта шартномасида кўрсатилган шахсга фақат суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаши шарт.

Суғурталовчи қуйидагиларга ҳақли эмас:

агар у суғурта шартномасида ёки қонунда кўрсатиб ўтилган суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги далилларни олган бўлса, суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлашни рад этишига;

агар суғурта ҳодисасининг юз бериши суғурта қилдирувчининг (суғурталанган шахснинг ва (ёки) наф олувчининг) суғурта ҳодисаси юз беришига қаратилган қасддан қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан бўлса, суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлашига. Бундай ҳолда суғурталовчи тўланган суғурта мукофотини қайтармайди.

Тарафларнинг келишувига кўра, суғурталовчи зарарларни тўлиқ ҳисоб-китоб қилгунича қадар суғурта товонининг бир қисmini тарафлардан бирортаси ҳам низолашмайдиған миқдорда тўлаши мумкин”.

Навбатдаги масала тиббиёт ходимининг касбий жавобгарлигини суғурталашда суғурта пули масаласидир. Ушбу суғурта пулининг миқдорини белгилашда ҳам турли ҳил давлатларда турли ёндашувлар мавжуд. Масалан АҚШда суғурта пулига таъсир этувчи омиллар сифатида қуйидагиларни инобатга олишди:

Амалиёт тури. Юқори хавfli мутахассисликлар (масалан, жарроҳлик, акушерлик) учун одатда юқори суғурта пули тўланади.

Амалиёт доираси. Кўрилган беморлар сони ва бажарилган муолажалар хавф даражасига таъсир қилади.

Географик жойлашув. Тиббий хатолик хавфи штат қонунлари, иқлим ва аҳоли зичлигига қараб фарқ қилиши мумкин.

Даъволар тарихи. Тиббиёт ходимининг устидан олдин қилинган даъволар тарихи суғурта пули миқдорига таъсир қилиши мумкин.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, суғурта тарифларининг базавий ставкаларини белгилашда тиббиёт ходимининг касбий тажрибаси ва малакаси, кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг турлари, тиббий ёрдам кўрсатилишида зарар етказиш эҳтимоли, етказилган зарарнинг ҳажмига таъсир этувчи бошқа омиллар инобатга олиниши лозим.

Мазкур суғурта шартномасининг кучга кириш вақти суғурта мукофоти ёки биринчи суғурта бадали тўланган пайт ҳисобланиб, ушбу хусусиятига кўра бу шартнома консессуал шартнома турига қиради.

Суғурта товони миқдорини аниқлашда эса келиб чиқадиган суғурта ҳодисасининг бемор учун хавfliлик даражасига боғлиқ ҳолда белгиланиши лозимлиги бўйича амалиёт кўплаб ривожланган давлатларда мавжуд.

Шунингдек, суғурта пулини тўлашда ҳам кўплаб омиллар инобатга олинади, масалан тиббиёт ходими томонидан тақдим этилаётган амалиёт тури, ушбу амалиётнинг доираси, тиббий хизмат амалга оширилган жойнинг географик жойлашуви ҳамда тиббиёт ходимига нисбатан қилинган даъволарнинг тарихи қабилар.

Шоҳсанам Исломулова,
ТДНУУ таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.В.Воропаев, И.А.Воропаева, Ю.С.Исаев. Страхование профессиональной ответственности медицинских работников. Основы медицинского права и этики. Сибирский медицинский журнал, 2006, № 2. С. 104-106.
2. Дедиков С.В. Договоры имущественного и морского страхования: сравнительное исследование / С.В. Дедиков. – С. 28.
3. Завражский Александр Валерьевич. Анализ отечественного и зарубежного опыта страхования профессиональной ответственности медицинских работников. file:///C:/Users/STUDENT/Downloads/analiz_otchestvennogo_i_zarubezhnogo_opyta_strahovaniya_professionalnoy%20(2).pdf
4. Закон Республики Казахстан от 1 июля 2003 года № 446-ІІ. Об обязательном страховании гражданско-правовой ответственности владельцев транспортных средств. Available at: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1041172&pos=5;-106#pos=5;-106.
5. Kozinov, A.E. Sushestvennie usloviya dogovora strahovaniya grajdanskoy otvetstvennosti po rossiyskomu zakonodatelstvu: dis. ... kand. yurid. nauk: 12:00:03 / Kozinov Aleksandr Yevgenevich; Rossiyskiy gosudarstvenniy sotsialniy universitet. – M. 2011. – S. 51.
6. О.Ю.Красильников, Риски страхования профессиональной ответственности медицинских работников. <http://risk2021.sgu.ru/files/Agenda2021.pdf>
7. Rodwin, M. A. Why the medical malpractice crisis persists even when malpractice insurance premiums fall [Текст] / M. A. Rodwin, J. Silverman, D. Merfeld // Health Matrix. – 2015. – № 15. – P. 163-226.
8. Степанов И.И. Опыт теории страхового договора / Степанов И. – Казань: Унив. тип., 1875. – С. 14.
9. Frakes, M. D. The Surprising Relevance of Medical Malpractice Law / M. D. Frakes // University of Chicago Law Review. Forthcoming – 2014. Available at: https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2410426# (дата обращения 04.02.2019).
10. Четырус Евгений Игоревич. Страхование гражданско-правовой ответственности за причинение вреда: дис. ... канд. юрид. наук: 12:00:03, Москва-2015.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.10.2021 й., 07/21/5265/0992-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 декабрдаги 694-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги низоом //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.12.2022 й. 09/22/694/1068-сон.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ўзбекистон ва Туркия прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва ҳуқуқий мақоми илмий-амалий таҳлил қилинган. Прокуратура органларининг мустақиллиги масаласида изланиш олиб борган миллий ва хорижий олимлар фикрлари муҳокама қилинган. Шунингдек, прокуратуранинг моҳиятига кўра, ушбу органнинг у ёки бу ҳокимият тармоғига мансуб бўлмаган, мустақил, ҳокимиятлар ўртасидаги оқилона мувозанатни таъминлайдиган давлат органи эканлиги ҳақидаги қарашлар илмий асослантирилган.

Калит сўзлар: ҳокимият, қонунийлик, прокуратура, механизм, ислохотлар.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият барпо этиш шароитида прокуратура органлари алоҳида ўрин тутди. Чунки, улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида қонунийлик ва ҳуқуқий изчилликка эришишда муҳим рол ўйнайди.

Прокуратура ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ваколатларга эга давлат органидир. Бинобарин, у ижтимоий ҳаётни тартибга солиш ва жамиятда ҳуқуқий хулқ-атвори таъминлашда алоҳида ўрин тутди.

Прокуратуранинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги мақоми масаласида илмий адабиётларда турли хил ёндашувлар илгари сурилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда прокуратура фаолиятига ва унинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги мақомига оид масалаларни тадқиқ этиш ишига М.Махбубов, З.Ибрагимов, Б.Пўлатов, Ф.Отахонов, И.Джасимов, А.Халимов каби ҳуқуқшунос олимлар катта ҳисса қўшганликларини алоҳида эътироф этиш лозим бўлади. Хусусан, ҳуқуқшунос олимлар Ф.Отахонов ва И.Джасимовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратурага алоҳида боб бағишланган. Бу давлат механизмида прокуратуранинг махсус конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва унинг юқори даражадаги ижтимоий ўрни борлигидан ҳамда у бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фарқли равишда конституциявий орган эканлигидан ҳамда прокуратура ҳуқуқий мақомининг бундай юксак даражада белгиланиши кейинчалик унинг имкониятлари ва қонуний ваколатларидан давлат суверенитети ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида муваффақиятли фойдаланишга замин яратди.

Чунончи, бир гуруҳ олимлар прокуратура институтининг ижро ҳокимиятига мансублигини таъкидлашади. Масалан, рус ҳуқуқшунос олими Н.Федоров прокуратуранинг ташкилий жиҳатдан ижро этувчи ҳокимият таркибига киритишни таклиф қилади. Бунда у чет эл мамлакатларининг аксариятида прокуратура ҳокимиятининг ижро этувчи органлари таркибига киришини далил қилиб келтиради. Шу каби, яна бир гуруҳ олимлар ва амалиётчилар прокурор ваколатлари маъмурий ва императив хусусиятга эга эканлиги сабабли уни ижро этувчи ҳокимиятга мансублигини таъкидлашади.

Иккинчи гуруҳга мансуб олимлар эса прокуратуранинг давлат ҳудудида қонунлар ижроси ва ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлигини текширганлиги учун ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўзига хос қисми сифатида кўради. Жумладан, В.Ломовский прокуратура қонун чиқарувчи ҳокимият остида бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Чунки бир томондан, қонунлар қабул қилинганидан кейин олий қонун чиқарувчи ҳокимият уларнинг бажарилишига бефарқ қараб туролмайди. Шунинг учун, у қонунийликнинг бирлигини таъминлаш функциясини сақлаб қолади, уни бевосита прокуратура органлари орқали амалга оширади. Бошқа томондан қараганда прокуратура ушбу муаллиф ёзганидек, ўзига юклатилган вазифаларни “ёлғиз” бажара олмайди, уни қўллаб-қувватлаш зарур. Боиси у аксарият ҳолларда “энг кучли одамларга” қаршилик кўрсатиши керак бўлади, шу сабабли прокуратура қонун чиқарувчи ҳокимият остида бўлиши зарур ҳисобланади.

Фикримизча, юқоридаги ҳар иккала гуруҳ олимлар Россия ҳуқуқ тизими ва амалиётидан келиб чиққан ҳолда ўз илмий қарашларини баён қилишган бўлиб, бу қарашлар бизнинг миллий ҳуқуқ тизимимизга унчалик ҳам мос келмайди. Чунки, биринчи гуруҳ олимлар прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат билан боғлиқ фаолиятига етарлича эътибор қаратмаган бўлсалар, иккинчи гуруҳ олимлар, аксинча, ушбу фаолиятга кўпроқ ёндашиб, прокуратуранинг жинойий таъкибни амалга ошириш ва одил судловга кўмаклашиш каби вазифаларига тўхталиб ўтишмайди.

Шу каби, мазкур мавзуда илмий тадқиқот олиб борган бир қатор миллий ҳуқуқшунос олимлар З.Исломов, М.Раджабова, Ғ.Алимов, А.Махмудовлар прокуратура давлат ҳокимиятининг ҳеч қайси тармоғига кирмаслигини қайд этишади.

Жумладан, профессор З.Исломов прокуратура ўз функциялари мазмунига кўра қонун чиқарувчи ёки ижро ҳокимиятига мансуб бўла олмаслигини таъкидлаган бўлса, М.Раджабованинг фикрига кўра, прокуратура юқоридаги иккита ҳокимиятдан фарқли равишда қонунларнинг аниқ ва бир хилда қўлланишини назорат қилувчи давлат ҳокимият органи ҳисобланади.

Шунингдек, А.Махмудов ҳам Ўзбекистонда ҳам прокуратура ҳокимиятининг бирон-бир тармоғига киритилмаган ҳамда прокуратура ўз фаолиятини қонун чиқа-

рувчи, суд ва ижроия ҳокимиятидан мустақил амалга оширади, деган фикрни илгари суради.

Фикримизча, ушбу олимларнинг прокуратуранинг ҳеч қайси ҳокимиятга мансуб бўлмаган, ўзига хос, мустақил, ҳокимиятлар орасидаги оқилона мувозанатни таъминлайдиган институт эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларини ҳуқуқий жиҳатдан ва прокуратуранинг тарихий шаклланиш моҳиятига кўра тўғри деб ҳисоблаш мумкин.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш жоизки, мамлакатда давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда демократлаштириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш учун прокуратура органларининг куч ва имкониятлари тўлиқ сафарбар қилинди.

Статистик маълумотларга кўра 2023 йилда прокуратура органлари томонидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 134 мингга яқин назорат ҳужжатлари қўлланилиб, 321 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланган. Назорат тадбирлари ва дастлабки тергов давомида айбдор шахслардан фуқароларга ва давлат манфаатларига етказилганлиги аниқланган 2,3 трлн. сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланган. Бевосита прокурорлар саъй-ҳаракати билан қисқа муддатда 163 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилага ҳар томонлама кўмак берилган, 177 минг нафардан зиёд ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланган. Тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш, экспорт ҳажмини ошириш каби иқтисодиёт ривожига доғдат йўналишларда тизимли тадбирлар амалга оширилиб, қарийб 12 минг нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган, 26 минг нафардан ортиғига муаммоларини бартараф этишда кўмаклашилган. Ўтказилган назорат тадбирларида ўзбошимчалик билан эгалланганлиги аниқланган 2 702 гектар ер майдонлари захирага қайтариллиши таъминланган, шунингдек, 12 733 гектар ер майдонларини талон-тароҳ қилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 664 та жиноят иши қўзғатилган.

Судларда фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан, жиноят ишлари бўйича судларнинг қарийб 2 500 нафар шахсга оид қарорлари ёки бундай суд ҳужжатларининг деярли 60 фоизи айнан прокурорлар протестлари асосида қонунга мувофиқлаштирилган. Фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларнинг 1000 га яқин қарорларининг қонунга мослаштирилишига ҳам прокурор протестлари асос бўлган.

Ўз навбатида, юқоридаги рақамлар Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва ролининг нақадар

юқори эканлигини кўрсатади, назаримизда. Шу билан бирга, мазкур кўрсаткичлар эндиликда прокуратура жазоловчи орган эмас, балки давлат ва жамият манфаатларини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи органга айланганлигидан далолат беради.

Шу ўринда давлат ҳокимияти тизимида Туркия Республикаси прокуратурасининг ўрни ва ҳуқуқий мақомига тўхталганда ушбу мавзуга доир илмий изланишлар бир қатор олимлар, жумладан Dr. Hüseyin Şik, Ali Selim Genç, Nurcan Gündüz томонидан олиб борилганлигини эътироф этиш лозим бўлади.

Ўзбекистон ва Туркия прокуратураларининг давлат ҳокимияти органлари орасида тутган ўрни уларнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқади. Бунда, назаримизда, айрим фарқли жиҳатлар кўзга ташланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратурага алоҳида – XXV боб (143-146-моддалар) ажратилган бўлиб, 143-моддага биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. Демак, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми давлатнинг энг асосий Қонунида ўз аксини топган ва шу жиҳатга кўра, конституциявий мақомга эга саналади.

Шаклан ва мазмунан яхлит умумлашган бундай конституциявий мақом – прокуратура ҳуқуқий мақомининг асос-моҳияти бўлиб, ўзида, биринчидан, прокуратура фаолияти тўғрисидаги конституциявий нормаларни қамраб олади, иккинчидан, мазкур нормаларда ҳокимиятнинг бўлиниши ва ўзаро таъсири механизмида прокуратура органларининг ўрни, роли ҳамда вазифаларини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юклаган функцияларни бажариш бўйича ваколатларни мустаҳкамлаб қўяди. Прокуратурага бундай конституциявий мақомнинг берилиши прокуратура органларининг самарали фаолият юритишини ва мустақиллигининг муҳим фактори ҳисобланади.

Туркия Республикаси Конституциясида прокуратурага оид нормалар 3-бўлим – “Суд ҳокимияти” бўлимида ёритилган. Бундан эса Туркияда прокуратура суд ҳокимиятининг бир бўлаги сифатида кўрилиши кундек равшан бўлади. Туркия прокуратура органлари ўз фаолиятини кўпроқ Европа модели асосида ташкил этган одил судловни таъминлаш ва жиноий таъқиб (тергов)ни амалга ошириш органи ҳисобланади.

Аммо, баъзи адабиётларда келтирилишича, ўзининг ноёб тузилмаси, суд ва ижро ҳокимияти ўртасидаги кўп-рик ролини ўйнашига қарамай, прокуратура ижро этувчи ҳокимият таркибига қиради. Прокуратура ижро ҳокимияти таркибидаги маъмурий институт ҳисобланади. Назаримизда, мазкур фикрлар билан келишиб бўлмайди, чунки кўплаб тадқиқотчиларнинг қайд этишича, Туркия прокуратураси судья ва прокурор бажарадиган вазифаларнинг бир-бирига ўхшаш ва чамбарчас боғлиқлиги туфайли ҳам суд ҳокимияти таркибига киритилгандир. Суд ҳокимияти фақат судьялар ва судлардан иборат эмас, одил судловга хизмат қилишни мақсад қилган прокуратура органлари

хам бу борада муҳим вазифаларни бажарадилар. Қонун чиқарувчи прокурорга суд ходими сифатида қарайди, шу сабабли прокуратура институти Туркия Конституция-сининг ижро ҳокимияти бўлимида эмас, балки суд-ҳуқуқ бўлимида тартибга солинади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарур бўлган яна бир муҳим жиҳат шундаки, прокуратура низони ҳал қилиш бўйича якуний қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлма-са-да, у амалга оширадиган тергов ва айблов вазифаси катта аҳамиятга эга. Судлар даъво кўзғата олмайдилар, даъво кўзғатиш ваколати фақат прокуратурага тегишли саналади.

Шунингдек, Туркияда прокуратура жиноят процес-сининг тергов ва таъқиб қилиш босқичларида фаол иштирок этади. Тергов бошланган пайтдан бошлаб айб-лов хулосаси қабул қилингунга қадар давом этадиган босқичда прокурор тергов фаолиятини ҳам ўзи, ҳам на-зорати остидаги суд полицияси орқали амалга ошира-ди. Ушбу ваколатни амалга ошираётганда у гумон қили-нувчининг фойдасига ва унга қарши барча далилларни тўплаши ва адолатли судловни таъминлаш учун барча талабларни бажариши, гумон қилинувчининг ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиши ва ҳурмат қилиши шарт. Айблов босқичида прокурор адолатли судловни таъминлашга максимал даражада ҳисса қўшади ва зарур ҳолларда айбланувчини оқлашни сўрайди. Прокурорнинг асосий вазифаси маҳкумни айблаш эмас, балки унинг адолатли судланишига ёрдам беришдир.

Тергов босқичида прокурор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар тўғрисида судьянинг қарорига муҳтож бўлиб, бунинг учун у судга мурожаат қилади. Фавқулодда вазиятлар-да прокурор баъзи суд жараёнларини ҳам амалга оши-риши мумкин, бироқ кейинчалик барибир ўз қарорла-рини тасдиқлаш учун судьяга тақдим этишга мажбур. Прокурор “терговнинг эгаси” ҳисобланса-да, суд назо-ратига бўлади. Прокурорнинг судьяларга нисбатан ўх-шаш ҳуқуқларга эга бўлиши унга алоҳида ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқини бермайди, чунки прокурор судья ҳисобланмайди.

Прокурор суд ҳайъати ҳал қилув қарори — ҳукмни муҳокама қилганда, прокурор мазкур махфий музока-рада иштирок эта олмайди. У худди ҳимоячи каби суд мажлисида фақат ўз фикрини билдириш билан чеклана-ди, холос.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар, илмий-на-зарий қарашларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги ху-лосаларга келиш мумкин:

биринчидан, прокуратуранинг моҳиятига кўра, ушбу органнинг у ёки бу ҳокимият тармоғига мансуб бўлмаган, мустақил, ҳокимиятлар ўртасидаги оқилона мувозанатни таъминлайдиган давлат органи эканлиги ҳақидаги қарашлар тўғри ҳисобланади;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси прокура-тура органлари Ўзбекистон ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи ягона конституциявий давлат ор-ганидир;

учинчидан, давлат ҳокимияти органлари тизимида Туркия Республикаси прокуратура органлари одил суд-ловни таъминловчи орган сифатида катта ҳажмдаги вазифаларни бажариб, суд ҳокимиятининг ажралмас таркибий қисми саналади.

Туркия прокуратураси ўз фаолиятини Европа модели асосида ташкил этиб, одил судловни таъмин-лайди ва жинсий таъқибни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомидан фарқли тарзда Туркия прокуратура органла-ри конституциявий мақомга эга эмас.

Уринбой АБДУОЛИМОВ,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “...anayasal devlet düzeni içerisinde yürütmeye yakın olarak nitelendirilse de fonksiyon olarak adalet organına yakın olarak kabul edilen Cumhuriyet Savcılığı makamının...” 19. C.D., T. 14.06.2017, E. 2016/12980, K. 2017/5711 (UYAP, 04.11.2017).
2. Бессарабов В.Г Место прокуратуры в государственном механизме современной России. // Законность, 1999, № 10. – С. 40-45.
3. Джасимов И.К. Қонун устуворлигини таъминлаш прокуратуранинг муқаддас бурчидир // “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси”, 2022, №1 (49). – Б. 47.
4. Исламов З.М. К какой власти отнести прокуратуру? – “Народное слово”, 3 июля 2003 года.
5. Ломовский В.Д. Какой власти принадлежит прокуратура. // Российская юстиция. 2001, № 9. – С. 21-22.
6. Маматов Х. Прокуратура органлари – қонун устуворлигининг кафолати, халқ манфаатларининг ҳимоячиси // “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси”, 2022, №1 (49). – Б. 54.
7. Махмудов А.А. Прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва мустақиллиги асослари // “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси”, 2022, №1 (49). – Б. 51.
8. Назаров Ф.А. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини стратегик ривожлантиришнинг истиқболлари: магистр даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: 2021. – Б. 17.
9. Пўлатов Б.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратура ва унинг такомиллашуви // “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ахборотномаси”, 2021, №4 (48). – Б. 4.
10. Раджабова М.А. Ҳуқуқий давлатчилик сари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – Б. 22-24.
11. Саидов А.Х. Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг ўрни // “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси”, 2022, №1 (49). – Б. 14.
12. “Savcıların yargılama fonksiyonu dışında, yasalarla verilmiş idari görevleri de bulunduğundan, yaptıkları idari görevler nedeniyle ve bu kapsamda tesis edilen işlemlerden dolayı Adalet Bakanlığının sorumlu tutulabileceği açıktır. Ne var ki, idari yönden Adalet Bakanlığına bağlı olan, ancak, yargılama görevi kapsamında yürüttükleri hizmet nedeniyle Adalet Bakanlığı'nın ajani konumunda olmayan savcıların verdiği kararlardan dolayı, yürütme fonksiyonu içinde yer alan Adalet Bakanlığı'nın sorumlu tutulmasına olanak bulunmamaktadır....ceza yargılamasında savcılık, iddia görevini yerine getiren, gereğinde sanığın haklarını da gözeten bir yargılama makamı olması yanında, yargılama faaliyeti içinde fiilen ve hukuken yer alan bir unsur olarak da kabul edilmektedir. İdari görevlerinin varlığı savcılığın aynı zamanda yargılama görevlerinin varlığına kabule engel değildir. Nitekim hâkimlerin de idari görevleri vardır ve bu görevler yargısal görevlerini ortadan kaldırmamaktadır. Dava açılması ve buna ilişkin iddianamenin düzenlenmesi tümüyle yargısal faaliyetlerdir.” Y.H.G.K., T. 07.10.2009, E. 2009/4-361(Bidayet), K. 2009/399 (UYAP, 01.03.2016).
13. Tuğrul Katoğlu, “Savcılık Üzerine Düşünceler”, Süliyeliler Birliği Dergisi, C. 19, S. 177, 1995, – S. 21. Benzer yönde Yargıtay kararı için bkz. “İddia görevinin idariliği ilkesi gereğince dava açma ve yürütme görevleri idari nitelikte kabul edilmektedir.” 19. C.D., T. 14.06.2017, E. 2016/12980, K. 2017/5711 (UYAP, 04.11.2017).
14. Uyuşmazlık Mahkemesi Dergisi - Yil 7, Sayı 14, Aralık 2019. – S. 405.
15. Ünver ve Hakeri, Ceza Muhakemesi Hukuku, – S. 198.
16. Федоров Н.В. О судебной реформе в России // Государство и право. 1992. №6.
17. <https://www.prokuratura.uz/#/newsview?id=8633>. (мурожаат вақти: 13.06.2024 йил).
18. <https://legalns.com/download/books/cons/turkey.pdf?ysclid=lx72uuhyg603174247>. (мурожаат вақти: 06.06.2024 йил).

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДА БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада бола ҳуқуқларини таъминлаш масаласини АҚШ, Германия, Япония, Франция, Англия ва Хитой каби ривожланган давлатлар мисолида ёритишга ҳаракат қилинган. Муаллиф бола ҳуқуқларини таъминлашда ҳар бир ривожланган давлатнинг ёндашуви, ҳуқуқий тизими, унинг ютуқлари, афзалликлари билан бирга камчиликлари, шунингдек амалга оширилаётган кенг қамровли сиёсат ва стратегиялар, конституциявий қоидалар ва қонунчилик асосларидан тортиб, ижтимоий дастурлар ва таълим соҳасидаги ташаббуслар орқали комплекс чора-тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш механизмлари ва эришилаётган натижаларни ёритишга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: бола, ҳуқуқ, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, болалар ўлими, шахсий ҳуқуқлар, тиббий суғурта, профилактик ёрдам.

Ривожланган хорижий мамлакатларда болалар ҳуқуқларининг ҳуқуқий асосларини ўрганар эканмиз, ҳар бир давлат болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўзига хос стратегияларни амалга ошираётганлиги, масалан айрим мамлакатлар одатда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида болалар ҳуқуқларини таъминлашга эътибор қаратаётган бўлса, айримлари болалар ҳуқуқларини суиистеъмоллардан ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳаётига таъсир қилувчи қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришни назарда тутаётганлигини кўришимиз мумкин.

Бунга ҳар бир мамлакатда болаларнинг ҳимояси ва фаровонлигини таъминлашга ўзига хос ёндашув ҳамда ўзларининг ижтимоий ҳаёт тарзи, тегишли ҳуқуқий асослари ва маданий нормалари доирасида ишлаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Америка Қўшма Штатлари ва Германия шахсий ҳуқуқлар ва автономияларга устувор аҳамият берса, Япония ва Хитой коллективизм ва ижтимоий тотувликка эътибор беради.

Бошқа томондан, Франция ва Англия болалар ҳуқуқларини уларнинг оилавий ва ижтимоий муҳити билан бир қаторда қадрлаш орқали янада яхлит ёндашувни қўллайди. Бу хилма-хил ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичга эга ривожланган мамлакатларда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мураккаблиги ва динамикалигини очиб беради.

Жумладан, Франция ўзининг ёш аҳолиси фаровонлигини таъминлаш учун болаларни ҳимоя қилиш бўйича мустақам хизматлар ва таълим дастурларини яратди. Англиянинг “Болалар ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунчилиги барча болаларнинг хавфсизлиги ва ривожланишини таъминлашга қаратилган қоидаларни ўзида мужассамлаштирган.

Қўшма Штатларда болаларни зўравонлик ва бепарволикдан ҳимоя қилишга қаратилган “Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва даволаш тўғрисида”ги қонун мавжуд.

Худди шундай, Германияда ҳам болаларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва зўравонликдан ҳимояланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар қабул қилинди.

Япония эса “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияни ратификация қилиш ва бошқа бир қатор халқаро шартномалар орқали болалар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг мустақам тизимига эга бўлди.

Хитой “Оилани режалаштириш сиёсати” ва “Болалар меҳнатига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларни амалга киритиш орқали болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклини яратишга ҳаракат қилмоқда.

Бизнинг фикримизча, мазкур масалани ривожланган давлатларда болалар меҳнатини тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари, тиббиёт ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти, бола ҳуқуқларини таъминлашда оиланинг ўрни, имконияти чекланган болаларни таълимга жалб қилиш, болаларни ҳимоя қилиш хизматлари, мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш масалалари ва шартлари, умумий таълим имкониятлари каби мезонлар асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ривожланган мамлакатларда бола ҳуқуқларини таъминлашнинг энг устувор йўналиши сифатида бепул ва мажбурий таълимни кафолатлаш, комплекс ўқув дастурларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган алоҳида ғамхўрликка муҳтож болалар учун инклюзив таълимни ривожлантириш орқали болаларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши учун қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, келгусида болаларни шахсий ва касбий муваффақияти учун зарур бўлган муҳим амалий кўникмалар беришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, мазкур ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимида ривожланиш кузатилсада, баъзан фарқланишлар ҳам кузатилади. Мазкур фарқлар асосан ўқув дастурига ва стандартлаштирилган тестларга бўлган ёндашув ҳамда таълимни ташкилий бошқарув жараёнларида кўзга кўринади.

Қўшма Штатларда болалар ҳуқуқлари Конституция ҳамда турли федерал ва штат қонунлари доирасида ҳимоя қилинади. АҚШ болалар фаровонлигини таъминлашнинг глобал стандарти бўлиб хизмат қилувчи БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 25 майдаги 54/263-сон резолюцияси билан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли факультатив баённома”си ҳамда Бош Ассамблеянинг 2000 йил 25 майдаги 54/263-сон резолюцияси билан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив баённома”сини ратификация қилиш орқали эришмоқда.

Мамлакатда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳамда қаровсизлик каби муаммоларни ҳал қилиш учун “Болалар бюроси” ва “Болаларни ҳимоя қилиш хизматлари” каби муассасалар ташкил этилган.

Қўшма Штатларда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш ва тенг таълим имкониятларини таъминлайдиган 1974 йилда қабул қилинган “Болаларга зўравонлик қилишнинг олдини

олиш ва даволаш тўғрисида"ги қонун (CAPTA) ва "Ногиронлиги бўлган шахсларга таълим тўғрисида"ги қонун (IDEA) мавжуд.

Худди шундай, Францияда 1959 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилиниб, 1989 йилда қабул қилинган "Болаларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун болаларга нисбатан зўравонлик, қаровсизлик ва эксплуатациянинг олдини олиш учун муҳим чораларни кўради. Ушбу қонун билан болалар ҳаёти ва фаровонлигини оширишда муҳим восита бўлиб, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий кафолатлар ва актларнинг устунлиги тан олинган.

Франция, шунингдек, 1996 йилда Европа Кенгаши доирасида қабул қилинган "Болалар ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида"ги Европа конвенциясини ҳам имзолаган.

Ушбу қонунчилик ҳужжатлари мамлакат бўйлаб болаларнинг эҳтиёжлари ва ҳуқуқларини таъминлаш учун турли жиҳатларини, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотни ўз ичига олади. Бундан ташқари, Франциянинг таълим тизими болалар ҳуқуқларининг муҳимлигини, тенглик, ҳурмат ва ёшлиқдан инклюзивликни тарғиб қилувчи кенг қамровликка асосланади.

Англияда болалар ҳуқуқлари, биринчи навбатда, уларнинг фаровонлиги ва ривожланишини таъминлашга қаратилган қонунлар ва давлат дастурлари орқали ҳимоя қилинади. 1989 йилда қабул қилинган "Болалар тўғрисида"ги қонун болаларни ҳимоя қилиш, таъминлаш ва уларнинг жамият ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайдиган асосий қонунчиликдир.

У маҳаллий ҳокимият органлари ва мутахассисларга болалар фаровонлигини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш учун кенг қамровли асосни тақдим этади. Бундан ташқари, БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси асосида Англияда болалар ҳуқуқларини амалга оширишда яхлит ёндашув дастурлари сиёсий қарорлар ва муҳим амалий ишлар ривожланишига таъсир кўрсатди. Жумладан, 2004 йилда "Болалар тўғрисида"ги қонунга киритилган тўлдиришга мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органлари, полиция ва соғлиқни сақлаш хизматларини ўз ичига олган қатор идоралар ўз вазифаларини бажаришда болаларнинг фаровонлигини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш зарурлигини ҳисобга олишлари шарт (11-бўлим). Худди шундай мажбурият ўзга қонун ҳужжатлари билан бошқа таълим ва тарбия муассасаларига юкланган.

2017 йилги "Болалар ва ижтимоий иш тўғрисида"ги қонун билан 2004 йилги "Болалар тўғрисида"ги қонунга янги ўзгаришлар киритиб, болалар фаровонлигини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришнинг янги маҳаллий механизмларини ўрнатди. Янги тартибларнинг асосий хусусияти шундаки, хавфсизлик бўйича учта ҳамкор - маҳаллий ҳокимият органлари, NHS Integrated Care Boards (ICBs) ва полиция кучлари - ўз ҳудудларида хавфсизлик чоралари қандай ишлашини аниқлаши ва фаолиятини мувофиқлаштириб бориши ҳамда бир-бирининг олдида ҳисобдорлиги белгиланди.

Айтиб ўтиш лозимки, АКШ, Франция, Германия, Англия ва бошқа уларга қўшни мамлакатларда болалар ҳуқуқлари масаласи классик қарашлар асосида шаклланган ва ривожланмоқда. Бунга биргина мисол ушбу мамлакатларда тунги вақтда алкоголь ичимликларни сотиш жойлари чекланган бўлиб, вояга етмаганларга алкоголь маҳсулотини сотиш ва истеъмол қиладиган жойларга кириш тақиқланган.

Осиё мамлакатлари орасида етакчи саналган Хитойда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ислохотлар ва турли чора-тадбирлар натижасида болалар меҳнати, таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқий ҳимоя каби соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган муайян қонунчилик тизими яратилиб, сиёсий-ижтимоий жиҳатдан уларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари яратилди.

Бироқ, бола ҳуқуқларига оид Хитой ёндашувининг ҳам ўзига хос кучли ва заиф томонлари мавжуд бўлиб, бу мазкур давлатнинг демографик ўсиш суратлари, географик жойлашуви, чекка ҳудудларнинг ривожланиш динамикаси билан боғлиқ. Айнан мазкур омиллар сабабли айрим ҳолларда айниқса, болалар меҳнати, таълим олиш имконияти ва зўравонликдан ҳимояланиш соҳаларида муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хитой таълим тизими юқори баҳоланади ва мамлакат ёшлари келажагини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Таълим тузилмаси академик мукамалликка ва характерни ривожлантиришга қаратилган қатъий ўқув дастурига амал қилади.

Хитойлик талабалар ўзларининг кучли иш ахлоқи ва стандартлаштирилган тестларда юқори кўрсаткичлари билан машҳур. Ҳукумат таълимга катта эътибор қаратмоқда ва ўқитиш сифати, моддий-техник базасини яхшилаш бўйича ислохотларни амалга оширмоқда. Бироқ, талабалар дуч келадиган кучли босим ва рақобат таълим тизимидаги мустақил ижодкорликнинг етишмаслиги каби хавотирларни келтириб чиқармоқда.

Яна бир муҳим қадам сифатида айтиш лозимки, Хитой ҳукумат кенгашининг 2023 йил 24 октябрдаги қарорида вояга етмаганларни кибермаконда ҳимоялашнинг 60 та моддадан иборат янги механизмлари 2024 йил 1 январдан кучга кириши белгиланди. Унга кўра эндиликда кибермаконда болаларнинг шахсий маълумотларини ҳимоялашга оид давлат органларининг мажбуриятлари аниқлаштирилиб, кибермаконда болалар учун зарарли бўлган маълумотларни жойлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Бизнингча, ушбу киритилган қоидалар келгусида болаларнинг кибермакондан унумли ва мақсадли фойдаланишлари ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Японияда болалар ҳуқуқлари уларнинг фаровонлиги, ҳимояси ва ривожланишини таъминлашнинг кафолатлари сифатида турли қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бир қатор халқаро конвенциялар ратификация қилинган.

Япония Конституцияси ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча болалар учун тенг имкониятларни кафолатлайди.

Шунингдек, 2024 йил 19 июндан бошлаб Японияда "Болаларни жинсий тажовузлардан ҳимоялаш тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Мазкур қонун болаларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаб бериш билан бирга, маҳаллий бошқарув органларининг ваколатлари ва мажбуриятлари чегарасини аниқлаштириб берди. Шунингдек, мазкур қонунда асосий эътибор зўравонлик, қаровсизлик ва эксплуатациянинг олдини олишга қаратилиб, болалар ҳуқуқларини барча жабҳаларда, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш ва зўравонликдан ҳимоя қилишни кафолатлаш билан бирга ёш авлод ҳуқуқларига устувор аҳамият бериб, уларга адолатли муносабатда бўлишни, барчани болалар ва ёшларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, фаровонлиги ва ривожланишини қадрлайдиган жамиятни шакллантиришга қаратилган.

Япония таълим соҳасида дунёдаги энг илғор мамлакатлардан бири ҳисобланади, чунки бу ерда юқори рақобатбардош ва қатъий ўқув дастурига эга бўлган академик ютуқлар ва интизомга катта эътибор берилиб, талабалар ўрта мактабга ҳам, университетга ҳам кириш имтиҳонларини топширишлари керак, бу эса ўз ўрнида болани кучли бўлиши билан бирга оғир стрессли босқичларни босиб ўтишига олиб келиши мумкин.

Айтиб ўтиш лозимки, ривожланган мамлакатларда болалар ҳуқуқларини таъминлашнинг алоҳида устувор йўналишларидан бири бу имконияти чекланган болаларни таълимга жалб қилиш масаласидир.

Ногирон болаларни таълимга жалб қилиш масаласи “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг барча шахслар учун тенг имкониятлар ва ҳуқуқларни таъминлашга оид тамойилларини амалга оширишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

АҚШ, Германия, Франция, Англия, Хитой ва Япония каби ривожланган хорижий давлатлар инклюзив таълимни ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришмоқда. Бу мамлакатлар ногирон болаларнинг сифатли таълим олишига имкон яратиш ва бу тизимни доимо ривожлантириш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид бир қатор ислохотларни амалга оширмоқда.

Айрим ўринларда болалар яққалиниб қолишларининг олдини олиш мақсадида уларнинг умумий синфларда таълим олишлари, ижтимоий интеграцияни йўлга қўйишлари орқали қобилиятлари ёки ногиронлигидан қатъи назар барча болалар билан тенг таълим олиши ва рақобатлаша олишига бўлган ўз ишончини ортишига оид тартиблар ва шароитларни яратмоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасида болалар ҳуқуқларини таъминлаш турли ёндашувларга эга.

Ўзининг бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган соғлиқни сақлаш тизими билан машҳур бўлган Қўшма Штатлар тенг фойдаланиш ва арзон нархларни таъминлашда муаммоларга дуч келмоқда, бу эса болалар саломатлигини таъминлашда номуносивибликни келтириб чиқаради.

Мажбурий тиббий суғуртани амалга оширувчи Германия ва Япония болаларга профилактик ёрдам кўрсатишга устувор аҳамият беради.

Франция ва Англия эса универсал соғлиқни сақлаш тизимларига эга бўлиб, болалар учун умумий бўлган бирламчи ва алоҳида тоифадаги яъни қўшимча кўмак ва парваришга зарур бўлган болалар учун махсус тиббий ёрдамни ўз ичига олган кенг қамровли тиббий хизматлар тизимини йўлга қўйган.

Давлат томонидан бепул таълим ва соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий ҳимоянинг кафолатланганлиги Германияда истиқомат қилаётган ҳар бир бола фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқ сифатида тан олиниши яна бир ўзига хосликни англатади. Шунингдек, мазкур соҳада энг самарали НТТлар фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, уларга давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан бирга таъқиқланмаган ҳар қандай маблағларни жалб қилиши ва болаларнинг эҳтиёжлари учун сарфланишига оид содда ва қулай ҳуқуқий механизмларнинг яратилганлиги алоҳида таҳсинга сазовор.

Германияда бошқа ривожланган давлатларга нисбатан ҳам болаларнинг ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқининг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳам кенгроқ ва аниқроқ мустаҳкамланганлигини, шунингдек бу ҳуқуқни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий тартиблари аниқлаштирилганлигини кўришимиз мумкин.

Германияда бола ҳуқуқларини таъминлашнинг энг илғор тартиблари жорий қилинган бўлишига қарамадан ушбу мамлакатда ҳам бир қатор камчиликлар кўзга ташланади. Жумладан, халқаро ҳамжамиятнинг ваколатли органлари томонидан Германия асосий қонунида болалар ҳуқуқларини БМТ “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясининг 3- ва 12-моддалари талабларига мувофиқлаштириш, шунингдек бола ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан тузиладиган ҳисоботларни халқаро конвенцияларда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишига мувофиқлаштириш юзасидан тавсиялар берилган.

Бизнингча, бундай камчиликлар барча, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам учрайди. Чунки, ҳар бир давлат аввало миллий манфаатлар ва миллий қадриятлар асосида болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш, кейинчалик эса халқаро ҳамжамият ва халқаро ҳуқуқий-ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлаштиришга ҳаракат қилади. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг умумий ягона ечимига келишнинг ҳозирча имкони топилмаётганга ўхшайди. Бироқ давлатлараро муносабатларнинг яқинлашуви ва умуммиллий манфаатларни ифодаловчи иттифоқларнинг вужудга келиши билан мазкур муаммолар бартараф этилиши мумкин.

Ушбу муаммонинг яна бир муҳим сабаблари илдинини бола ҳуқуқлари борасида билимлар ва малакаларнинг ҳудуд, минтақа, давлатлар ва қитъалар ўртасидаги тафовутларнинг мавжудлиги билан ҳам изоҳлашимиз мумкин.

Шунингдек, бола ҳуқуқларини таъминлаш ва мониторингини олиб боришнинг ягона услубий кўрсатмаси мавжуд эмаслиги, ваколатли халқаро органлар ҳар бир давлат ва минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини инобатга олиш каби омиллар ҳам сабаб бўлмоқда.

Шахноза ГАНИБАЕВА,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Décret n°90-917 du 8 octobre 1990 portant publication de la convention relative aux droits de l'enfant, signée à New York le 26 janvier 1990 (1). <https://national-policies.eacea.ec.europa.eu>.
2. National CRC Monitoring Mechanism Children's Rights into the Basic Law Questions on the current legislative proposal for Article 6 (2) of the Basic Law Factsheet, January 2021
3. OCR does not enforce the IDEA; however, OCR does enforce the Rehabilitation Act of 1973, Section 504 and Americans with Disabilities Act of 1990, Title II rights of IDEA-eligible students with disabilities.
4. Children Act 1989 is up to date with all changes known to be in force on or before 22 April 2024. There are changes that may be brought into force at a future date. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1989/41/contents>.
5. Children Act 2004 is up to date with all changes known to be in force on or before 26 April 2024. There are changes that may be brought into force at a future date. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2004/31/contents>.
6. The Child Abuse Prevention and Treatment Act (CAPTA) with amendments made by sec. 133 within Title I of the Trafficking Victims Prevention and Protection Reauthorization Act of 2022, P.L. 117-348, enacted January 5, 2023. <https://www.acf.hhs.gov/sites/default/files/documents/cb/capta.pdf>
7. There are currently no known outstanding effects for the Children and Social Work Act 2017. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2017/16/contents>
8. Филатов. А. Китай обнародовал меры по защите детей в Интернете // <https://www.chinadaily.com.cn/a/202306/09/WS6482d759a31033ad3f7bb6db.html>.
9. Хершельман М. Защита прав детей в Германии (правовые проблемы) // Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Юриспруденция. 2018/ №3.
11. <https://news.am/rus/news/829916.html>.
10. <https://www.humanium.org/en/the-protection-of-children-in-france>.

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Қиёсий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлат хизматчилари, жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданияти маънавий-ахлоқий меъёрларни қонун ҳужжатларига интеграциялаш орқали шакллантирилади. Ушбу амалиёт жазо чораларини чеклайди ва қонунга риоя қилишни ички ахлоқий компас орқали таъминлайди. Евроҳуддаги давлатлар ва АҚШ бу ёндашувга мисолдир.

Ҳарбий офицерларда маданиятлараро компетенцияни ривожлантириш кўп маданиятли муҳитда самарали ижтимоий мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик учун жуда муҳимдир. Мазкур компетенция бағрикенглик, тенглик ва ахлоқий қарорлар қабул қилишни таъкидлайдиган таълим дастурлари орқали шакллантирилади. Ривожланган мамлакатларда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг ҳуқуқий маданияти ҳар томонлама таълим моделлари, маънавий-ахлоқий меъёрлар интеграцияси ва узлуксиз касбий малакасини ошириш орқали шакллантирилмоқда. Бу чора-тадбирлар ҳарбий хизматчиларнинг нафақат қонунчиликка риоя қилишини, балки юксак интизом ва ахлоқий меъёрларни ҳам ўзида мужассам этишини таъминлайди.

Америка Миллий гвардиясида ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳуқуқий маданиятни ўргатиш стандарт ҳарбий тайёргарлик билан бир қаторда хилма-хиллик, тенглик ва инклюзивликни бошқариш учун кенг қамровли ёндашувларни ўз ичига олади. Миллий гвардия бюросининг хилма-хиллик, тенглик ва инклюзивлик бошқармаси штатлар ва ҳудудлар бўйлаб ҳарбий ва фуқаролик ходимларига таъсир кўрсатадиган сиёсат ва дастурларни бошқариш ҳамда амалга оширишда марказий вазифани бажаради.

Маданиятлараро тайёргарлик Миллий гвардия учун таълим тизимининг муҳим қисми бўлиб тил, минтақавий тажриба ва маданий қобилиятларни ривожлантиришга урғу беради. Ушбу тренинг муайян мамлакатлар ёки операциялар учун мослаштирилган маданиятга хос компонентларни ва турли маданий шароитларда қўлланиладиган билим ва кўникмаларни таъминлайдиган умумий маданият компонентларини ўз ичига олади. Мудофаа вазирлиги армиянинг турли соҳаларида ушбу имкониятларни оширишга қаратилган кўплаб ташаббуслар ва марказларни яратди.

2016 йилда ташкил этилганидан бери Россия Миллий гвардиясида анъанавий ҳарбий тайёргарликни ички хавфсизлик операцияларида қўлланиладиган ҳуқуқий стандартларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда бирлаштирган тизим ишлаб чиқилди.

Миллий гвардияни тайёрлаш режимининг эътиборга молик жиҳатларидан бири “ҳарбий-сиёсий иш”нинг киритилиши бўлиб, у Совет давридаги амалиётга ўхшаш мафқуравий тарбияни ўз ичига олади. Бу Миллий гвардия фаолиятининг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини мустақкам тушуниш, Россия федерал қонунчилигига содиқлик ва риоя қилишни кучайтиришга қаратилган. Таълимнинг ушбу шакли Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини ва сиёсий барқарорликни сақлашдаги икки томонлама ролини таъкидлайди, бу унинг шахсий таркибининг ҳуқуқий ва мафқуравий асосларини мустақкамлаш бўйича кенгрок стратегияни акс эттиради.

Бундан ташқари, Россия Миллий гвардияси турли хил ички қўшинлар ва махсус полиция бўлинмаларини бирлаштириш учун тузилган бўлиб, улар тарихан интизом ва ҳуқуқий меъёрларга

риоя қилишга катта эътибор қаратган. Ушбу бўлинмаларни Миллий гвардияга бирлаштириш қўмондонлик тузилмаларини соддалаштириш ва Россия хавфсизлик аппарати ичидаги ролларнинг тақдорлигини камайитириш, шу билан унинг операциялари самарадорлигини ва қонуний мувофиқлигини оширишга қаратилган.

Ушбу таълим ва ташкилий стратегияларнинг асосий мақсади хавфсизликнинг анъанавий муаммоларини ва янада мураккаб ҳуқуқий — сиёсий вазифаларни ҳам ҳал қилишга қодир кучларни яратишдир. Бундай ёндашув нафақат Миллий гвардияни қонунни самарали татбиқ этишга тайёрлайди, балки унинг ҳаракатлари замонавий хавфсизлик кучларидан кутилаётган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга асосланишини ҳам таъминлайди.

Франция Миллий гвардияси аъзолари ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш заҳирадаги аскарларга ҳарбий хизматнинг ҳуқуқий ва маданий асосларини тушунишга ёрдам берадиган турли хил ўқув ва операция тажрибаларни ўз ичига олади. Миллий гвардиянинг заҳирадаги аскарлари нафақат ҳарбий ролларга тайёрлаш, балки ҳарбий қонунчиликка биноан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунишларини таъминлаш учун мўлжалланган тренингдан ўтадилар.

Заҳирадаги ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлиги бир қатор юридик фанларни, жумладан, ҳарбий ҳаракатларни тартибга солувчи қондалар ҳамда уларнинг роли билан боғлиқ ахлоқий масъулиятни ўз ичига олади. Ушбу ҳуқуқий таълим жисмоний ва тактик тайёргарликка қаратилган кенгрок ўқув дастурларига киритилган. Миллий гвардия ҳарбий хизматчилар дуч келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун қонунчилик билан тартибга солинадиган махсус компенсациялар ва имтиёзлар беради. Бунга давлат хизматининг бандлигини тартибга солувчи умумий низомида кўрсатилган ҳарбий хизматга оид турли хил нафақалар ва компенсациялар киради.

Бундан ташқари, Миллий гвардия турли хил ижтимоий қатламлардан бўлган заҳирачиларнинг интеграциялашувига урғу бериб, уларнинг роли билан бирга келадиган ҳуқуқий ҳимоя ва мажбуриятларни таъкидлайди. Бу заҳирадаги аскарларнинг ҳарбий кийимда ҳам, ундан ташқарида ҳам ҳаракатларининг қонуний оқибатларидан хабардор бўлишини таъминлашни ўз ичига олади. Мақсад нафақат миллий хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшадиган, балки улардан кутилган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни ҳурмат қиладиган ва уларга риоя қиладиган ҳар томонлама ривожланган заҳирадаги ҳарбий хизматчиларни тайёрлашдир.

Ривожланган мамлакатларнинг ҳарбий хизматчилари, шу жумладан Миллий гвардия ёки унга тенглаштирилган қўшинларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича тажрибаси жуда хилма-хил бўлса-да, бир қатор умумий ёндашув ва методология-

ларга эга. Қуйида бир нечта ривожланган мамлакатлар амалиётига асосланган айрим умумий жиҳатларга эътибор қаратамиз:

Таълим дастурлари: кўпгина ривожланган мамлакатлар ҳарбий таълимнинг асосий таркибий қисми сифатида ҳуқуқий тайёргарликни ўз ичига олган қатъий таълим дастурларига урғу беради. Ушбу тренинг кўпинча уруш қонунлари, миллий ва халқаро ҳуқуқий стандартлар, инсон ҳуқуқлари ва жанговар ҳаракатлар қоидаларини қамраб олади. Масалан, Қўшма Штатларда ҳарбийлар профессионал ҳарбий таълимнинг барча даражаларида ҳуқуқий тайёргарликни бирлаштиради ва Миллий гвардия аъзолари оддий кучлардаги ҳамкасблари каби ҳуқуқий тайёргарликдан ўтадилар.

Юридик маслаҳатчиларнинг интеграцияси: ривожланган мамлакатлар кўпинча юридик маслаҳатчиларни ҳарбий қисмларга киритадилар. Америка Қўшма Штатлари каби баъзи мамлакатларда судья адвокатлари сифатида танилган ушбу юридик мутахассислар операциялар миллий ва халқаро қонунларга мувофиқлигини таъминлаш учун доимий юридик маслаҳат ва тренинглар беради. Ушбу амалиёт ҳарбий кучларда қонунийлик ва жавобгарлик маданиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Мунтазам янгиланишлар: ҳуқуқий таълим бир марталик тадбир эмас; у ходимларни янги қонунлар, сўнги ҳуқуқий прецедентлар ва мажбурият қоидаларидаги ўзгаришлар бўйича янгилаш учун доимий тренинг машғулотларини ўз ичига олади. Бу қонун ва ҳарбий операцияларнинг динамик табиати туфайли ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Симуляция ва суд машқлари: кўпгина ҳарбийлар ўзларининг машғулотларига симуляциялар ва суд машқларини киритади. Ушбу тадбирлар ҳарбий хизматчиларга назорат остида, аммо реал муҳитда ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш амалиётини ўтказишга ёрдам беради ва шу билан уларнинг ҳуқуқий зехнини ҳамда ҳаётий иш жараёнларига тайёргилини оширади.

Ошқоралик ва жавобгарлик механизмлари: ҳарбий ҳаракатларда шаффофликни таъминлаш ва ходимларни ўз ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиш мустаҳкам ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда кўпинча ҳарбий қонунлар ва халқаро гуманитар ҳуқуқнинг бузилиши ҳақида хабар бериш, кўриб чиқиш ва таъқиб қилишининг яхши ўрнатилган тизимлари мавжуд.

Ахлоқий хулқ-атвор маданиятини рағбатлантириш: қаттиқ ҳуқуқий тайёргарликдан ташқари, кўпинча ахлоқий қарорлар қабул қилиш ва ахлоқий мулоҳазаларга урғу берилади. Бундай ёндашув ҳарбий хизматчиларга нафақат “қонун мактаби”, балки “қонун руҳи”ни ҳам тушунишга ёрдам беради.

Халқаро ҳамкорлик ва стандартлар: кўпгина ривожланган давлатлар халқаро форумларда қатнашадилар ва ўзларининг ҳарбий ҳуқуқий маданиятларини халқаро нормаларга мослаштиришга ёрдам берадиган илғор тажриба ва стандартларни қабул қиладилар. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликпарвар миссияларида қатнашиш кўпинча муайян ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга риоя қилишни талаб қилади.

Фикр-мулоҳаза ва баҳолаш тизимлари: муваффақиятли қайта алоқа ва баҳолаш тизимлари ҳуқуқий таълим дастурлари самарадорлигини баҳолаш ва зарур тузатишлар киритишда ёрдам беради. Бу, шунингдек, ҳуқуқий таълимни ҳарбий хизматчиларнинг амалий эҳтиёжлари ва тажрибасига мослаштиришга хизмат қиладиган соҳадаги фикр-мулоҳазаларни ўз ичига олади. Ушбу амалиётлар ҳарбийлар, жумладан, Миллий гвардия таркибида қо-

нунийлик, тартиб-интизом ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Ҳар бир давлат ушбу тамойилларни ўзининг ҳуқуқий анъаналари, ҳарбий тузилмаси ва ўзига хос операцион талабларига мувофиқ мослаштиради.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган маданий-маиший тадбирлар уларни хизмат вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу нафақат ҳуқуқий билимларни узатишни, балки ҳарбий хизматчиларга олинган билимларни ўз хизматларида онгли равишда қўллашга ёрдам берадиган билишга оид кўникмаларни ривожлантириш, ахлоқий фазилатлар ва муносабатларни шакллантиришни ҳам ўз ичига олади.

Ушбу жараённинг хусусиятларига қуйидагилар киради:

Ўз-ўзини ташкил этиш: муддатли ҳарбий хизматчилар зарур ҳуқуқий билимларни олишда кўпроқ ўзини-ўзи ташкил этишлари мумкин, чунки улар ўз хизмат вазифаларини муваффақиятли бажариш учун бу муҳимлигини тушунадилар.

Ахлоқий ва ватанпарварлик императивларининг устуворлиги: ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий нормалар ва қадриятларга тайёрлаш ва мослаштириш ҳарбий хизматнинг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ бўлган ахлоқий ва ватанпарварлик тамойилларига асосланади.

Субъектив ўзаро таъсир: маданий ва дам олиш тадбирлари доирасида ҳарбий жамоа аъзолари ўртасида ўзаро таъсир ва ҳамкорлик муҳитини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ижтимоий-маданий қадриятлар ҳамжамиятини шакллантиришга ёрдам беради ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу хусусиятларнинг барчаси муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш учун самарали шарт-шароит яратишга хизмат қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, хизмат вазифаларини янада сифатли бажаришга, қуролли кучлардаги интизом ва касбий маҳорат даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Оила, ҳарбий ва таълим тизимлари каби ижтимоийлашув институтларида ҳуқуқий маданиятга эътибор бериш жуда муҳимдир. Ушбу муассасалар ёшларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантиришда пойдевор бўлади. Бу эса ўз навбатида уларнинг масъулиятли ва мустақил вояга етган шахс сифатида жамият ҳаётига самарали ҳисса қўшишига хизмат қилади. Бундай шароитларда ҳуқуқий маданиятни мустаҳкамлаш ҳуқуқий нормаларга ҳурмат ва риоя этилишини таъминлаш, янада яхлит ва тартибли жамиятни шакллантиришга туртки бўлади.

Зафар КУВОНДИКОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Тошкент минтақавий ўқув маркази
ўқитувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bland, M. (2015). Military Justice: Legal and Ethical Considerations. *Defense Legal Journal*, 12(3), 45-67.
2. Carter, H. (2018). Legal Culture in the Armed Forces: A Comparative Analysis. *International Military Law Review*, 23(1), 89-104.
3. Jackson, T. (2019). Integrating Legal Training in Military Education. *Journal of Defense Studies*, 15(2), 121-139.
4. Smith, J. (2020). Ethics and Legal Compliance in the National Guard. *Military Ethics Quarterly*, 9(4), 34-56.
5. https://www.researchgate.net/publication/342137396_Legal_Culture_of_Public_Servants_The_Comparative_Legal_Analysis_of_the_Formation_Practices_of_Various_Countries.



Камол НАМАЗОВ,
Қашқадарё вилоят суди
раисининг ўринбосари,
Фуқаролик ишлари бўйича
судлов ҳайъати раиси.

НИКОҲДАН АЖРАТИЛГАНДА БОЛА КИМДА ҚОЛАДИ?!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида оила жамиятнинг асосий бўлини ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши белгиланган. Конституциянинг 77-моддасида эса “Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар” дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 73-моддасида ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эгаллиги ва тарбиялаши шартлиги, ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгарлиги, улар ўз фарзандларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида гамхўрлик қилишлари шартлиги кўрсатилган.

Ҳаёт доим бир хил ўтмаслиги ҳаммага аён бўлиб, бугунги кунда арзиманган сабаб билан оилавий ажримлар бўлиб, уларнинг ўрталаридаги фарзанд тарбияси ва уни ким қарамоғига олишлиги, фуқаролик судларида болани олиш ҳақидаги фуқаролик ишларини кўришда муаммоли ҳолатлар юзага келмоқда.

Бугунги кунда баъзи қўштирноқ ичидаги эркакларимиз ўз аёлларини чет элга ишга жўнатиб, ўзлари фарзандни қарамоғига олиб қолиб, турмуш ўртоғи чет элга кетган вақтида уни алиментга ҳам бериб, турмуш ўртоғи чет элдан келган вақтда Ўзбекистон Республикасига кириши билан Мажбурий ижро бюроси ходимлари билан дуч келмоқда.

Қашқадарё вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати суди томонидан 2024 йил олти ойи мобайнида ота ёки она ўз боласини қарамоғига ва тарбиясига олиш ҳақидаги фуқаролик ишлари таҳлил қилинганда туманлараро судлари томонидан жами 95 та фуқаролик ишлари кўриб чиқилгани маълум бўлди. Ушбу ишларнинг 45 таси қаноатлантирилган, 22 таси рад этилган, 22 таси кўрмасдан қолдирилган, 6 таси иш юритишдан тугатилган.

Ҳозирги кунда болани ота билан яшашлиги ёки она билан яшашлиги суд жараёнида энг долзарб вазифаларидан биридир. Мазкур ҳолатда судьядан чуқур илмий ва психологик билим ва бой тажриба талаб қилинади.

Сабаби, ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариш лозим.

Бунда суд ота-онани бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи унга болани олиб бериш учун асос бўладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олган ҳолда, боланинг ота-онани, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғлиқ қолганлигини, ота-онани қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ гамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшларини ва ота-онани қайси бирига кўнгли кўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онанинг маълумоти тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини эътиборга олиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган суддаги барча низоларни кўришда уларнинг ҳимояси юзасидан ким томонидан даъво кўзғатилганлигидан қатъи назар, ишда иштирок этиш учун жойлардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказидаги болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари жалб қилиниши лозим. Қайд этилган орган даъво тақдим қилмаган бўлса, у суд томонидан давлат бошқарув органи сифатида ўзига юклатилган мажбуриятларини бажариш мақсадида хулоса бериш учун процессда иштирок этишга жалб қилинади.

Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаларининг, даъво талабларининг моҳияти бўйича хулосасини суд бошқа иш материаллари билан биргаликда баҳолаб, хулоса билан келишмаганлиги суд томонидан иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорига асослантирилган бўлиши лозим.

Қонунчиликда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда болаларни ҳимоя қилиш шўъбаларининг асослантирилган хулосалари олинишидан келиб чиқиб, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан ушбу шўъба мудирларини ишга қабул қилишда ёки доимий фаолият олиб бораётган шўъба мудирларининг бой тажрибаси ва психологик билим даражаларини доимий ўрганиб бориши лозим.

Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиши таъминлаш мақсадида, судлар, муайян низонинг хусусиятларини эътиборга олиб, уларни кўришга пухта тайёрлашлари керак. Болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини, мактабдан таърифномани, нотинч оиланинг назорат қилинганлиги тўғрисидаги материалларни, болаларни ҳимоя қилиш шўъбаларининг мудир тасдиқлаган васийлик ва ҳомилийк органларининг асослантирилган хулосасини, шунингдек болаларнинг тарбияланиш шароитларини ва ота-онани таърифловчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш лозим.

Болаларнинг фикрини, уларнинг тарафларга бўлган муносабатини аниқлаш, болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари томонидан болаларнинг яшаш шароитини текшириш вақтида амалга оширилиши, иш ҳолатларига кўра суд томонидан болани сўраш зарур деб топилса, бундай сўровни боланинг ёшларини ва ривожланганлигини эътиборга олиб, педагог қатнашувида, унга манфаатдор шахслар таъсир этмайдиган вазиятда амалга ошириши лозим. Даъвогар А.Д. ФИБ Шаҳрисабз туманлараро судига даъво аризаси бериб, жавобгарлар Р.А. ва Р.З. ларга нисбатан ўз фарзандини олиб бериши сўраган.

ФИБ Шаҳрисабз туманлараро судининг 17.01.2024 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар А.Д. нинг даъво аризаси қаноатлантирилиб, жавобгарлар Р.А. ва Р.З. лар тарбиясидан вояга етмаган фарзанди 10.09.2018 йилда туғилган Ф.Д. ни онасини тарбияси ва қарамоғига олиб берилган.

Жавобгар Р.А. томонидан Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилган апелляция шикоятда даъвогар яъни келини тарбиясига ва унинг уйида болани тўла қонли баркамол инсон қилиб тарбиялашига ишончи йўқлигини ваз қилиб келтирган.

Лекин, апелляция судлов ҳайъати ишни кўриш жараёнида даъвогарнинг жами 2 нафар фарзанди борлигини, бир нафари ўзининг қарамоғида эканлигини, болаларни бир-бирдан алоҳида яшаб тарбияланиб келадиганлиги келгусида болаларнинг психологиясига таъсир кўрсатиши мумкинлиги, уларнинг бир жойда ва биргаликда онасининг қарамоғида тарбияланиши уларнинг маънавий жиҳатдан камол топишига кўмак бериши, фарзандларининг бир-бирдан йироқда ва алоҳида яшашлари уларнинг ўзаро бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатдан узилиб қолиши мумкин бўлган ҳолат ҳисоблангани, қолаверса даъвогар тарбиясига бериш зид эканлигини тасдиқловчи бошқа бирон-бир далиллар тақдим этилмаганлиги сабабли, суд мазкур фуқаролик иш юзасидан ФИБ Шаҳрисабз туманлараро судининг 2024 йил 17 январдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, келтирилган апелляция тартибдаги шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

СУД ИНСТАНЦИЯЛАРИ: МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

2023 йил 27 сентябрида “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан 2024 йил 1 январидан апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларини жорий қилиш белгиланганди.

Биринчи инстанция судининг ҳукмлари, ажримлари устидан дастлаб апелляция тартибида, агар апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, қонуний кучга кирган ҳукмлар, ажримлар устидан кассация тартибида шикоят ё протест бериш, апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмлар, ажримлар устидан эса, тафтиш тартибида шикоят ё протест бериш, шунингдек, тафтиш тартибида тақроран шикоят ёки протест билдириш юзасидан илтимоснома билан мурожаат қилиш имкони яратилди.

Бундан ташқари, ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят ёки протест бериш муддати йигирма суткадан ўн суткага қисқартирилди. Шунингдек, жиноят ишини кассация ва тафтиш тартибида кўриш натижалари юзасидан янги оқлов ёки айблов ҳукми чиқариш ваколатлари берилди.

Муҳими шуки, ана шу янгиланишлар натижасида судда ҳар бир иш бўйича якуний ҳулосага келишга эришилади.

Айтиш керак-ки, қонунга киритилган ушбу ўзгартиришларга мувофиқ, тафтиш тартибидаги шикоят ёки протест туман (шаҳар) судларида апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ҳукмлар, ажримлар устидан, шунингдек, туман (шаҳар) судлари томонидан кўрилган иш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг апелляция ёки кассация тартибида чиқарилган ҳукмлари, ажримлари устидан Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларига берилса, туман (шаҳар) судларининг апелляция, кассация ёки тафтиш тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари устидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича чиқарилган ҳукмлар, ажримлар ва улар юзасидан чиқарилган апелляция ёки кассация инстанциясининг ҳукмлари, ажримлари устидан эса, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади.

Шу билан бирга, Олий суд раиси ва Бош прокурор Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш тартибида чиқарилган ҳукмлари, ажримлари устидан Олий суднинг Раёсатига тафтиш тартибида тақроран кўриб чиқиш учун протест билдиришлари мумкин.

Бу ҳуқуқ маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларининг фуқаровий даъвогар дахлдор қисми устидан, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳамда ишда тараф бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан илтимосномаларини кўриб чиқиш натижалари бўйича таъминланади.

Ташкилий тузилиши жиҳатидан судлар бир-бири билан бўгин тушунчаси билан, бажарадиган вазифалари жиҳатидан эса инстанция тушунчаси билан боғлиқ бўлади. Суд инстанцияси суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ у ёки бу вазифани бажарувчи (ёки унинг таркибий тузилмаси) ҳисобланади. Биринчи инстанция суди деб мазкур иш юзасидан асосий масалаларни мазмунан кўриб чиқишга ваколатли бўлган судга айтилади. Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция суди айбланувчи шахснинг жиноятни содир этишда айбдор ёки айбдор эмаслиги ва унга жазо тайинлаш масаласини ҳал қилади.

Биринчи инстанция суди сифатида уч бўгинли судларнинг барчаси, шу қаторда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳам иш кўради. Бу судларнинг ваколат доираси амалдаги қонун билан аниқ белгиланган. Иккинчи инстанция судларига апелляция, кассация ва тафтиш тартибида иш юритувчи судлар, учинчи инстанция судларига тақроран тафтиш тартибида ва янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритувчи судлар кирди.

Конституциямизнинг 55-моддасига биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганлиги боис, фуқароларнинг ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан апелляция ва кассация тартибида шикоят билдириш ҳуқуқи ҳам уларнинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси суди қонуний кучга кирмаган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишга қаратилган. Умумий юрисдикция судлари тизимида бундай судлар сифатида қуйи бўгин судларига кирмайдиган барча юқори турувчи судлар иш кўради. Қонуний кучга кирмаган суд ҳукми ва ажрим устидан апелляция тартибида иш қайта кўриб чиқилиши белгиланган. Қонуний кучга кирган суд ҳукми ва ажрими устидан эса, кассация шикояти кўриб чиқилиши мумкин.

Кассация инстанция суди қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим ҳамда қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади.

Тафтиш инстанцияси ва янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларни қонунийлиги, асослилиги ҳамда адолатлилигини текширишга қаратилган.

Юқори турувчи суд инстанциялари ёки юқори турувчи суд деганда, тегишли судга нисбатан анча юқори мавқе ва мақомга эга бўлган судлар тушунилади. “Юқори суд инстанцияси” атамаси Жиноят процессуал кодексининг тегишли нормаларида ҳам белгилаб қўйилган.

Шикоят ва протестнинг мавжудлиги ишни апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шикоят ва протестни қонунда белгиланган муддатда ва тегишли бўлган суд органига берилиши иккинчи ва учинчи инстанция суди зиммасига, шикоят ва протестда кўрсатилган вазларнинг тўғри ёки нотўғри тақдим этилганлигидан қатъи назар, ишни кўриб чиқиш мажбуриятини юклайди.

Шикоят ёки протестнинг берилиши қабул қилинган қарорлар билан қонуний манфаатлари боғлиқ бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий механизмни ишга туширади. Юқори инстанция суди зиммасига ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини аниқлаш, шикоятдаги ҳар бир ваҳга асосланган жавоб бериш, шикоят берган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш, шикоят билдирилган қарорнинг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш вазифасини юклайди.

Баҳодир СУЛТОНОВ,

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси.

КРИПТОВАЛЮТА ҲАМЁНЛАРИ ВА ТРАНЗАКЦИЯЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРДА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада криптовалюта ҳамёнлари ва транзакциялар билан боғлиқ муносабатларда мерос ҳуқуқининг муҳим жиҳатларига доир юридик талаблар изчил таҳлил этилди. Шунингдек, криптовалютанинг мерос билан боғлиқ томонлари, расмийлаштириш йўллари, унинг салбий ва ижобий жиҳатлари ҳамда мазкур тартибнинг ҳуқуқий назоратга риоя этиш айни пайтда назорат қилиб бўлинмаслиги билан бирга илғор хориж тажрибасининг ёндашувлари баён этилди.

Калит сўзлар: криптовалюта, соин, Форбес, Биткойн (BTC), криптоактив, криптовалюта ҳамёнлари, криптовалюта транзакциялари, мерос, мерос тақсимооти, Фуқаролик кодекси, меросда улуш, актив ва пассив мерос, ворислик, меросни қабул қилиб олиш, криптовалюта очиклиги, анонимлиги, марказлаштирилмаганлиги, криптовалюта чекланганлиги ва ишончлиги.

Ижтимоий муносабатлар, мулк шаклларининг ўзгариши бевосита мерос билан боғлиқ масалаларга ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Кундалик турмушда ҳамма ҳеч бўлмаса бир марта бўлса-да меросий муносабатларга киришишга мажбур бўлади. Бу албатта табиат қонуни ҳисобланади. Бугун глобаллашув жараёнининг ривожланиши мерос билан боғлиқ мутлақо янги Фуқаролик кодекси ва бошқа меросга тегишли нормаларда ўз аксини топмаган ижтимоий муносабатларни вужудга келтирмоқдаки, кейинги ўн йилда назарий ҳуқуқшунослар олдида бундай муносабатларга ҳуқуқий ечим бериш, мерос эгаси вафот этган тақдирда унга тегишли бўлган меросий ҳуқуқларни таъминлаш ҳамда мерос массасининг меросхўрлар ўртасида тақсимооти каби айни пайтда долзарб ва низоли вазиятларни ҳал қилишдек вазифаларни қўяди.

Бугун мерос массаси таркибига кириши мумкин бўлган айрим нарсаларни ҳуқуқий тартибга солиш лозим бўлмоқда. Айни пайда шундай муҳим масалалардан бири — криптовалюта билан боғлиқ меросий ҳуқуқларга ечим топиш ҳисобланади.

Криптовалюта – бу рақамли валюта тури бўлиб, унинг ички ҳисоб бирликлари марказлаштирилмаган тўлов тизими томонидан таъминланади (ички ёки ташқи маъмур ёки бошқа маъмур йўқ), унинг аналогий тўлиқ автоматик режимда ишлайди. Криптовалютанинг ўзи ҳеч қандай махсус моддий ёки электрон шаклга эга эмас – бу шунчаки маълумотларни узатиш протоколи маълумотлар пакетининг тегишли позициясида қайд этилган ушбу ҳисоб бирликлари миқдорини кўрсатадиган рақамдир ва кўпинча, ҳатто шифрланмаган, шунингдек тизим манзиллари орасидаги операциялар ҳақидаги бошқа барча маълумотлардир. Криптовалюта атамаси 2011 йилдан истеъмолга кириб кела бошлади.

Криптовалюта виртуал пул бўлиб, биз амалда фойдаланаётган пуллардан фарқли ўларок, жисмоний ифодага эга эмас. Бундай валютанинг ўлчов бирлиги “coin” бўлиб, инглиз тилида “танга” деган маънони англатади. Рақамли валюта қалбақлаштириш ва тақдорлашдан ҳимояланган бўлиб, унинг миқдори ва эмиссияси қатъий чекланган, масалан, ҳозирги кундаги энг йирик криптовалюта ҳисобланган биткойн (BTC) нинг максимал миқдори 21 миллионга койин этиб белгиланган. Криптовалюталарнинг асосий хусусияти марказлашмаганлиги бўлиб у ҳар қандай ички ёки ташқи томондан администратор тарафидан бошқарилмайди. Шунинг учун банклар,

солик, суд ва давлат органлари криптоактивлар фойдаланувчиларининг транзакцияларига таъсир қила олмайди. Криптовалюта ҳамёнлари ва транзакциялари билан боғлиқ барча маълумотлар блокчейнда сақланади.

Юқорида баён қилинган маълумотлар асосида айтишимиз мумкинки, криптовалюта ҳамёнлари ва транзакциялар тушунчалари бугун ҳеч ким учун янгилик эмас. Интернет орқали сотиб олинган криптовалюта ҳамёнларини амалда мамлакатлар томонидан назорат қилишнинг имкони йўқ. Аммо криптовалютанинг эгаси ўзи бемалол ўзига тегишли криптовалюта ҳамёнлари ва транзакцияларини хоҳлаганидек тасарруф эта олади. Зарурият бўлса криптовалютани блокчейн ҳамда ундан гаров сифатида ҳам фойдаланиш ҳам мумкин.

Криптовалюта билан боғлиқ меросий масалаларни ўрганиш жараёнида унга тегишли бўлган уч асосий хусусиятни алоҳида баён этмоқчимиз:

биринчидан, криптовалюталар ишончга асосланмаган. Криптовалютани бошқариш тизимларининг ишончга эҳтиёжи йўқ. Уни сотиб олиш учун учинчи шахс(лар) шарт эмас;

иккинчидан, криптовалюталар ҳеч қачон ўзгармайди. Блокчейн технологияси ҳам криптовалюта операцияларини ўзгартирмайди. Уларни бекор қилиш, кечиктириш, тақдорлаш, яшириш ёки ўзгартириш мумкин эмас. Соддароқ қилиб айтганда, тизимда тарафлар бир-бирини алдаши мумкин эмас;

учинчидан, криптовалюталар марказлаштирилмаган тўлов тури ҳисобланади. Чунки, криптовалюталар учун тизим томонидан янги койинлар тизим билан ва шаффофлигини сақлаган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Кўриниб турибдики, криптовалюта тўлов тури сифатида анчайин қулай ва хавфсиз контент тарзида жисмоний шахслар учун намоён бўлмоқда. Жаҳон мамлакатларида тўлиқ савдо қилиш, шу билан биргаликда электрон савдо, миллий банклар томонидан мижоз ва маҳсулот ёки хизмат бажарувчи ўртасидаги операцияларнинг ҳеч қандай тарзда назорат қилинмаслиги, солик билан боғлиқ муаммоларнинг йўқлиги ва бошқа бир қанча тарафларга фойдаланган бўлган хусусиятлари борки, бу криптовалюта барқарорлигини таъминламоқда. Яна бир қулай жиҳати уни сотиб олиш учун банк ёки кимгадир мурожаат қилиш шарт эмас. Шунчаки, ҳисобингизда

мавжуд пул маблағларини электрон тарзда ҳаракатга келтиришингиз кифоя.

Бундан ташқари криптовалютанинг қуйидаги ижобий томонлари мавжуд:

- Криптовалюта кодининг очиқлиги;
- у билан боғлиқ муносабатларнинг анонимлиги;
- криптовалютанинг марказлаштирилмаганлиги;
- унинг чекланганлиги;
- ишончли эканлиги.

Шу билан бирга криптовалюта муносабатларининг қуйидаги салбий томонлари ҳам мавжуд:

- Криптовалюта билан боғлиқ муносабатларда кафолатнинг йўқлиги;
- у билан боғлиқ муносабатларнинг ўзгарувчанлиги;
- криптовалюта операцияларида исталган пайтда ташқиқлаш ёки чеклаш хавфининг мавжудлиги;
- криптовалютанинг йўқолиш хавфи. Яъни, электрон пулга кириш учун “калит” – бу махсус паролнинг йўқолиши тизимга батамом қайта кириш имкониятини йўққа чиқаради.

Маълумотларга кўра биткойн – биринчи криптовалютадир. Биткойн – бу Сатоши Накамотонинг (Япония) ихтироси, ammo бу тахаллус ортида қандай одам ёки одамлар гуруҳи тургани ҳалигача аниқ эмас. Накамото 2008 йил 31 октябрда марказлашмаган тўлов тизими концепциясини тақдим этди. Унинг асосий тамойиллари – барча иштирокчилар учун анонимлик, фирибгарликдан ҳимоя қилинганлик ва назорат қилувчи ташкилотлардан мустақилликдан иборат эди.

Криптовалютадан энг фаол фойдаланиш бўйича 20 талик давлатлар рўйхатига Украина ва Россия етакчилик қилади, Венесуэла учинчи ўринда жойлашган, кейинги ўринларда Сингапур, Кения ва АҚШ туради.

Биткойн миллий валютага таҳдид ва пул оқимлари устидан назоратни йўқотиш каби сабабларга кўра давлат учун фойдасиз саналади.

Европа давлатларида биткойнга дахлдор масалалар айна дамада суд амалиёти даражасигача етиб борган. 2015 йил 22 октябрда Европа суди биткойнларни фиат валюталарига алмаштириш бўйича операциялар ҚҚСдан озод қилинганлиги тўғрисида қарор чиқарди. Суд қароридида ҚҚС тўғрисидаги қонун фақат товарлар ва хизматлар етказиб бериш учун амал қилиши ҳақида ойдинлик киритилиб, уни виртуал валюта деб атайди. Биткойн учун анъанавий валюталар алмашинуви ҚҚСдан озод. Биткойн операциялари валюталар, тангалар ва банкнотлар билан боғлиқ тўлов операциялари сифатида таснифланган ва шунинг учун ҚҚС объекти эмас. Суд Европа Иттифоқига аъзо барча давлатларга криптовалюталарни солиққа тортиладиган активлар рўйхатидан чиқариб ташлашни тавсия қилган.

Хусусияти бўйича криптовалюталар қийматга эга, ундан наф қўриш, уни сотиш ёки сотиб олиш мумкин. Бугунги кунда унга товарлар, маҳсулотлар, кўчмас мулк ва бошқа ашёлар сотиб олинмоқда. Улар ижтимоий муносабатнинг объекти, яъни мулк сифатида намоён бўлмоқда.

Бизга маълумки, мулк шаклларининг барчаси давлат томонидан қонуний муҳофаза қилинади. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини

хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди”.

Мерос тақсимоти масаласи тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81-моддасида ёзилганидек, “Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, бундан ташқари мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, санонат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради”. Криптовалютани айрим мутахассислар пул ва қимматли қоғозлар тоифасига киритади. Бошқа гуруҳ олимлар уни алоҳида ёзиш керак деб ҳисоблашади.

Хусусиятидан келиб чиқиб биз, криптовалюта фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида объекти сифатида эътироф этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жамиятнинг келгуси тараққиётида криптовалюта билан боғлиқ муносабатлар айна пайтда глобаллашув аҳамиятининг ортиши фонида мерос тақсимоти учун ҳам муҳим.

Маълумки, мерос масаласи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1112-моддасида “Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек ушбу Кодексда белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади”, деб ёзилган.

Айнан Ўзбекистонда криптовалюта билан боғлиқ мерос муносабатлари қандай тартибда ҳал қилиниши масаласи, криптовалютага оид мерос тақсимоти васият ёки қонун йўли билан амалга оширилиши илмий асосланмаган, ноаниқ ҳисобланади. Чунки, ижтимоий тармоқларда шоу-бизнес вакиллари томонидан биткойн сотиб олинаётганлиги хусусида очик маълумотлар мавжуд.

Демак, криптовалюта ҳамёнлари ва транзакциялари билан муносабатлар Ўзбекистонда амалда мавжуд. Бироқ, расмий статистикада криптовалюта ҳамёнлари ва транзакциялари ҳақида маълумот учрамайди. Ўз-ўзидан криптовалюта ҳамёнлари ва транзакцияларининг мерос билан боғлиқ, мерос таркибида уларни ворисга ўтказиш масалаларини ҳал қилиши керак.

Замон ривожланиши билан биз истаймизми ёки йўқми, криптовалюта ҳамёнлари ва транзакция жараёнлари, биткойн эгасининг вафот этиши ҳолати кузатилади. Натижада биткойн эгасига тегишли мерос улуши таркибидаги бошқа ашёлар каби криптовалюта ҳамёнларини тақсимлаш зарурияти вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, криптовалюта ҳамёнлари ва транзакциянинг бугун ҳуқуқий тартибга солиниши долзарбдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мерос билан боғлиқ муносабатлар доирасида криптовалюта ҳамёнлари ва транзакция масалалари мулкий хусусияти, шунингдек, мулкий ҳуқуқлар тоифаси ва бошқа жиҳатларига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа нормаларнинг тегишли моддаларига ўзгартиришлар киритиш лозим.

Бекзод ГАДОЕВ,

фуқаролик ишлар бўйича

Тошкент шаҳар Учтена туманлараро суди судьяси.

КРЕДИТЛАШ СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЖИНОЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК МЕЗОНЛАРИ

Пул-кредит соҳасидаги асосий атамаларни, улар орқали берилган тушунчаларни тўғри талқин этиш шу соҳадаги жиноий қилмишларни фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан ажрата олиш ва уларни тўғри малакалашда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу муносабатларнинг самарали ва комплекс муҳофазасини такомиллаштириш ва инсофсиз қарздорларнинг фаолиятига баҳо бериш учун содир этилган қилмишнинг жиноий-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий белгилари ва ўзига хос жиҳатларини ажратиш муҳим.

Кредитлаш соҳасидаги қонунбузарликларга ҳуқуқий баҳо бериш баробарида, жиноят қонунчилигида ушбу соҳадаги қилмишлар учун алоҳида жавобгарликнинг белгиланиши, бу каби жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарни ундириш тартибига аниқлик киритилиши ва охир-оқибат жабрланувчилар, фуқаровий даъвогарларнинг (кредитор) бузилган ҳуқуқ ва манфаатларининг тикланишига эришиш мумкин.

Шу сабабли кредитлаш соҳасида фирибгарлик, кредитни ноқонуний олганлик, давлат мақсадли кредитини мақсадсиз ишлатганлик, кредит қарздорлигидан қасддан бўйин товлаганлик учун жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни жиноий тажовузлардан қўриқлаш вазифасини бажаришга хизмат қилади.

Хусусан, кредитлаш соҳасида фирибгарлик жинояти ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ўзаро фарқлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорида тушунтиришлар берилганлигига қарамасдан, амалиётда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилмаслигини фирибгарлик сифатида баҳолаш ҳолатлари учрамоқда.

Пленум қарорининг 8-бандида ўзганинг мулкни талон-тарож қилишга қаратилган қасд мавжудлиги тўғрисида, жумладан, айбдор томонидан сохта ҳужжат ёки кафолат хатларидан фойдаланиш, қарз мавжудлиги ёки мулк гаров остидалиги тўғрисидаги маълумотни яшириш, битимда тарафлардан бири сифатида иштирок этиши учун сохта корхона (ташкilot) тузилиши, кредит маблағларидан мақсадга зид фойдаланиш ёхуд уларни нақдлаштириш кабилар гувоҳлик бериши мумкинлиги, қайд этилган ҳолатлар ўз-ўзидан шахсни фирибгарлик содир этишда айбдор деб топиш учун асос бўлмаслиги, шу туфайли, шахснинг ўз мажбуриятларини била туриб бажариш нияти бўлмаганлиги ҳар бир муайян ҳолда ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Назаримизда, Пленум қарорида кредит соҳасидаги фирибгарликнинг моҳияти ва бундай қилмишларни квалификация қилиш юзасидан батафсил тушунтириш берилмаган ва бу амалиётда кредит маблағи ўз вақтида қайтарилмаган

ҳолларда кредит маблағларининг мақсадсиз ишлатилиши қилмишни фирибгарлик сифатида квалификация қилиш учун асос сифатида келтирилмоқда.

Қайд этиш керакки, айбдор томонидан сохта ҳужжат ёки кафолат хатларидан фойдаланиб, қарз мавжудлиги ёки мулк гаров остидалиги тўғрисидаги маълумотни яшириб, битимда тарафлардан бири сифатида иштирок этиши учун сохта корхона (ташкilot) тузиб, бироқ кредит маблағларини қайтариш юзасидан мажбуриятлар бажарилган ҳолларда кредит маблағини ноқонуний олганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, айбдор шахс кредит маблағини олишда қонунга зид ҳаракатланган бўлса-да, унда кредит маблағини тўлиқ қайтариш имконияти бўлиб, мажбуриятлар гаров, суғурта, кафиллик ва ҳ.к билан етарли таъминланган ҳолларда мулкни текинга қўлга киритиш белгиси бўлмаганлиги сабабли қилмишни фирибгарлик сифатида квалификация қилиб бўлмайди.

Айни вақтда, кредит маблағларини ноқонуний олганлик ҳолатлари бўла туриб, кредит юзасидан мажбуриятларни ўз вақтида бажарилиши айбдорни умуман жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмаслиги керак. Чунки, мазкур ҳуқуққа хилоф қилмишлар қонун билан қўриқланадиган кредитлаш соҳасини тартибга солувчи ижтимоий муносабатларга зарар етказиши.

Кредитлаш соҳасидаги фирибгарлик билан кредитни ноқонуний олганликда ифодаланган қилмишларнинг бири биридан фарқи уларнинг турли объектларга қаратилганлигида намоён бўлади. Ноқонуний кредит олиш – норматив ҳужжатлар билан белгиланган тартибнинг бузилиши бўлса, бу соҳадаги фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар мулкдор манфаатларини ҳимоя қилишга оид муносабатларга тажовуз қилади.

Мазкур қилмишлар объектив томондан ҳам бир биридан фарқланади. Кредитлаш соҳасидаги фирибгарлик пул маблағларини талон-тарож қилишда ифодаланади. Яъни, бу ҳолатда субъектда ўзганинг мулкни ҳуқуққа хилоф равишда олиш, уни айбдор шахс ёки бошқа манфаатдор шахслар фойдасига айлантириш мақсади мавжуд ва бунда мулкнинг эгасига зарар келтирилганлиги факти аниқланади.

Ўз навбатида кредит олишда имтиёзлардан ноқонуний фойдаланганлик, банк ёки кредит ташкilotига била туриб ёлғон маълумотлар тақдим этиш, банк ходимларини алдашда ифодаланган қилмишлар ноқонуний кредит олишнинг объектив томонини ташкил этади.

Субъектив томондан ноқонуний кредит олишда айбдор пул маблағини ўз мулкига айлантириш мақсадсиз, алдов йўли билан қўлга киритилган маблағдан вақтинча фойдаланиш мақсадини кўзлайди ва ноқонуний олинган пул маб-

лағларини қайтариш ниятида ҳаракат қилади. Бироқ, кредит маблағи қайтарилмаслик ҳолати ҳам вужудга келиши мумкин. Бунда қилмишни квалификация қилиш учун айбдорнинг аниқ ҳаракатларига баҳо берилиши лозим.

Хуқуқшунос Д.Магомедов ноқонуний кредит олиш мустақил жиноят таркиби бўлиши билан бирга бир вақтнинг ўзида талон-тарожнинг усули ҳам бўлиши мумкинлигини таъкидлаб, учинчи шахслар билан тузилган сохта шартномаларни бажармаслик орқали кредит маблағлари қарздор томонидан ўзлаштирилган ҳолларни мисол тариқасида келтирмақда. Шу сабабли ноқонуний кредит олиш оқибатида кредиторга зарар етказилганлик фактларини аниқлаш учун қарздор томонидан ўз фаолиятида фойдаланган пул маблағлари ҳаракатларини тўлиқ ўрганиш зарур бўлади. Бундай ҳолатлар аниқланиб, қарздорнинг жиноий мақсади исботланган тақдирда унинг ҳаракатлари талон-тарож сифатида квалификация қилиниши лозим бўлиб, қарздорнинг қилмишини ноқонуний кредит олганлиги юзасидан қўшимча малакалаш талаб этилмайди.

Ноқонуний кредит олишни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказишдан (ЖК 170-моддаси) ҳам фарқлаш зарур бўлади. Бунда зарар мулкдорнинг эгалигига келиб тушмаган пул маблағларидан ноқонуний фойдаланиш, масалан банк миջозининг пул маблағини унинг ҳисоб рақамига ўтказмасдан айлантириш оқибатида етказилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарори 8-банди кредит маблағларидан мақсадга зид фойдаланиш ёхуд уларни нақдлаштиришнинг ўзи, агар мулкни алдаб ёки ишончни суиистеъмол қилиб текинга қўлга киритиш мақсади аниқланмаган бўлса, фирибгарлик сифатида баҳоланмаслиги лозимлиги ҳақидаги тушунтиришлар билан тўлдирилиши қонуннинг аниқ ва бир хилда қўлланилишига хизмат қилган бўлар эди.

Бундан ташқари, кредитлаш соҳасидаги ҳуқуққа хилоф қилмишларга ҳуқуқий баҳо беришда кредитни мақсадсиз ишлатганликда ифодаланган ҳолатларни тўғри баҳолаш, бундай қилмишни кредит соҳасидаги фирибгарликдан фарқлаш назарий ва амалий жиҳатдан ҳам муҳим ҳисобланади. Кредитни мақсадсиз ишлатганлик учун жавобгарликни белгиловчи норманинг киритилиши кредитлаш соҳасидаги қилмишларга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ва мазкур тоифадаги ишларни кўришда суд амалиётини бир хиллаштиришга хизмат қилади.

Давлат кредити ҳокимият ва бошқарув органлари орқали бир томондан давлат ва иккинчи томондан жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат бўлиб, унда давлат қарз олувчи, кредитор (қарз берувчи) ва кафил сифатларида майдонга чиқади. Кредитнинг мақсади уни ажратиш шартлари, муддати, миқдори, кредитлаш субъектлари доирасини белгиловчи ҳужжатлар билан аниқланади.

Давлат мақсадли кредитлари дейилганда одатда Марказий банк томонидан махсус давлат дастурлари ижроси доирасида бериладиган пул ёки натура шаклидаги ссудалар тушунилиши лозим.

Давлат дастурлари бўйича кредитларни ажратишда кредитор сифатида Марказий банк ёки шундай ваколат

берилган тижорат банклари ҳам иштирок этиши мумкин. Давлат мақсадли кредитларидан тегишли дастурларни молиялаштиришга қаратилмаган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш мақсадида тузилган шартномаларни фарқлаш зарур. Назаримизда алоҳида жиноий жавобгарлик айнан давлат мақсадли кредитлари, субсидияларини мақсадсиз ишлатганлик учун белгиланиши мақсадга мувофиқ. Чунки, бунда пул маблағлари иқтисодиётнинг ривожлантирилиши зарур бўлган соҳаларга йўналтирилмаслиги, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламига етиб бормаслиги оқибатида молия-кредит тизимидан ташқари, фуқароларнинг манфаатларига путур етказилиши қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини белгилайди.

Объектив томондан давлат томонидан ажратилган маблағлардан белгиланмаган мақсадларда фойдаланиш бюджет кредит маблағларини олиш шартларини бузишда, дастурга зид равишда бошқа мақсадларга ишлатишда ифода этилади. Масалан, маблағларни депозитга киритиб, ундан фоиз олиш, дастурга алоқаси бўлмаган кўчмас мулк ёки товар моддий бойликлар олиш, бошқа мақсадсиз тўловларни амалга ошириш каби. Амалиётда кредит маблағлари бошқа тижорат ташкилотлари ёки банкларга, бошқа тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам учун ёхуд валюта қимматликларини сотиб олишга йўналтиришга йўл қўйилиб, бундай ҳаракатлар мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолатда содир этилади.

Одатда, кредитни ноқонуний олганлик ва фирибгарлик йўли билан кредит олганликда ифодаланган жиноий қилмишлар низоли, алдаш таъсирида (асоратли) битимлар тузиш орқали содир этилади. Шу сабабли бундай битимларнинг ҳақиқий эмас деб топилиши оқибатида бир томонлама реституция қўлланилади ва қонунга мувофиқ (ФК 123-моддаси) жабрланувчига унинг битим бўйича бажарган ҳамма нарсаси қайтариб берилиши, олинган нарсани асл ҳолида қайтаришнинг иложи бўлмаганида эса — унинг қиймати пул билан тўланиши, жабрланувчи битим бўйича иккинчи тарафдан олган мол-мулк, шунингдек иккинчи тарафга топширилган нарса эвазига ўзига тегишли бўлган мол-мулк давлат даромадига ўтказилиши, бундан ташқари, жабрланувчига қилган харажатлари, мол-мулки йўқотилиши ёки бузилиши натижасида етказилган зарар тўланиши назарда тутилган.

Шу ўринда, жиноят қонунчилигида кредит қарздорлигидан қасддан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик белгиланиши кредит қарздорлигини тўламаслик мақсадида ўзига тегишли мулкни фуқаровий – ҳуқуқий битимлар тузиш орқали бегоналаштирган ҳолларда мулкни қайтариш ва кредитор қарздорликка йўналтириш имконини беради.

Бунда кредит қарздорлигидан қасддан бўйин товлаган деб топишда авваламбор кредит қарздорлиги ҳамда қарздорга тўлаш мажбурияти юклатилганлигини тасдиқловчи суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати бўлиши талаб этилади. Назаримизда, кредит қарздорлигини тўлаш имконияти бўла туриб суд қарорини ижро этишдан бўйин товлаш кредит қарздорлигидан қасддан бўйин товлаш деб топилиши лозим.

Кредит қарздорлигидан қасддан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари, жиноят таркиби элементлари, зарурий белгилари масалаларида

илмий тадқиқотлар ўтказилган ва мазкур қилмишлар учун жиной жавобгарликнинг қонунда белгиланиши зарурияти асослангириб берилган.

Л.Гаухман ва С.Максимовларнинг фикрича бўйин товланинг қасддан содир этилиши суд томонидан ишнинг барча ҳолатларини таҳлил қилган ҳолда баҳо бериш орқали аниқланадиган жараён. Масалан, қарздорнинг банк операциялари, учинчи шахслар билан битим тузиш ва ҳ.к орқали унда ҳақиқатда бўлган пул маблағлари ёки бошқа мулкни яширишга қаратилган ҳаракатлар; кредит қарздорлигини ундирувчи ташкилотга бир неча маротаба келмаслик; кредит қарздорлигини ундиришни қийинлаштирадиган ёки тўсқинлик қиладиган шароитга солиш; кредиторга турли хил таъсир ўтказиш ва ҳ.к.

Бошқа муаллифлар кредит қарздорлигини тўлашдан бўйин товланинг қасддан содир этилганлигига баҳо бериш учун авваламбор, субъектнинг қарздорликни сўндириш имконияти бўла туриб, тўламасликка қаратилган қилмишни қасддан содир этилганлиги аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашади. Бунда қарздорга юклатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари ва давомийлиги, қарздорликни ундиришни таъминлашга тўсқинлик қиладиган вазиятни вужудга келтириш, кредиторга ноқонуний таъсир ўтказиш факти ва ҳ.к. эътиборга олинishi зарур. Мулкни рўйхатга олган давлат ижрочисининг талабларини бажаришдан бош тортиш, мулкни яширишга уриши, бошқа шахсларга бериб юбориш, қарздорликни сўндирмаслик мақсадида дебитор қарздорликни ундириш чорасини кўрмаслик ҳолатлари ҳам мисол тариқасида келтирилмоқда. Худди шунингдек, қарздорликни сўндириш жараёнини қасддан узоқ вақтга чўзиш ҳам кредит қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаш сифатида баҳоланиши мумкин.

Ушбу жинойт қасддан содир этилади. Шахс кредит қарздорлигини тўлашдан бўйин товлаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди. Мотив ва мақсад қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас. Қилмиш давомли бўлиб, унинг бошланиши қарздорликни тўлашдан бўйин товлашда ифодаланган ҳаракатсизлик ёки бўйин товлашга қаратилган ҳаракатлардир.

Амалиётда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан жинойт-ҳуқуқий муносабатларни ажратиш муаммоли масалалардан бири бўлиб, назаримизда уларни ажратишда жинойт таркибининг асосий элементи бўлган қасднинг мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Айнан қасднинг мавжудлиги қилмишни кредит қарздорлигидан бўйин товлаш сифтида квалификация қилиш учун асос бўлади.

Тергов ва суд амалиётида “ноқонуний кредит олиш” ёки “кредит қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаш” алоҳида учраши қийин. Ноқонуний кредит олиш ҳаракатлари дастлаб талон-тарожга эмас, бошқа қарздорликни сўндириш учун маблағ топишга қаратилган бўлиши мумкин. Ноқонуний йўл билан олинган кредит маблағи ёрдамида қарздорликни сўндириш имконияти бўлмаганида тадбиркор банк-кредитор билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилмасдан қолган кредит маблағлар билан яшириниши мумкин. Бунда ишнинг конкрет ҳолатларига қараб субъектнинг ҳаракатларини кредит маблағини ноқонуний олиш, кредит қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаш сифатида квалификация қилиш мумкин.

Бу тоифадаги ишларнинг мураккаблиги қасднинг мавжудлигини исботлашда бўлиб жинойт ишини қўзғатишга асос бўлган материалларнинг тўлалиги, кредит шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармасликдан жинойтни фарқловчи ҳолатларни исботловчи далиллар тўпланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Мисол сифатида фақат кредит олиш мақсадида сохта хўжалик субъектлари тузилган ҳолатларни келтириш мумкин. Бундан ҳужжатларнинг сохталаштирилгани, тадбиркорлик субъектининг кўрсатилган манзилда мавжуд эмаслиги, ноқонуний фаолият билан шуғулланганлиги, кредитни қайтариш имконияти мавжуд эмаслиги аниқ бўлгани ҳолда кредит маблағини олиш ҳолатлари далолат бериши мумкин.

Жинойт кодексининг 232-моддасида суд ҳужжати-ни ижро этмаслик учун жинойт жавобгарлик белгиланган бўлса-да, кредит қарздорлигидан бўйин товланганлик учун алоҳида жавобгарлик назарда тутилмаган. Кредит қарздорлиги муҳим юридик мажбурият бўлиб, мазкур мажбуриятни бажаришдан бўйин товланганлик учун жинойт жавобгарлик белгиланиши муҳимдир. Айниқса, кредит қарздорлигидан бўйин товлаш мақсадида мулк сохта юридик ташкилотлар тузиш орқали учинчи шахсларга ўтказилган ҳолларда.

Бундай қилмиш кредиторга ва кредит муносабатларига киришган барча тарафларнинг қонунуний манфаатларига зарар келтириши туфайли жинойт сифатида баҳоланиши лозим. Шу сабабли, кредит қарздорлигидан қасддан бўйин товланган шахснинг айбдорлиги исботланган тақдирда, кредитор мулкни реституция тартибида қайтариш ҳуқуқига эга бўлади.

Реституция – бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши ва қонунга зид йўл билан берилган мулкни қайтаришга қаратилган юридик институт. Мулк учинчи шахсларга сохта юридик ташкилотлар тузиш орқали бериб юборилган ҳолларда кредитор уни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Яъни, кредит қарздорлигидан қасддан бўйин товланганликда айбли деб топилган шахслар томонидан тузилган, мулкни яширишга қаратилган битимларни (ФК 124-моддасининг 1-қисми) қалбаки битим сифатида баҳоланган ва бундай ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг оқибати сифатида қарздор томонидан яширилган мулкни реституция тартибида қайтариш ва келгусида кредитор фойдасига ундириш имкониятини беради.

Бундан ташқари, кредит қарздорликдан бўйин товланганлик кредиторга зарар етказиши мумкин. Бундай ҳолатларда кредитор етказилган зарарни ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу масала фуқаролик суд иши юритиш орқали ҳал қилинади ва зарарнинг миқдори ва ундириш тартиби ҳам фуқароликка оид иш юритиш тартибида ҳал қилиниши лозим.

Шундай қилиб, кредит қарздорлигидан қасддан бўйин товланганлик учун жавобгарлик, хусусан кредит қарздорлигидан бўйин товлаш мақсадида мулк сохта юридик ташкилотлар тузиш орқали бегоналаштирилган ҳолларда кредиторга мазкур мулкни қайтариш ва етказилган зарарни ундиришни талаб қилиш имкониятидан иборат. Бу эса, кредиторнинг қонунуний манфаатларини ҳимоя қилишга ва кредит муносабатларидида қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Нодирахон БОБОХОНОВА,
Судьялар олий кенгаши судьяси.



Мақсуда ДУСМАТОВА,
Тошкент вилоят судининг
иқтисодий ишлар бўйича
судьяси

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

2024 йил 1 январдан бошлаб туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишлар вилоят судларида ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида, вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар мазкур судларда тафтиш тартибида кўриб чиқилмоқда.

Вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибида қайта кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилган ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида тафтиш тартибида қайта кўрилади.

Энг муҳими шундаки, эндиликда юқори турувчи судлар томонидан қуйи судларнинг бекор қилинган қарорларини янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тартиби бекор қилиниб, ҳар бир суд инстанциясининг зиммасига иш бўйича якуний қарор чиқариш мажбурияти юклатилди.

Қонунчиликда белгиланган аввалги тартибга кўра, апелляция тартибида кўрилмаган иш бўйича суд ҳужжати устидан норози тарафда кассация шикоятни бериш ҳуқуқи мавжуд эмас эди. Бу эса, қайсидир сабабларга кўра апелляция шикоятини бериш муддатларини ўтказиб юборган тарафнинг суд ҳужжати устидан шикоят бериш ҳуқуқини чеклаб қўяр эди.

Эндиликда суд ҳужжатидан норози бўлган тараф ўз хоҳиши бўйича қонуний кучга кирмаган суд ҳужжати устидан апелляция шикоятни билан, қонуний кучга киргач кассация шикоятни билан мурожаат этиш ваколатига эга бўлди.

Одил судлов соҳасига тафтиш институтининг киритилиши ва суд қарорини тафтиш тартибида кўриш ваколатларининг ўрта бўгин судлари ҳисобланган вилоят судлари ва унга тенглаштирилган судларга берилиши, тафтиш инстанцияси томонидан ишни кўришда қуйи судларнинг моддий ва процессуал қонун нормаларига риоя этилганлиги ҳолатини тўлиқ тафтиш қилиш орқали кўриб чиқиб, суд қарорларига қонуний баҳо берилишини таъминлайди.

Шу билан биргаликда мазкур институтнинг қонунчиликка тадбиқ этилиши орқали Олий суднинг марказлашган ваколатлари қуйи судларга ўтказилиши билан, ўрта бўгин судларининг одил судловни таъминлашдаги ваколатларини кенгайтириш билан биргаликда уларга қонуний ва асосли қарор қабул қилиш каби масъулиятни ҳам юклайди.

Эндиликда, ишнинг унда иштирок этувчи, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган бирор-бир шахс йўқлигида кўрилганлиги ва ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ҳамда билдирилган талаб бўйича суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинмаганлиги аниқланганда апелляция ёки кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўради. Ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўришга ўтиш ҳақида ажрим чиқарилиб, унда бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар кўрсатилади.

Шунингдек, янги киритилган ўзгартиришларга кўра суд ҳаражатларини тақсимлаш тўғрисидаги масала ҳал қилинмаганлиги ёки нотўғри ҳал қилинганлиги суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди.

Бундан ташқари, апелляция инстанция судига шикоят (протест) киритиш муддати ўзгармаган бўлса-да, бироқ кассация ва тафтиш инстанцияларига шикоят (протест) киритиш муддатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ой ичида берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин бўлди.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш муддати кассация инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилинганга қадар ўтган бўлса, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) кассация инстанцияси суди қарор қабул қилган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинганга қадар ўтган бўлса, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) ушбу судлар томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Бош прокурорининг протести Иқтисодий процессуал Кодекснинг 307-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларнинг мурожаати келиб тушган кундан эътиборан уч ой ичида, лекин Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда киритилиши мумкин.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати тафтиш тартибида шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича суд томонидан, агар илтимоснома шикоятни (протестни) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва тафтиш тартибида шикоятни (протестни) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

ТОВАР БЕЛГИСИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИНГ ТУГАШИ ТАМОЙИЛИ: ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА АМАЛИЁТ

АННОТАЦИЯ:

мақолада товар белгисига нисбатан ҳуқуқларнинг тугаши тамойили, унинг турлари ва аҳамияти, ушбу тушунчанинг миллий ва хорижий қонунчилик ҳамда Жаҳон Савдо Ташкилотининг ТРИПС битими нормалари билан ўзаро уйғунлиги, шунингдек ҳуқуқлар тугашининг миллий, минтақавий ва халқаро турлари ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради. Шу билан бирга, товар белгисига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг асосий тамойиллари ҳамда унинг монополистик роли, фуқаролик-ҳуқуқий мақоми, унинг муҳофазасини таъминлашнинг замонавий усул ва механизмлари ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: *товар белгиси, параллел импорт, биринчи сотув доктринаси, ҳуқуқларнинг тугаши, мутлақ ҳуқуқлар, ҳуқуқий муҳофаза.*

Товар белгиси соҳасидаги глобаллашув ва халқаро савдо тизими ривожланишининг иккита муҳим таъсири – жаҳон бозорида яратилган ва фойдаланиладиган товар белгилари сонининг кескин ўсиши ҳамда глобаллашувнинг товар белгиларига оид ҳуқуқ тизимининг анъанавий ҳуқуқий нормаларига бўлган муносабати муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли мамлакатлар товар белгилари билан боғлиқ масалалар билан шуғулланадиган глобал ҳуқуқий тизимни қайта қуриш ва уйғунлаштиришга ҳаракат қилишлари керак.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодийётининг салмоқли қисмини миллий маҳсулотлар экспорти ташкил этади. Маълумки, маҳсулот ва хизматлар ўз брендининг машҳурлигига асосланади. Шу сабабли, кўплаб мамлакатлар ҳуқуматлари брендлари истеъмолчилар томонидан тан олинган ва юқори баҳоланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича фаол ишламоқда. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг товар белгилари (брендлари) ҳимоясини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Интеллектуал мулкни стратегик бошқарувда товар белгилари замонавий халқаро бизнесда ўсиб бораётган элемент ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни кечмоқда. Бу борада Ўзбекистон олдида интеллектуал мулкнинг ҳимояси билан бир қаторда товар белгиларига доир параллел импорт билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш вазифаси турибди.

Айтиш керакки, товар белгисига нисбатан “биринчи сотув доктринаси” тушунчаси унга доир мутлақ ҳуқуқнинг тугаши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1107¹-моддасига кўра, “бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмайди”. Айни шу каби нормани биз Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни 26-моддасида ҳам кўришимиз мумкин. Унга кўра, товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киришти ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб

юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Юқоридаги меъёрни таҳлил қилар эканмиз, унда келтирилган “олиб кириш” тушунчасини аниқлаштириш керак, деб ўйлаймиз. Хусусан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1484-моддасида “...ишлаб чиқарилган, савдога таклиф қилинган, сотилаётган, ярмарка ёки кўргазмаларда намоёиш этилаётган ёки бошқача тарзда Россия Федерацияси ҳудудида фуқаролик муомаласи жараёнига киритилаётган ёки шу мақсадларда Россия Федерацияси ҳудудига олиб кирилаётган” деган мазмунда акс этган.

В.В.Пироговга кўра эса мулк ҳуқуқи ўтказилган тақдирдагина фуқаролик муомаласига киритилган деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга суд амалиёти фуқаролик муомаласига киритишни пуллик асосда амалга оширилиши керак деб ҳисоблайди.

Мазкур тадқиқот доирасида товар белгиси билан боғлиқ жиҳатлар ўрганилган, ваҳоланки “биринчи сотув доктринаси”, “ҳуқуқларнинг тугаши”, “параллел импорт” каби тушунчалар интеллектуал мулкнинг Эта муҳим йўналишига (айримларига қисман) ҳам тааллуқли ҳисобланади. Бироқ, ҳар бир мамлакатда юқоридаги тушунчалар товар белгисига нисбатан албатта қўлланилади.

Параллел импорт деганда, товар белгиси эгасининг рухсатсиз асл ва муҳофазага олинган товарларнинг мамлакат ҳудудига эркин кириши тушунилади. Бунда товарлар импорти унинг эгаси, унинг ваколатли импорт қилувчилари ёки расмий дистрибьюторлари томонидан эмас, балки бошқа шахслар томонидан амалга оширилади. Параллел импорт қилишнинг иккита асосий нуқтаси бор. Биринчидан, параллел импорт қилинадиган товарлар контрафакт ҳисобланмайди; иккинчидан, бу жараён товар белгиси эгасининг (интеллектуал мулк ҳуқуқи эгаси) рухсатсиз содир бўлади.

Айтиш лозимки, параллел импортни қўллаш юзасидан жаҳон мамлакатларида ягона йўналиш мавжуд эмас. Шунингдек, фикримизга кўра, параллел импорт деганда, товар белгиси эгасининг рухсатсиз “биринчи сотув доктринаси”дан кейин маҳсулотларнинг мамлакатга эркин (беул) кириши тушунилади. Товарларни олиб кириш деганда ҳуқуқ эгаси, унинг ваколатли ҳамкорлари ёки расмий дистрибьюторлари томонидан эмас, балки бошқа ҳар қандай шахслар томонидан товарларнинг реализация қилинишини тушунамиз. Товар белгиларига нисбатан параллел импортни тартибга солиш ва уни қўллаш юзасидан божхона органлари ваколатли саналади.



Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига биноан, божхона органлари ўз ваколатлари доирасида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Божхона ҳудудига олиб кириладиган ва божхона назорати остида турган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун божхона органлари:

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриши;

интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни бекор қилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, жаҳон амалиётида параллел импорт тарафдорлари ва унга қарама-қаршилар ўртасида турли қарашлар ҳамда назариялар мавжуд. Эътиборлиси, ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб уни қўллаш ёки қўлламасликни белгилайди.

Интеллектуал мулк халқаро ҳуқуқнинг маълум жиҳатларини ўзида ифодалаган ҳолда ҳуқуқларнинг тугаши (биринчи сотув доктринаси) ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда глобал ривожланиш ва трансчегаравий савдо соҳасидаги муҳим кўприк вазифасини ўтайди.

Масалан, Хитой қонунчилигида товар белгиларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг тугаши тўғрисидаги аниқ қоидалар йўқ, бу эса судларга қонунни “миллий савдо манфаатлари” фойдасига талқин қилиш имкониятини беради. Бразилияда ҳам параллел импорт ўзига хос хусусиятга эга. Судлар товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси товарларни мамлакат ҳудудида тарқатишни таъқиқлаган ёки эксклюзив лицензияни назарда тутувчи шартнома тузган бўлса, товарларни параллел олиб киришни таъқиқлайди.

Фикримизча, Ўзбекистон параллел импорт юзасидан ягона қарорга келиш борасида ЖСТнинг ТРИПС битимидан келиб чиқиши керак. Бундан ташқари, албатта миллий манфаатларимиз биринчи ўринда бўлиши лозим. Хусусан, ТРИПС битимининг 51-моддасида божхона органлари маҳсулотлар муомаласа киритилишида (олиб киришда) тўхтатиш ваколатига эгаллиги айтиб ўтилган. Мутлақ ҳуқуқлари бузилган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолда тайёрланган товарлар юзасидан ҳуқуқ эгасида шубҳа пайдо бўлганда товар белгиси эгасига ваколатли органга ёки суд органларига товарларнинг муомаласа киритилишини божхона органлари тўхтатиб туришига доир мурожаат қилиш ҳуқуқини беришни назарда тутган. Шунингдек, ушбу модда нафақат импорт қилинаётган балки экспорт қилинаётган товарларга нисбатан ҳам худди шундай ҳаракатни амалга оширишни ЖСТга аъзо давлатларга тавсия этган. Бу мамлакат ташқи савдо айланмасида “параллел импорт” ҳажмининг ошишига ва мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига жиддий таъсир қилади. Бунинг натижасида жаҳоннинг машҳур корхоналари ўзларининг товарларини Ўзбекистон бозорига таклиф қилмайди ҳамда ўз машҳур товар брендининг ҳимояланишига ҳеч қандай кафолат йўқлиги ҳақидаги хулосага келишига замин яратади.

Ўзбекистонда ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда экспортга йўналтирилаётган миллий маҳсулотларимизнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро нормалар ва ЖСТнинг ТРИПС битими нормаларидан келиб чиққан ҳолда параллел импортга доир ягона тартибини жорий қилиш муҳим аҳамият

касб этади. Бу жиҳат айтиш мумкин Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолик жараёнидаги миллий қонунчилигимизга ТРИПС битими нормаларини уйғунлаштиришда алоҳида рол ўйнайди. Зеро, интеллектуал мулкнинг юқори даражада ҳимояланганлик даражаси мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги ва ташқи имиджини оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Фурқат УТАПОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdugopirovich Y. A. Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System // Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT). – 2021. – Т. 12. – №. 4. – С. 1068-1073.
2. Бобров А.Г. Функции и особенности правового регулирования товарных знаков в предпринимательском праве // Интеллектуальный потенциал XXI века: степени познания. 2016. №33. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/funksii-i-osobennosti-pravovogo-regulirovaniya-tovarnyh-znakov-v-predprinimatelskom-prave>
3. Макарова О.Н., Кузенкова Е.С., Мартыненко О.В. Управление параллельным импортом и его влияние на цены. международный опыт // Экономика и экологический менеджмент. 2022. №4.
4. Нырова Н. “Параллельный импорт - за и против” // Журнал “ИС. Промышленная собственность”, № 7, 2007. Ст. 4 – 18.
5. Пирогова В.В. Исчерпание исключительных прав и параллельный импорт. М.: Статут, 2008.
6. Решение Арбитражного суда города Москвы от 24.04.2012 г. по делу № А40-106723/11.
7. Calboli I. Trademark Exhaustion in the European Union: Community-Wide or International? Te Saga Continues // Marquette Intellectual Property Law Review. 2002. No. 6. P. 47–86
8. Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. https://wipolex-res.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt_wto01_001ru.pdf
9. Тўракулова Н., Юлдашов А. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришда халқаро шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Conferencea. – 2022. – С. 467-471.
10. У.Нурматов. Интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини божхона органлари томонидан аниқлаш амалиётини такомиллаштириш. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil.
11. Yuldashov A. Intellectual property law policy in Uzbekistan //Global Scientific Review. – 2023. – Т. 12. – С. 80-85.
12. Юлдашов А. Интеллектуал мулк бўйича миллий стратегияларнинг аҳамияти ва бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бу борада тутган ўрни //Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 53-59.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Аҳолини халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳаллий корхоналарнинг глобал қўшилган қиймат занжирларига кириши учун қўшимча шароит яратишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-393-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.10.2022 й., 07/22/393/1146-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 январдаги “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни Республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-1913-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 06/19/5684/2708-сон.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2022 й., 03/22/757/0181-сон.
16. What are the benefits of “ex officio” for Uzbekistan and the concept of “parallel import”? <https://uzbekistanlawblog.com/what-are-the-benefits-of-ex-officio-for-uzbekistan-and-the-concept-of-parallel-import/#:~:text=Parallel%20importation%20refers%20to%20the,distributors%20but%20by%20other%20persons.>

ВАСИЯТНОМАНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Табиат қонунларига бўйсуниб яшаш, қоидаларга амал қилиш – ўзганинг ҳуқуқини чеклайдиган ёки зарар берадиган ҳаракатлардан тийилиш – инсоннинг тўғри ва ҳалол яшашига туртки бўлади. Қоидалар жамият муносабатларидан келиб чиқиб ўрнатилди ва унга риоя этиш учун жамиятнинг ўзига ҳавола этилади ва улар ҳамма муносабатларда мавжуд, шу қатори васиятнома билан боғлиқ ҳаракатларда ҳам.

Васиятнома — фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш иродасидир. Бу билан фуқаро ўз мулкнинг тақдирини белгилаши, ўзига маъқул бўлган меросхўрни тайинлаши, ёки меросхўрлардан бири ёки бир нечтасини меросдан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга.

Васият қолдирувчи томонидан шахсан ўз қўли билан ёзилиши ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда унинг сўзларига биноан ёзиб берилиши ёки махфий ҳолда, шунингдек шарт кўрсатиб ҳам тузилиши мумкин.

Васиятнома тузиш борасида қонунчилигимизда бир қатор қоидалар белгилаб ўтилган.

Биринчи қоида, васият қолдирувчи ва меросхўрнинг ҳуқуқлари ҳамда уларнинг мерос мол-мулкни қабул қилиб олишлари тўғрисида. Яъни, васият қолдирувчи хоҳлаган шахсга васият қолдириши ёки хоҳлаган меросхўрни мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этиши ёки четлатиши мумкин. Агар васият бир меросхўрга қолдирилган бўлса, қонун талабларига асосан у меросга эгалик қилади. Агар меросхўр васиятномада мерос мол-мулкдан маҳрум этилганлиги кўрсатилган бўлса, у васиятномада кўрсатилган меросга даъвогар бўлолмайди. Бу борада М.Ю.Баршевский васиятнома мазмунида у ёки бу меросхўрнинг мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши тўғрисида кўрсатма берилиши, ёки бўлмаса меросхўрлар ҳақида сукут қолдирилиши мумкинлиги тўғрисида кўрсатилиши ва бу иккала ҳолат бир-биридан фарқ қилиши тўғрисида тушунтириб ўтган. Унинг фикрича, биринчи ҳолатда, меросхўр васиятномада кўрсатилган мерос мол-мулкдан мерос қолдирувчининг бошқа мерос мулкларига ҳам даъво этиш ҳуқуқи йўқ. Иккинчи ҳолатда эса, васиятномада номи кўрсатилмаган, “унутилган” меросхўр, мерос қолдирувчининг васиятномадан ташқари бошқа мерос мулкларига қонун бўйича ўз улушига эга бўлиши мумкин, агар васиятномада “барча мол-мулклар” деб кўрсатилган бўлса, у ҳолда ҳеч қанақа мерос мол мулкига эга бўлмайди. Шунингдек, М.Ю.Баршевский “барча мол мулклар” шаклида тузилган васиятномада кўрсатилган меросхўр ушбу меросдан воз кечса, унда “унутилган” меросхўр мерос мол-мулкига даъво этиши, васиятнома мазмунидаги маҳрум этилган меросхўрнинг эса ҳеч бир мол-мулкка даъво этиш ҳуқуқи йўқлиги тўғрисида тушунтириб ўтган. Юқоридаги ҳолатларда меросхўрларнинг мерос олиш ҳуқуқи қайси ҳолларда кўпроқ амалга ошириши тўғрисида тушунтириш берилган. Лекин биринчи ҳолатда, яъни васиятномада битта меросхўрнинг мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши кўрсатилган бўлса (агар битта мулк васиятномада баён этилган бўлса), мазкур меросхўр васиятномадан ташқари маҳрум мерос қолдирувчининг бошқа мулкларига қонун бўйича даъвогар бўла олишлиги қонунчилигимизда кўрсатилган. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекс-

сининг 1119-моддаси бўйича нолойиқ меросхўр деб топилган меросхўрлар мерос қолдирувчининг ҳеч бир мол-мулкига даъво қилолмайди.

Иккинчи қоида, васиятнома шакли, яъни тасдиқланиши. Васиятнома ёзма шаклда тузиладиган бир томон, фақат васият қолдирувчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракат. Ҳозирги вақтда давлатимизда васиятномалар нотариал тартибда ёки қонунда кўрсатилган бошқа ваколатли шахслар томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1126-моддасида нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар ва уни тасдиқлаши мумкин бўлган ваколатли шахслар рўйхати келтирилиб ўтилган. Улардан бири, васият қолдирувчи даволанаётган даволаш муассасаси бош врач, қамоқда сақланаётган муассаса бошлиқлари ва ҳақозолар томонидан васиятномалар тасдиқланиши мумкин. Ушбу ваколатли шахслар томонидан тасдиқланган васиятнома васият қолдирувчининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойдаги идоравий нотариал архивга сақлаш учун юборилади ва архив ходими бу ҳақида “Нотариус” ААТ га киритади. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги вақтда васиятномалар фақат нотариус ёки ваколатли шахслар томонидан тасдиқланиб келинмоқда. Аммо ривожланган давлатларда, масалан Россия Федерациясида мазкур ҳолатлардан ташқари “фавқулодда ҳолатлардаги васиятномалар” ҳам амалда қўлланиб келинмоқда. Бу васиятнома шаклидан фарқи шундаки, у инсон ҳаёти хавф остида қолганида амалга оширилади. Бу васиятнома ҳақиқий деб топиш учун у васият қолдирувчи томонидан шахсан ўз қўли билан ёзилган ва икки гувоҳ иштирокида амалга оширилган бўлиши керак. Ушбу васиятнома тўғрисида олимларимиз томонидан бир қанча фикрлар келтирилиб ўтилган. Масалан, А.А.Рубанов агар фуқаро ўз ҳаётига хавф туғдирадиган сабаблар мавжудлиги боис ўз васиятномасини нотариус ёки ваколатли шахс томонидан тасдиқлатиш имконияти йўқлигини билса, гувоҳлар иштирокида васиятнома тузиши мумкинлиги тўғрисида айтиб ўтган. Ушбу васиятномада хавф инсоннинг соғлиғига эмас, айнан ҳаётига қаратилган бўлишлиги аҳамиятга моликдир (масалан ҳарбий конфликтлар, техноген фалокатлар тўқнашувлари, табиий офатлар ва бошқа фавқулоддаги вазиятлар).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясининг 1-бўлим 5-бандида фуқаролик қонунчилигини унификация қилиш ва тизимлаштириш мақсадида уни инвентаризациядан ўтказиш, шунингдек халқаро стандартлар талабига ва энг яхши хорижий амалиётларга мувофиқлаштириш белгиланганлиги боис, “Фавқулодда ҳолатларда васиятнома тузиш” қонунчилигимизга киритиш вақти



келди, деб ўйлаймиз. Агар мазкур ҳолатда васиятномани тузиш қонунчилигимизга киритилса, инсон ўзининг энг сўнги хоҳиш иродасини баён этишига, ўзи истаган меросхўрни тайинлашга, мол-мулкнинг ўзи истаганча тасарруф этилишига катта имконият яратилган бўлар эди.

Васиятноманинг яна бир тури — махфий васиятномада васият қолдирувчидан бошқа ҳеч ким бу васиятноманинг мазмунини билмайди, бу васиятнома шахсан ўз қўли билан ёзилиб, имзоланади ва икки гувоҳнинг иштирокида ва нотариус ҳозирлигида тасдиқланади. Ушбу васиятнома васият қолдирувчининг ўзи томонидан тузилганлиги боис, унда нима ёзилганлиги ёки қанақа ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкланганлигини ҳеч ким билмайди. Бу ҳолда қатор камчиликларга йўл қўйилиши ва охир оқибатда васиятноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиниши мумкин. Масалан, меросхўрга қонунга зид бўлган мажбурият юклаб кетилган бўлса, ёки васиятнома мазмуни ва шаклига риоя этилмай тузилган бўлса, у ўз ўзидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

ЎзР Фуқаролик кодексининг 1121-моддасига асосан васият қолдирувчи меросхўр хулқ атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли ва бундай васиятнома шартли васиятнома деб талқин этилади. Мазкур ҳолда васият қолдирувчи ўз мулкни меросхўрга бериши билан бирга ўз шартларини ҳам васиятномада кўрсатиб кетади. Лекин шартлар қонунга зид бўлмалиги керак. Агар қонунга зид бўлса, меросхўр ушбу ҳолатда судга мурожаат этиб, васиятноманинг бу қисмини ҳақиқий эмас деб топишга даъво қилиши мумкин.

Учинчи қоида, васиятномани тузиш шакли. Васиятнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига мувофиқ шахсан тузилиши керак, вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Яъни, васиятнома қолдираётган шахс фақат ўзи бу ҳаракатни амалга оширади, ҳеч кимга ишончнома бермайди ёки ушбу ваколатни қолдириб кетмайди. П.С.Никитюкнинг фикрича, васиятнома – якка битим бўлиб, у фақат бир шахс томонидан тузилади. Васиятнома – шахснинг ўз иродасини якка ўзи билдириши шаклидаги битим бўлганлиги боис, фақат васият қолдирувчининг ўзи томонидан амалга оширилади.

Агар васият қолдирувчи жисмоний нуқсонли ёки саводсиз бўлса ЎзР ФК 1124-моддасига, ЎзР Адлия вазирининг 04.01.2019 йил 4-январдаги 2-мх сон бўйруғи 1-иловасига ва “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 87-бандига асосан ўз васиятномасини имзолай олмаса, нотариус ҳозирлигида имзолай олмаганлик сабабларини кўрсатган ҳолда васиятномага бошқа шахс томонидан имзо қўйилиши мумкин. Бу қоида васият қолдирувчиларимиз учун кенг имконият, сабаби васият қолдираётган кўпчилик шахслар кекса ёшдаги отахон ва онахонлардан иборат.

